

Барқарорлик ҳамда фаровонликни мустақамлаш йўлида

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Бундан ташқари, сенаторлар "Маъмурий қамқоқи ўташ тартиби тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларини кўриб чиқдилар ва атрофлича муҳокамадан сўнг маъқулладилар.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда прокуратура органлари томонидан қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ҳамда давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида катта ишлар амалга оширилган.

8 январни — Прокуратура органлари ходимлари кунини белгилаш уларнинг мақомини, прокуратура органлари фаолияти самарадор-

лигини янада оширишга, уларни ўз хизмат вазифаларини виждонан бажаришга рағбатлантиришга кўмаклашди.

Шундан сўнг сенаторлар "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Қонунга, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги ва "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонунларга мувофиқ аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятга эга фақулдада вазиятлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, санатор хавфсизлиги ва радиациявий хавфсизлик соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижроси тўғрисида "Саноттеоконтехназорат" Давлат инспекцияси бошлиги Б.Гулямовга юборилган парламент сўровига берилган жавобни кўриб чиқдилар ҳамда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Х.Мирзахидовга "Электрон ҳуқуқат" тизимини жорий этишга оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши тўғрисида парламент сўровини юбориш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатларига таллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сенат ялпи мажлиси давомида 15 та масала, шу жумладан, 5 та қонун кўриб чиқилди.

Ҳуқуқий маданият ва халқаро тажриба

Бош прокуратура томонидан бошқа манфаатдор идоралар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган "Ҳуқуқий маданият — ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий шартларида бири" мавзусидаги халқаро давра сўхбати ўз ишини якуналади.

Ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Бош прокуратура, Конституциявий, Олий суд, Олий ҳўжалик суди, адлия, ички ишлар, олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, давлат солиқ, боғжона кўмиталари, Тошкент давлат юридик, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетлари, Миллий телерадиокомпания, "Адолат" нашриёти, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти, шунингдек, ЕХТҲ лойиҳалар координатори, "Региональный диалог" ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари вакиллари, бир қатор халқаро экспертлар, соҳа мутахассислари иштирок этди.

Давра сўхбатининг мақсади — жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, қабул қилинаётган қонунларни аҳолига ва ижрочиларга етказиш, уларнинг ижро этилиши устидан таъсирчан парламент ва жамоатчилик назоратини жорий қилиш масалаларини муҳокама қилиш, ушбу соҳага оид чет эл тажрибасини ўрганиш, халқаро ҳамжамиятнинг Ўзбекистонда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар билан таниш-

тиришдан иборат бўлди.

Тадбирда таъкидланганидек, юксак ҳуқуқий маданият демократик жамиятнинг асоси ва ҳуқуқий тизим етуқлигининг кўрсаткичидир. У жамиятда турли ҳаётий жараёнларни тартибга солишга фаол таъсир кўрсатувчи, фуқаролар, барча ихтимой гуруҳларнинг бирлашишига хизмат қилувчи, жамиятнинг яхлитлигини, ундаги тартибни белгиловчи ва мустақамловчи омил ҳисобланади. Қонунга ҳурмат ҳуқуқий жамиятнинг, сиёсий ва ҳуқуқий тизим самарали фаолият юритишининг асосий шартларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев бу масалага эътибор қаратиб, қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларнинг қонунга ҳурмат таъйёрлаш, юридик таълим ва ҳуқуқий тарбиялаш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтганини алоҳида қайд этдилар.

Давра сўхбати давомида "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури"ни янги таҳрирда таъйёрлаш, юридик таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш, жамоат институтларининг ролини ҳамда жамиятда ҳуқуқий ҳабардорлиқни, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида ривожланган демократик

давлатлар тажрибасини ўрганиш ва бошқа долзарб масалалар кенг муҳокама қилинди.

Шунингдек, давра сўхбати доирасида иштирокчилар "Адолат" нашриёти томонидан ташкил этилган китоблар ярмаркаси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси ва "Юрида" МЧЖнинг ахборот материаллари экспозицияси, "Китоб олами" маънавий-маърифий савдо маркази китоб фонднинг юридик адабиётлари, Инсон ҳуқуқлари миллий маркази нашрлари билан танишдилар.

Бундан ташқари, Бош прокуратурада жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ахборот хизматлари ва ҳуқуқий босма нашрларнинг роли, замонавий талаблар ҳамда стандартлардан келиб чиққан ҳолда юридик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларини муҳокама қилишга бағишланган тематик учрашувлар ўтказилди. Уларда прокуратура ва бошқа ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларнинг матбуот хизматлари ҳамда ҳуқуқий босма нашрлари ходимлари, шунингдек, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи ва суд органларининг ўқув муассасалари тингловчилари иштирок этди.

Очиқ мулоқот шаклида ўтказилган халқаро давра сўхбатида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга оид миллий ва хорижий тажриба чуқур таҳлил этилди ва шундан келиб чиқиб демократик ислохотларни амалга оширишнинг ҳозирги босқичида соҳада қонунчилик ва ҳуқуқий қўллаш амалиётини такомиллаштириш борасида аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

Бош прокуратура
Матбуот хизмати

Одамлар билан мулоқот уларнинг давлатга ишончини мустақамлайди

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Маърузада "Нуроний" жамғармасининг ўрни ва ролини янада кучайтиришга эътибор қаратилиши ҳам таъкидланди. Йигирма йилдан буён мазкур тизим жамоатчилик асосида ишлаб келарди. Шавкат Мирзиёев ўз сайловли дастурида "Нуроний" тизимидаги ходимларни ҳам бюджет ҳисобидан ойлик маош билан таъминлашни йўлга қўйиш, маҳалла раисининг нуронийлар масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимини жорий этиш, санаторияга бора олмайдиган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига йўлланманинг пулини бериш, ёлғиз қарияларни ҳар йили қишки кийим-бош ва озиқ-овқат захираси билан таъминлаш борасида қатор ҳаётий таклифларни илгари сургани барчамизни қувонтириб юборганди. Мана энди бу гоё-вазифалар ҳаётимизга кўчяётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Буларнинг барчаси нуронийларимизнинг ҳаётдан рози ва хурсанд бўлиб яшашига хизмат қилади ва бу халқимизга хос улў қадриятлар бардавомлигига — кекса авлод олдидидаги бурч ва қарани ўташнинг умуммиллий ҳаракатга айланаётганидан далолат.

Худойберди Тўхтабоев,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Мулоқотсиз, фикр алмашувларсиз тараққиёт бўлмайди. Халқ билан мулоқот — бу икки томонлама фикрлашув, муаммоларга ечим топиш, аҳолининг давлат бошқарувидаги ролини ошириш демак. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу борада халқимиз қалбидидаги катта бир орзуни айтди: "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни, аввало, барча бўғиндаги раҳбарлар яқин тушуниб олиши зарур". Асли демократия деганлари шу: халқ ҳуқуқ-манфаатларининг асосий ролга қиличи — кучли давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришининг мустақам омили.

Президентимиз ёш авлод тарбияси ҳақида гапириб, Абдурауф Фитратнинг "Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юқини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болалиқда олган тарбияларига боғлиқ", деган фикрларини барчамизга бежиз эслатмади. Бу оилавий китобхонлик даражасини ошириш билан чамбарчас боғлиқ. Чунки оилавий китобхонлик нафақат оилаларда, балки бутун жамиятда ўзаро бир-бирини тинглаш-англаш қобилиятини юксалтиради, ўзаро мулоқот ва фикрлашиш маданиятини янада оширади.

Шахринисо Каримова,

Жиззах вилояти *Фалларол туманидаги "Булқоқбоши"* қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, "Эл-юрт хурмати" ордени соҳибаси:

— Президентимизнинг маърузасида "2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдидида ҳисобот бериш тизими жорий этилади", деган сўзларни айна халқимиз кўнглидаги гап бўлди. Чунки ҳар қандай раҳбар, қайси тизимда ва қайси лавозимда ишлагани, аввало, аҳоли олдидида ҳисобдор ва жавобгардир. Уларнинг фаолиятига элнинг ўзи баҳо беради, халқ қўлласа, жамиятимизда ечимланган муаммолар дярлик қолмайди. Ҳар бир туман ва шаҳарда ташкил этиладиган "Халқ қабулхоналари" бунда муҳим омил бўлади. Одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очиқ мулоқотда бўлиб, оғирини енгил қилишнинг аниқ бир тизими йўлга қўйилганда аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустақамлашга хизмат қилади. Бу барчамизни уйғоқ ва бедор виждон билан яшашга, ишлашга ундайди.

ЎЗА

Бугунги давр биримиздан оғоҳлик ва ҳушёрликни талаб этади. Ҳаётимиздаги воқеа-ҳодисаларга беварқ бўлмаслик, бу ишлар фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг иши демай, жонбозлик кўрсатиш турли ҳолат ва жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамият эга.

Огоҳлик — давр талаби

Азиза ТУЙГУН,
Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан фуқаролар ва юридик шахсларнинг бу борадаги фаоллигини, шижоатини янада ошириш мақсадида "Қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустақамлаш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда фаол иштирок этган фуқаролар ва юридик шахсларни рағбатлантириш тўғрисида"ги буйруғи қабул қилинган эди. Жиноятларнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари билан бир қаторда фуқаролар, кенг жамоатчиликнинг иштирок этаётганлиги қувонарлидир.

1999 йил тугилган, Сергели туманидаги Қўйлик маънавий хизмат касб-хунар коллежининг 1-босқич ўқувчиси Роман Седов билан содир бўлган ҳолат бунга мисол бўла олади.

У жорий йилнинг 5 июни кунини тунги вақтда Миробод туманидаги Олтинкўл кўчасида Н.Мирзахаримов "Матиз" автомашинасининг эшигини очяётганлигини кўриб қолади. Кўнгли нохушлиқни сезиб, дўстлари С.Биев ва В.Стучинларнинг ёрдамида Н.Мирзахаримовни ушлаб, ички ишлар ходимларига топширади.

Н.Мирзахаримов Р.Седовга қаршилик кўрсатиб, қўлини тишлаб олади ва унга "енгил" жароҳат етказди. Ўз навбатида Р.Седов ўзининг хатти-ҳаракати билан Н.Мирзахаримовнинг ўғирлик жиноятини содир қилишига йўл қўймасдан, "Матиз" автомашинасининг эгаси фуқаро Р.Ўлмасовга моддий зарар етишининг олдини олди.

Фуқаролик бурчини бажариб, шахсий намуна кўрсатган Роман Седовга Тошкент шаҳар прокурори томонидан "ташақурнома" эълон қилинди.

Самарқанд вилоят прокуратураси органлари томонидан қишлоқ хўжалиги хошимларининг қонуний манфаатларини ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада прокуратуранинг ишонч телефонига келиб тушган мурожаатларни ўрганиш ва қонуний ҳал қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, Пайариқ туманидаги "Сори-сув" фермер хўжалиги бошлиғи Ф.Ботирқулловнинг "Ўзқишлоқхўжалик-машинизинг" Самарқанд филиалидан лизинг шартномасига асосан олинган агрегат кафолат муддатида таъмирлаб берилмаганидан норози бўлиб ёзган мурожаати кўриб чиқилди.

Мурожаатлар доимо эътиборда

Бобурмирзо ОБЛАКУЛОВ,
Самарқанд вилоят
прокуратураси бўлим бошлиғи

Маълум бўлишича, фермер хўжалиги билан "Ўзқишлоқхўжалик-машинизинг" Самарқанд филиали ўртасида шу йил 11 апрелда ҳашакни тойлаш агрегатини сотиб олиш бўйича шартнома тузилган. Фермер хўжалиги 38 млн. сўм аванс пулини лизинг компаниясининг ҳисоб рақамига ўтказиб берган ва шартномага кўра, ушбу агрегатнинг кафолат муддати 6 ой қилиб белгиланган.

Агрегат шу кафолат муддатида бузилган тақдирда уч томонлама шартномага асосан, "Ўзқишлоқхўжалик-машинизинг" Самарқанд филиалининг вакили, туман давлат техника назорати ва оловчи билан биргаликда тузилган далолатнома асосида ишлаб чиқарувчи томонидан таъмирлаб берилиши белгиланган. Агрегат жорий йилнинг 23 июнь кунин Самарқанд лизинг компаниясининг вакили Т.Узоқов томонидан "Сори-сув" фермер хўжалигига топширилган.

Агрегат бир ой ишлагандан кейин ишдан чиққан ва Пайариқ туман техника назорати бўлими бошлиғи Б.Худойназаров ҳамда вилоят лизинг компаниясининг ходими Т.Узоқов томонидан агрегатнинг айрим жиҳозлари бузилганлиги ҳақида далолатнома тузилган. Шундан сўнг Ф.Ботирқуллов агрегатни Тошкент вилоят Қибрай туманидаги "Чирчиқ-агро" МЧЖга олиб бориб топширган. Лекин таъмирлаш ишлари чўзилиб кетган.

Мурожаатни кўриб чиқиш жараёнида прокуратуранинг аралашуви билан "Сори-сув" фермер хўжалигининг агрегати кафолатли равишда "Чирчиқагро" МЧЖда таъмирланиб, жамият ҳисобидан фермер хўжалигига олиб келиб берилиши таъминланди.

Шунингдек, тумандаги собиқ "Зумрад Чарос узумзори" фермер хўжалиги бошлиғи Ф.Бойматовнинг фермер хўжалигига қарашли ер майдонлари олиб кўйилганлигидан норози бўлиб ҳамда бошқа ҳолатлар ҳақида ёзган аризаси текширилди. Аниқланишича, фермер хўжалигининг жами 19,02 гектар ер майдони танлов ўтказилмасдан туман ҳокимининг қарори билан "Елбек Vozogov dalasi" фермер хўжалигига ноқонуний ажратилган экан. Вилоят прокуратураси томонидан келтирилган протестга асосан туман ҳокимининг ноқонуний қарори бекор қилинди.

Пайариқ туманидаги "УЗ3 Умиджон" фермер хўжалиги бошлиғи С.Нурматованин 2015 йилда етказиб берилган пахта хомашёсидан бўлган 7 млн. сўм, 2016 йилда топширилган пилла ҳосилидан қолган 1 млн. сўм ҳамда галла учун тўланмаган 120 млн. сўм пулларни ундириб беришда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати ҳам ўрганиб чиқилди. Вилоят прокуратурасининг аралашуви билан "Пайариқ пилла" МЧЖга топширилган пилланинг 921,4 минг сўми, "Самарқанддонмаҳсулот" ОАЖга топширилган галланинг 128 млн. 51 минг сўми ҳамда 2015 йилда "Челак пахта заводи" АЖга топширилган пахта хомашёсининг 6 млн. 907 минг сўми, жами 135 млн. 879 минг сўм пулларнинг ихтиёрий тўлаб берилиши таъминланди.

Ижтимоий муҳофаза — бош масала

Инсонпарварлик, халқпарварлик, эл-юрт ҳақида қайғуриш — халқимизга хос азалий одат. Зотан, бу юрда инсонни, унинг қадр-қимматини устувор билиш аждодларимиздан меросир. Мустақилик йилларида бу эзгу одат қайта қадр топди.

Халқимиз учун ҳар жиҳатдан муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож, камтаъминланган қатламини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг муҳим тасмийллари билан бири этиб белгиланди.

Бугун соҳадаги қонунчилик такомиллаштирилиб, ижтимоий муҳофаза борасидаги амалий чора-тадбирлар кўлами янада кенгайди. Хусусан, бозор муносабатларига асосланган тараққиёт йўлидан одимлаб бораётган мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари доимий равишда қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

Аммо айрим мансабдорлар томонидан бу борада ўз зиммасига ишониб топширилган вазифа ва масъулиятни шуғиётмоқ қилиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Буни ижтимоий

нафақаларни тайинлашда адолат, тенглик принципларига риоя этмаслик билан изохлаш мумкин.

Хусусан, аксарият маҳалла фуқаролар йиғинларининг мансабдор шахслар нафақа тўловларини тайинлашда қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйиб, нафақа беришни сўраб мурожаат этганларнинг аризаларини асосиз равишда рад этиб, қонуний ҳал қилмаганлар. Оқибатда мазкур фуқароларга нафақа тайинлангани лозим бўлгани ҳолда, нафақа тайинланмаган.

Айрим ўринларда эса бу масалага янада ўзгача ёндашилганки, натижада муҳтож бўлмаган фуқароларга нафақа берилишига сабаб бўлинган. Жумладан, тумандаги 9 та маҳаллада 48 та ҳолатда нафақа ноқонуний тўланганлиги аниқланди. Текшириш жараёнида 18 та ноқонуний қарор протест келтириш орқали бекор қилиниб, 22 та ҳолатдаги ноқонуний рад

Ёрмухаммад МАМАДАЛИЕВ,
Учкўрган туман прокурорининг
катта ёрдамчиси

этилган мурожаатлар қаноатлантирилиб, уларга 17,8 млн. сўм миқдорда нафақалар тайинланди.

Мазкур соҳада йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш учун тегишли жойларга тақдимнома киритилиб, МФЙларнинг қонунга зид бўлган нафақа тайинлаш ҳақидаги 18 та қарорига протест келтирилди. Ноқонуний тайинланган нафақалар тўлови тўхтатилиб, 18 нафар шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди ва 22 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланди.

Гамхўрлик ва эътибор давлатимиз сиёсатида устувор йўналишлардан бири экан, бу борада адолатсизликка йўл қўйиб бўлмайди.

Тўғри йўл қолиб...

Шамсиддин Тўраев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) содир этган қилмишининг оқибатини ўйламаган дейиш ноўрин. Салкам ярим асрни яшаб қўйган бу шахс алақачон яхши билан ёмонни, оқ билан қорани ажратибгина қолмай, қонунга хилоф ҳар қандай ҳаракат учун, албатта, жазо муқаррарлигини билмаслиги мумкин эмас.

Шундай бўлса-да, Ш.Тўраев қонунни четлаб ўтишга ҳаракат қилди. Оқибатда эса ўзи арзимасган, дея баҳолаган қилмиш уни суднинг қора курсисига етаклаб келди.

Тожикистонда тузилган Ш.Тўраев тақдир тақозоси билан Сурхондарё вилоятида яшай бошлади. Белгиланган тартибга асосан унга вилоят ИИБ ХҲК ва ФРБ томонидан фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси тақдим этилди. Унда Россия Федерациясига ишлаш учун бориш иштиёқи тугилди-ю, 2013 йил апрель ойида гувоҳномасига чиқиш муҳрини бостириб, сафарга отланди.

Отабек МАМАЖОНОВ,
Кизирқ туман прокурорининг ёрдамчиси

Ҳаш-паш дегунча икки йил ўтди. У эса ҳужжатининг амал қилиш муддати тугаганлигига парво ҳам қилмади. Орта қайтишга тўғри келганда эса боши қотди. Уйлай-уйлай, таваккал қилди. Ярим тунда айланма йўллар орқали чегарани бузиб, Ўзбекистон Республикасига ўтиб олди.

Суд Ш.Тўраев томонидан содир этилган ушбу жиноят Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг амнистия тўғрисидаги қарорига мувофиқ, унча оғир бўлмаган жиноятларни қасддан содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилиниши кўрсатилганлигини инобатга олиб, жазодан озод қилиниши лозим топди.

Умид қиламизки, Ш.Тўраев бундан бўён тўғри йўл қолиб, эгрисини танламайди.

Давлат мулкига кўз олайтирманг



Мамлакатимизда кенг миқёсда қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бу жараёнда йўлларимизни янада раван қилиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Янги таъмирланган йўллardan бораб эканмиз, ич-ичимиздан йўлсозларга раҳмат айтаман. Аммо, баъзида йўлларнинг сифатсиз таъмирланганини кўриб, жонимиз ачийди.

Бугун Боғот туман ободонлаштириш бошқармаси мансабдор шахслари ҳамда йўл қурилиши билан боғлиқ соҳаларда фаолият кўрсатган мутасаддилар фаолиятидаги тахсилларда гувоҳи бўлдим.

Олим Эгамов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) туман ободонлаштириш бошқармасида 2012 йилдан буюн турли лавозимларда ишлаб келиб, иш фаолияти давомида бир эмас, бир неча бор пудратчи ташкилотлар раҳбарлари билан ўзаро келишган ҳолда айрим қонунбузарликларга йўл қўйган экан. Хусусан, ички хўжалик йўлларида амалга оширилган жорий таъмирлаш ишларини бажариш жараёнида иш

тури ва ҳажмини ортиқча кўрсатиб, ҳужжатларга сохта ёзувлар ва маълумотлар киритади, бюджет маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилади. Бунинг натижасида 2012 йилда туман ички хўжалик йўлларида жорий таъмирлаш ишлари бажарилган 8 та объектда 23 млн. 918 минг сўмлик, 2013 йилда 11 та объектда 142 млн. 179 минг сўмлик, 2014 йилдаги 6 та объектда 106 млн. 485 минг сўмлик, 2015 йилда эса 2 та объектда 14 млн. 108 минг сўмлик ишлар ортиқча ёзилиб, бюджет маблағлари талон-торож қилинади.

Боғот туман ободонлаштириш бошқармаси инфратузилма объект-

Рашидбек КАМАЛОВ,
СВОЖДЛКК департаментининг
Боғот туман бўлими бошлиғи

ларидан фойдаланиш бўлими бошлиғи Омонбой Қўзиев ҳамда шу бўлим бош мутахассиси Эркин Сапаевлар эса бажарилмаган ишлар ҳажми ортиқча ёзилганлигини кўра-била туриб, камчиликларни бартараф этиш ўрнига ҳужжатларни имзолайверишган. Уларнинг бу эътиборсизлиги пудратчи ташкилот — "Боғот битум" хусусий корхонаси раҳбари Ботир Усуповга айтилган мурожаат билан ҳам алоҳида белгиланган асфальт учун 81 млн. 831 минг сўм маблағни ҳисоб рақамига тушириб олади. Шу билан бирга, юқорида номлари тилга олинган мутасаддиларнинг эътиборсизлиги боис, "Саёт қурилиш" корхонасига 2 млн. 135 минг сўмлик, "Хива жайхун экспресс" МЧЖга 162 минг сўмлик ишлар ортиқча ёзилганлиги ҳам аниқланди.

Ушбу ҳолатлар қонун ҳимоячилари назаридан четда қолмади. Айбдорларнинг ҳар бирига жиноят ишлари бўйича Боғот туман суди томонидан тегишли жазо тайинланди.

Барқарор Ривожланишнинг Муқим Омили

Бозор иқтисодиётини хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, ижтимоий йўналиштирилган бозор иқтисодиётига қадам қўйгач, мазкур соҳани ривожлантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари эркин фаолият юритишлари учун қатор имтиёзлар, қулай шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси тобора кучайтирилмоқда.



МУҚИМ ОМИЛИ

Баҳодир ЭРКАЕВ,
Қашқадарё вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи ўринбосари

Юртимизда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари аниқ ва сўзсиз бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатилган. Давлат ва жамият аҳамиятига молик бу вазифа вилоят прокуратураси органлари фаолиятининг ҳам устувор йўналиши ҳисобланади. Бу борада ўтказилаётган текшириш ва мониторингларда асосий эътибор тадбиркорлик субъектлари ўз ҳуқуқларидан қандай фойдаланаётганлигига, маҳаллий ҳокимликлар, назорат идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан уларнинг фаолиятига ноконуний аралашувларнинг олдини олишга ҳамда айрим мансабдорларнинг бюрократик ёндашувларига барҳам беришга қаратилмоқда.

Давлатимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга доир сиёсати моҳиятини чуқур ҳис этмайдиганлар, таассуфки, ҳамон топилади. Буни қонун бузилиши ҳолатлари ҳам кўрсатиб турибди. Ўтказилган текшириш ва мониторингларда 631 ҳолатда тадбиркорларнинг қонун билан қўрилган ҳуқуқлари бузилиши аниқланди. Булардан 88 тасини давлат хизматлари кўрсатиш тартибини бузиш, 29 тасини тадбиркорлик субъектларидан қонунчиликда назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилиб олиш, 24 тасини тадбиркорлик субъектларини қонунга зид равишда ҳомийлик ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш, 15 тасини лицензия ва рухсат беришда қонун ҳужжатлари талабларига амал қилмаслик ҳолатлари ташкил этади.

Шуни қайд этиш лозимки, прокуратура органларининг ушбу соҳадаги фаолияти фақат қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилишдангина иборат бўлиб қолаётгани йўқ. Вилоят прокуратураси томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, тижорат банклари раҳбарлари, дахлдор бошқа идоралар мутасаддилари иштирокида тадбиркорлик субъектлари учун турли тадбирлар ташкил этилиб, уларга ҳуқуқий-амалий ёрдам кўрсатилаётган. Бундай тадбирлар эркин фикр алмашиш, жонли мулоқот тусини оломқда. Айниқса, янги қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектларига етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбиркорлар ўз ишларининг олға силжишига имкон бермаётган муаммо-

лар ва тўсиқларни очикчасига айтмоқдалар. Бу муаммолар ер ёки кредит ажратиш билан боғлиқми ёхуд сотилган маҳсулот ё бажарилган ишлар ҳақини ундиришда ёрдам кўрсатиш масаласида, уларни ҳал этишнинг қонуний ечимлари изланмоқда.

Жумладан, Китоб тумани Обиканда қишлоғида яшовчи фуқаро Д.Раҳматовнинг фермер хўжалиғи юритиш учун ер майдони ажратилишида амалий ёрдам бериш ҳақидаги мурожаати юзасидан ёрдам кўрсатиш прокуратурасининг аралашуви билан туман ҳокимининг қарорига кўра унга Паландара массивидан 30 гектар ер майдони ажратиб берилиши таъминланди.

Шунингдек, Қарши шаҳар "Ландшафт-Нахшаб" МЧЖ бошлиғи Б.Ишонқуловнинг "Шўртаннефтгаз" МЧЖдан қарзни ундириб бериш ҳақидаги аризаси ҳам ижобий ҳал этилди. Маълум бўлишича, мазкур икки масъулияти чекланган жамият ўртасида 338 млн. 64 минг сўм миқдоридagi лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб бериш юзасидан шартнома тузилган. Ижрочи ушбу шартномадан бахарган бўлса-да, "Шўртаннефтгаз" МЧЖ белгиланган сумманинг 90 млн. 750 мингдан ошқоқ сўмини тўламасдан келаётганлиги аниқланди ва ушбу қарз тўлиқ тўлаб берилиши таъминланди.

Тадбиркорлик субъектлари йил сайин кўпайиб бораётган бўлса-да, улар орасида турли сабабларга кўра фаолият кўрсатмаётганлари ҳам топилади. Фаолият кўрсатмаётган корхоналар соҳалар бўйича тахлил қилинганда, 106 тасини саноат, 152 тасини қишлоқ хўжалиғи, 40 тасини транспорт ва алоқа, 154 тасини қурилиш, 370 тасини савдо ва умумий овқатланиш, 396 тасини бошқа соҳаларга оид корхоналар ташкил этиши маълум бўлди. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қайта тиклаши учун ҳуқуқий-амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Ана шундай эътибор натижасида "Plex Ztar" ва "Nilufar Maxmatgulova" хусусий корхоналари, "Экспром Исо Жалил" ва "Гуздор чарм" масъулияти чекланган жамиятларининг фаолияти қайта тикланди.

Тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият олиб боришини таъминлаш мақсадида уларнинг фаолиятига ноконуний аралашувларга барҳам берилмоқда. Миришкор тумани ДСИ шўба бошлиғи Э.Муродов инспекция буйруғига кўра, "Тилсимой Зармас" хусусий фирмасида бир кунлик қиска муддатли текширув ўтказишга лозим бўлса-да, бунга амал қилмай, молия-хўжалик фаолиятини тафтиш

қилиш тартибини бузган. Шу боис Э.Муродовга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Бугунги кунда тадбиркорлик билан эркин шуғулланиш учун барча имкониятлар яратилганига қарамай, ушбу соҳада ноконуний фаолият олиб бораётганлар ҳам топилади. Прокуратура органлари ва бошқа муассасалар томонидан ҳамкорликда иш олиб борилиб, норасмий равишда тадбиркорлик билан шуғулланиб келган 106 нафар фуқаронинг фаолияти қонуний тарзда ташкил этилишига эришилди. Масалан, Косон туманида яшовчи А.Ғиёсов, Миришкор туманида яшовчи К.Жўраев каби фуқаролар тадбиркорлик фаолиятини қонуний йўлга қўйдилар.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят прокуратураси органларида тадбиркорлик субъектларидан 187 та мурожаат тушган бўлиб, шундан 66 таси қаноатлантирилди, 121 таси бундан амалдаги қонун ҳужжатларига кўра тушуинтириш берилди. Жумладан, Муборак туманидаги "Бободоҳқон" фермер хўжалиғи раҳбари Ш.Искандаровнинг "Косон дон маҳсулотларини қабул қилиш" МЧЖдан 2016 йил ғалла ҳосили учун 55 млн. сўм ҳамда "Муборак пахта тозалаш заводи" АЖдан 2015 йил пахта ҳосилидан 24 млн. сўм миқдоридagi қарзларини ундиришда амалий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги мурожаати бевосита вилоят прокуратурасининг аралашуви билан ижобий ҳал этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботларини ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан мурожаат равишда назорат тадбирлари олиб борилмоқда. Мазкур қарор билан белгиланган талабга мувофиқ танловга қўйилган ер участкасининг бошланғич тўловы, яъни ер участкаси минимал қийматининг 10 фоизи ҳар бир тадбиркорлик субъекти томонидан зақалат "Кўчмас мулк савдо хизмати" МЧЖ Қашқадарё филиалига тўланиши лозимлиги белгиланган. Бироқ филиал мансабдор шахслари ва бошқалар мансаб ваколатларини суистеъмол қилиб, танловда иштирок этиш истагини билдирган 617 та тадбиркорлик субъектидан белгиланган қийматга нисбатан 51 млн. 100 минг сўм маблағни ортқича равишда унди-

риб олиб, уларнинг манфаатига зарар етказган. Филиалнинг мансабдор шахслари ва бошқаларга нисбатан шу ва бошқа қонунбузарликлари учун Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Судлар томонидан тадбиркорлик субъектларига қўшимча жазо тайинлашда қонун талабларига риоя этилиши доимий равишда ўрганилиб, қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўллаб-қувватланади. Масалан, жиноят ишлари бўйича Нишон туман судининг ҳукми билан "Oltin yulduz trans servis" хусусий корхонаси раҳбари Ю.Авлабердиевга ЖКнинг тегишли моддаларига асосан ойлик иш ҳақининг 20 фоизи давлат даромадига ушлаб қолинган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши ҳамда 1 йил 5 ой муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суд томонидан Ю.Авлабердиевга қўшимча жазо тайинлашда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи чекланган, бу унинг ягона даромад манбаи эканлиги инобатга олинмаган. Нишон туман судига ушбу ҳукми ўзгартириб, судланувчини қўшимча жазо, яъни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосини бекор қилиш хусусида протест келтирилди.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг мурожаатлари тезкорлик билан қўриб чиқилиб, айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланмоқда. Масалан, Қарши туманида рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор М.Анбиев ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат этиб, Қарши шаҳар ДСИ ходими Э.Шодмонов ундан Қарши шаҳридаги "Блиссалкин ичимликлари" МЧЖдан бўлган қарзни тўлашни талаб қилаётганлигини, акс ҳолда унинг миллий ширинликлар бўйича тадбиркорлик фаолиятини текшириб, чора қўришини айтганлигини маълум қилиб, унга нисбатан қонуний чора қўришни сўраган.

Ўтказилган тезкор тадбирда Қарши шаҳар ДСИ жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими катта инспектор Э.Шодмонов М.Анбиевдан 1 млн. 500 минг сўм пулдан пора тариқасида олган вақтда ушланди. Мазкур ҳолат юзасидан Э.Шодмоновга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов якунига кўра, жиноят иши айблов ҳулосаси билан судга юборилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз иқтисодиётининг изчил ривожланиши, барқарор ўсиш сурьатларининг таъминланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти беқиёс. Шу боис, тараққийнинг ушбу омилига жуда катта эътибор берилмаётгани

бежиз эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадвал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ана шу мақсадда қабул қилинган навбатдаги низоҳатда муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси эканлиги алоҳида қайд этилди.

Мазкур фармонга кўра, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинади; тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинади; молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг ходимлари томонидан йўл қўйилган қонунбузарликларни белгиланган муддатларда ихтиёрий равишда бартараф этган ва етказилган моддий зарарни қоплаган тақдирда маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, жарималар ва молиявий санкциялар (пенядан ташқари) қўлланилишдан озод этиладилар; ноконуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни биринчи марта содир этган шахслар ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан эътиборан бир ой муддатда етказилган зарарининг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ва рухсат этувчи зарур ҳужжатларни расмийлаштирган тақдирда, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этиладилар; тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўлланилмайди...

Вилоят прокуратурасида прокуратура ходимлари, матбуот ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида йиғилиш ўтказилиб, мазкур фармон ижросини таъминлаш юзасидан долзарб вазифалар белгилан олдинди.

Замонавий ахборот технологиялари ЭЗГУЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛСИН



"Ахборот асри" деб аталаётган ҳозирги замонда интернет маълумот олиш, ахборот алмашиш ва тарқатишнинг қулай воситасига айланади. Улар ҳаво тўқинлари орқали ҳатто энг чекка ҳудудларга қадар етиб бормоқда. Бироқ ушбу "ўргимчак тўри" дея аталмиш замонавий тизимдаги сайтларда оқ билан қора, яъни эзгулик билан ёвузлик қоришиб кетганини инкор эта олмайсиз.

Таъкидлаш жоизки, маълумот узатиш, бизнес ва реклама учун катта майдонга айланган глобал тармоқни назоратга олишнинг имкони йўқ. Шу боис турли экстремистик оқимлар ўзининг ақидапарастлик голярини тарқатишда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланмоқда.

Интернет тизимида терроризм ва бошқа бузғунчиликларни тарғиб қилувчи веб-сайтлар, электрон манзилга айланган ижтимоий тармоқлардаги гуруҳлар сони тобора кўпаймоқда. Афсуски, бу ҳолат ҳали дунёқараш шаклланимаган айрим гўр ёшларнинг соғлом эътиқодини, онгу шуурини зарарламаслиги.

Психологларнинг фикрича, ўғил-қизларда хабар ва маълумотларни таҳлил эта олиш маънасини ҳосил қилиш зарур.

Бунинг учун ёшларда интернетда маданиятини шакллантириш, навирон авлодни миллий маънавиятимизга, одохлақ мезъёрига салбий таъсир этувчи маълумотлардан ҳимоя қилиш, интернет хуружларига қарши доимий тарғиб ишларини олиб бориш керак.

Турли иллатларни тарғиб қилувчи сайтлар кенгайиб бораётган бугунги таҳликали замонда ёшларимизга фақат "uz" доменидаги порталлардан маълумот олишлари мақсадга мувофиқдир. Агар бошқа доменидаги веб-сайтлардан фойдаланишга эҳтиёж сезилса, мамлакатимизнинг миллий манфаълари ва менталитетига зид ахборотлардан сақланиб, хушёрлик ва эҳтиёткорлик билан иш қилиш даркор.

Юртимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг ва самарали

фойдаланиш орқали маънан баркамол, мустақил ва эркин фикрлайдиган ёшларни тарбиялаш ҳамда уларни турли мафкуравий таҳдидлардан асраш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси замонавий технологиялар асосида жадал ривожланмоқда. Интернет, мобиль алоқа ва бошқа кўплаб маҳсулотлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб бораётди.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг қариб 15 миллионга яқини интернетдан фойдаланмоқда. Мазкур жараён, бир томондан, мамлакатимизнинг замон билан ҳамнафас ривожланаётганини англатади, иккинчи томондан, аҳолининг интернетдан фойдаланиш маданияти ва кўникмасини юксалтиришни тақозо этади.

Аксарият ёшлар интернет ёки турли ижтимоий тармоқларда ўзининг шахсий саҳифасига эга бўлишни истайдилар. Лекин улар орасида интернетдан фойдаланишни билмайдиганлари ҳам учрайди. Қолаверса, кўпчилик ўзи учун зарур маълумотларни кутубхонадан эмас, муайян веб-сайтлардан изламоқда. Интернетга бирламчи манба сифатида қарамоқда.

Маълумотларга кўра, интернетдан фойдаланувчиларнинг 25-30 фоизи маълумот қидириб, электрон кутубхоналарга кириши мумкин экан, қолган 70-75 фоизи кино, клип қўриш, ўйин ўйнаш учун интернет тармоғига киришар экан. Одатда тармоқдан бирор маълумот олиш учун бир соат кифоя бўлади. Лекин кино, клип қўриш учун ёки ўйин ўйнаш учун кирганлар бир неча соат ўтиришар экан.

Сиз интернет-кафе ёки компьютер ўйинлари ўйналадиган жойларда бўлганмисиз? Ачиқлик, бундай жойларда муомала маданияти жуда ғариблишиб кетганига гувоҳ бўлишингиз аниқ. Боиси, бундай жойларда асосан хуморбосди ўйинлар ўйналавергани учун, шунга яраша сўзлашув, яъни ҳақоратомуз сўзлар ишлатилади. Ёшларимиз "ўлдирман", "отаман", "сўяман", деган гапларни бепарволик билан айтишади.

Юқоридаги ҳолатларнинг авж олиб бораётганига сабаб нима? Нега айрим ёшларимиз яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланишмапти? Ахир интернет фақат кино, клип ёки ўйин, дегани эмас-ку. Интернетнинг қулайликлари чексиз. Жумладан, электрон кутубхоналар, минглаб маълумотлар базаси, масофавий таълим ва илм ўрганиш учун барча манбалар мавжуд.

Ёшларнинг бундай имкониятлардан тўғри фойдаланмасликларига асосий сабабчи ота-оналардир. Вақтининг асосий қисмини интернетдаги турли ўйинларга сарфлаётган болаларда интернетдан фойдаланиш маданияти шаклланимапти. Давлатимиз томонидан эса шу жиҳатлар инобатга олиниб, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига қизиқувчи иқтидорли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, мил-

Хамза ҲАКИМОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

ли интернет сегментини ривожлантириш, ёшлар учун маҳаллий сайт ва ижтимоий тармоқлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самарасида ўтган йиллар давомида "uz" доменида фаолият юритаётган ижтимоий-сиссий, маданий-маърифий, кўнгилочар сайтлар ҳамда ижтимоий тармоқларнинг сони сезиларли даражада ошди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигидан маълум қилишларича, ёшлар қалбда миллий ғурур ва ифтихор туйғулари юксалтириш, уларда турли гоёвий ва ахборот хуружларига қарши маънавий иммунитетни мустаҳкамлаш, фуқароларни хушёрлик ва огоҳликка даъват этиш ишларини янада кучайтириш мақсадида турли ташкилотлар томонидан интернет танловлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Мамлакатлар барқарорлигига таҳдид соладиган, хунрезлик, ақидапарастлик, беҳаёликни тарғиб қиладиган сайт ва гуруҳларни зулматдаги "ўргимчак тўри"га қийсалаш мумкин. Бу яширин "тўр"га боғланиб қолмаслик учун ҳар бир фойдаланувчи ўз мустақил фикрига суяниши, аввало, ота-онасига, қўни қўрган юртдошларига, Ватанига ишонishi зарур. Она ва Ватан фарзандларига фақат яхшиликни раво қўради...

Хизмат бурчига муносабат кўзгуси

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг электрон қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатларнинг кўриб чиқиши ва ҳал этилиши алоҳида назоратга олинади. Яъни мурожаатларнинг тегишли давлат органлари, муассасалар томонидан ўз вақтида кўриб чиқишини таъминлашга қаратилган прокурор назоратини янада кучайтириш хусусида фармойиш қабул қилинди.

Бошқарув, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ишчи гуруҳларига масъул ходимлар бириктирилиб, кундалик таҳлил йўлга қўйилди. Айни чоғда ишчи гуруҳларининг барча аъзолари иштирокчида ўтказилган йиғилишда мурожаатни қабул қилишдан торттиб, муаллифга жавоб берилишига қадар жараёндаги масъулият ва мажбуриятлари аниқлаштириб, жавоб берилди. Уларга электрон қабулхона орқали олинган мурожаатлар билан ишлаш бўйича тайёрланган қўлланма тарқатилди.

Таҳлилларда аниқланганидек, жорий йил ноябрь ойининг иккинчи ярмига Фарғона вилоят ҳокимлигига Бош вазир электрон қабулхонаси орқали келиб тушган, уй-жой ва уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратилиши, коммунал соҳа (газ, сув, электр), тадбиркорлик, ободонлаштириш, иш билан таъминлаш, моддий ёрдам ва нафақа, таълим ва спорт ҳамда бошқа масалаларга оид мурожаатлар ўрганилиб, 162 таси қаноатлантирилган, 1635 та ҳолатда тушунтиришлар берилган.

Бош вазирнинг электрон

қабулхонасига Фарғона вилоятининг шаҳар ва туманларидан юборилган мурожаатларнинг кўриб чиқиши таҳлилларида айрим мутасадди идоралар томонидан масъулиятсизликка йўл қўйилгани кўзга ташланди. Хусусан, Фарғона шаҳрида яшовчи Қ.Қаҳҳоров виртуал қабулхонага мурожаатида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўриш учун ер майдони ажратиб берилишини сўраган. Ушбу мурожаатни кўриб чиққан Фарғона шаҳар архитектура ва қуриш бошқармаси томонидан муаллифга "Кўчмас мулк савдо хизмати" МЧЖ томонидан ўтказилаётган тендер савдоларида қатнашиши мумкинлиги тушунтирилиб, жавоб берилган. Бироқ муаллифга жавоб хатида қонунда белгилаб қўйилган, ёқни жавобдан норози бўлган тақдирда юқори турувчи органга мурожаат қилиш ҳуқуқи кўрсатиб ўтилмаган. Бундан ташқари, 3 та ҳолатда мурожаатларни кўриб чиқиш пайсалга солинган, ижроси таъминланмай, ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунга кўра, мурожаатни кўриб чиққан давлат орга-

ни мурожаат этувчига кўриб чиқиш натижалари ва қабул қилинган қарор ҳақида ёзма ёки электрон шаклда хабар қилиши шарт. Учқўприк туманининг Кичик Кенагас қишлоғи С.Қодировнинг "Ёшлар спорт мажмуаси" барпо қилишда амалий ёрдам бериш ҳақида Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига йўллаган мурожаати-га Фарғона вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси томонидан озғакчи тушуинтириш берилган-у, ёзма тарзда жавоб юборилмаган.

Қонуннинг 18-моддасида тилга олинган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирмайдиган давлат органга келиб тушган мурожаатлар беш кунлик муддатдан кечиктирилиб, тегишли органларга юборилиб, бу ҳақда мурожаат этувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилиниши белгиланган. Бошқарма мансабдор шахслари қонуннинг ушбу талабига ҳам риоя қилишмаган. Фўқаро М.Ҳоликқовнинг ўғлининг ўқишини Фарғона шаҳридаги Санъат коллежига қуришига ёрдам бериши сўраб қилган мурожаатни тегишлилиги бўйича ҳудудий ўрта махсус касб-хўнар таълими бошқармасига юборилгани ҳақида жавоб берилган.

Бироқ мурожаат ҳудудий бошқармага юборилмай қолди кетган. Масъулиятсизликка йўл қўйган вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғига нисбатан тегишли ҳуқуқий таъсир чоралар қўрилди.

Фўқаро И.Қурбоннинг Республика Бош вазир виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаати вилоят прокуратураси томонидан ўрганилди. Фўқаро К.Маҳмудов шериклари билан ўзгаларнинг пул маблағларини алдаб қўлга киритиш ва талон-торож қилиш учун Марғилон шаҳрида "Водий буюк лизинг" МЧЖни ташкил қилган. Жамиятни ташкил қилганлар жорий йил февраль ойида фўқаро И.Қурбоннинг лизинг асосида "Chevrolet Nexia SONS-1" русумли автомашина олиб бериши ваъда қилиб, унинг 15 млн. 455 минг сўм пулини қўлга киритишган. Сўнгра автомашина олиш ниятида бўлган И.Қурбоннинг маблағ тўланганилиги тўғрисида сохта қвтанция бериб, пуллари нини жамият ҳисоб рақамига кирим қилмасдан, ўзларнинг эҳтиёжларига сарфлаб юборишган. Текширишлар натижасида К.Маҳмудов ва унинг шериклари жиноий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, прокуратуранинг "Ишонч телефони"га қилинган ҳар бир мурожаат ҳам синчиқлаб ўрганилиб, тадбиркорлар, фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиляпти, бузилган ҳуқуқлари тикланыпти. Хусусан, фўқаро Ш.Исроиловнинг Бош прокуратуранинг "Ишонч телефони"га қилган мурожаати ўрганилиб, "Миллий банк"нинг Фарғона вилоят бўлими томонидан асосиз равишда унинг ҳисоб рақамидан ечиб олинган 1,9 млн. сўм маблағи жойига қайтарилиши таъминланди.

Авазбек ЮСУПОВ,
Фарғона вилоят прокуратураси
бўлим бошлиғи

А.Мўминовнинг аризаси бўйича ўтказилган текширишда маълум бўлишича, у иссиқхона барпо этиш учун кредит ажратилишини сўраб, "Миллий банк"нинг Қувасой шаҳар филиалига тегишли ҳужжатларни тақдим қилган. Унга 24 ой муддатта 9 фоиз устама тўлаш шарти билан 10 млн. сўм ажратиш ҳақида қарор қабул қилинган. Шу тарихда банк филиали мансабдор шахслари А.Мўминовдан сир тутган ҳолда ажратилган кредит маблағини кредит ва кафилик шартномаларига сохта ёзувлар киритиш, қалбаки олдди-сотди шартномасига асосан, "Жасур" МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан талон-торож қилишган. Қувасой шаҳар прокуратураси томонидан ушбу ҳолат бўйича тегишли чоралар қўрилди.

Мурожаатлар раҳбар ва ходимларнинг хизмат вазифаларига нечоғлик масъулият билан ёндашишларини кўзгудаги каби ақ этиради. Лоқайлик, бепарволик, ноҳилислик, тилга олинган муаммони атрофича ўрганмасдан, юзак ёзма ёки озғакчи жавоб бериш ҳақида эътирозларни келтириб чиқаради. Ҳар бир мурожаат ортда қонуний ҳал этилиши, амалий ёрдам ёки йўл-йўриқ кўрсатилишидан умидвор инсон турганини унутмаслик лозим.

Қонун ва қонуности ҳужжатлари билан мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳити вужудга келтирилмоқда. Хорижий инвестициялар иштирокида катта-кичик саноат мажмуалари реконструкция қилинмоқда ва янгидан янги корхоналар барпо этилмоқда. Кимё, тўқимачилик, енгил саноат билан бир қаторда машинасозлик, автомобилсозлик, ахборот-информатика саноатлари ривожлантирилиб, уяли алоқа воситаларидан тортиб компьютерларгача ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилмоқда. Хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг етакчи кучига айланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши ортиб бормоқда.

Эркин фаолият кафолати

Хамидулло ТУРҒУНБОВ,

Фаргона вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Отабек ТОШМАТОВ,

Фаргона шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланиши таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Фармони билан хусусий мулкни ҳимоя қилиш янада кучайтирилмоқда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари эркин фаолият юритишлари учун барча шарт-шароитлар, қонуний кафолатлар яратилди. Мамлакатимизнинг инвестициявий жозибadorлиги оширилиши баробарида хорижий инвестициялар учун кенг йўл очилмоқда.

Фармонда белгиланган тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айбдор-мансабдор шахслардан ундирилиши уларнинг фаолиятлари қонунга хилоф равишда аралашши ва фаолиятларини асосиз тўхтатиб қўлиш каби хатти-ҳаракатларга кенг чўйовчи таъсирчан воситадир.

2017 йилнинг 1 январидан эътиборан режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилиниши, эндиликда фақат юридик шахсларнинг тугатилиши муносабати билан ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун бузилиши ҳолатлари хусусидаги муносабатлар асосидаги Назорат қилувчи органлар Республика кенгашининг қарорига мувофиқ қисқа муддатли текширишлар ўтказилишига йўл қўйилиши тадбиркорлар фаолиятига ғайриқонуний аралашувларнинг олдини олувчи яна бир таъсирчан омил бўлиб қолиши шубҳасиз.

Шунингдек, қўзғатилган жиноят ишлари доирасида ўзаро боғланган турли солиқ тўловчиларда бўлган ҳужжатлари таққослашдан иборат текшириш тури ҳам бекор қилинди.

Фармонда белгиланган биринчи марта ҳуқуқбузарликлар содир этган тадбиркорлар ҳамда фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказмасдан амалга ошираётган шахслар етказилган зарар ўрнини қоплаган ва ҳуқуқбузилишнинг оқибатларини белгиланган муддатларда ихтиёрий равишда бартараф этган ҳолатларида жавобгарликнинг барча турларида овоз эшитишлари билиб-билмай қонун бузилишини содир этган тадбиркорларга фаолиятларини қонуний изга солиш давом эттириш имкониятини ҳавола қилади. Яна бир муҳим жиҳат, тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўлланиши таққосланмоқда.

Шу муносабат билан Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Солиқ кодексидаги тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Фармон талабларини рўёбга чиқариш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилаш борасида 42 та банддан иборат комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Чунончи, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш, давлат ва бизнеснинг ўзаро ҳамкорлигидаги маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, давлат ресурсларидан фойдаланишнинг очиқлиги ва шафқатлигини таъминлаш доирасида "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида" ги, "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида" ги, "Давлат харидлари тўғрисида" ги ва "Давлат-хусусий шерикчилик тўғрисида" ги каби умумэътироф этилган халқаро стандартларга монанд қонунларни қабул қилиш қўзда тутилмоқда. Шунингдек, жиноят ишлари бўйича текширишларни тайинлаш ва ўтказиш тартибининг аниқ ҳуқуқий мезонларини белгилаш учун "Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида" ги Қонунга, Жиноят-процессуал кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу Фармон билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига аралашувчи тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш энг муҳим устувор йўналиш эканлиги белгиланиб, давлат органларининг биринчи даражали вазифаси сифатида мустаҳкамланди. Давлат органларига, шу жумладан прокуратура органларига ўз фаолиятини белгиланган талабларнинг ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги таъминлини сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш, шу муносабат билан ўз вазифалари ва ваколатларини танқидий қайта қўриб чиқиш, тадбиркорлик фаолиятини қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўсиқлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асосиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари талаблари қатъий бажарилишини, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Масъулият янада кучайтирилади

2016 йил 23 сентябрда матбуотда эълон қилинган янги таърирдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини янада тақомиллаштириш сари қўйилган яна бир қадам бўлади.

Алишер ХОЛОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Тошкент вилоят бошқармаси
бўлим бошлиғи

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонун соҳадаги илгор хорижий тажриба ва халқаро талаблардан келиб чиққан ҳолда қабул қилинганлиги билан эвалгисидан фарқ қилади. Унда иш бевуричлар ва ходимларнинг ушбу соҳага доир талабларни бажариш бўйича масъулият кучайтирилган, меҳнат шариоити ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли шариоитлар яратилиши устидан назоратни таъминлашга доир вазифалар белгиланган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сийосатининг асосий йўналишларида ходимнинг ҳаёти ва соғлиги устуворлиги таъминлини бош омил этиб белгиланган. Бу қонуннинг халқчиллигидан далолат бериб, инсон манфаатларини таъминлайди.

Қонунга иш ўринларини меҳнат шариоитлари бўйича аттестациядан ўтказиш, меҳнатнинг муҳофаза қилинишини бошқариш тизими аудити, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллиқига чалиниши текшириш ҳамда ҳисобга олиш масалаларига оид янги тушунчалар киритилган.

Қонуннинг 14-моддасида иш ўринларини меҳнат шариоитлари бўйича аттестация масаласи ўрин олган бўлиб, бу меҳнат шариоитининг оғирлиги, жароҳатланмиш жиҳатидан ҳарфилигини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини баҳолаш, зарарли ёки хавфли ишлаб чиқариш омилини аниқлаш мақсадида ўтказилган тадбирлар мажмуини ташкил қилади.

Қонуннинг 15-моддасида меҳнатнинг муҳофаза қилинишини бошқариш тизими аудити, яъни баҳолаш масаласи акс этган. Бунда бу борадаги ишларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги аниқланади. Меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимининг ишлаш сифати, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касаллиқларининг олдини олиш даражасини камайтиришга қаратилган тадбирлар самардорлиги баҳоланади. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касаллиқларининг олдини олишга қаратилган тадбирлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқарилади.

Қонунда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллиқига чалиниши текшириш ҳамда ҳисобга олиш масалалари аниқ тартибга солинган. Хусусан, қонуннинг 26-моддасига кўра, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва ходимларнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши, шунингдек, касб касаллиқлари белгиланган тартибда текширилиши ҳамда ҳисобга олиниши шарт. Бу фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ишлар бажарувчи (хизматлар кўрсатувчи) шахсларга ҳам тааллуқлидир.

Қонун асосида касба уюшмалари ваколатлари кучайтирилгани ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминлини имкониятларини янада кенгайтиради. Эндиликда бу тизим вакили ташкилотларнинг раҳбарларидан ва бошқа мансабдор шахсларидан меҳнат шариоитлари ва муҳофазаси тўғрисида, ишлаб чиқаришдаги барча бахтсиз ҳодисалар ҳамда касб касаллиқлари ҳақида ахборот олиш ҳуқуқига эга. У бундай ҳодисалар юзасидан текширишда иштирок этади. Ходимларнинг ҳаёти ва соғлигига хавф туғилган ҳолларда ишларни тўхтатиб туриш, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларнинг бузилишини бартараф этиш тўғрисида иш бевуричга тақлифлар қилинади. Иш бевуричларнинг мажбуриятлари бажарилишини назорат қилади. Ишлаб чиқариш объектларини ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссиялар ишда мустақил эксперт сифатида иштирок этади. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талаблар бузилганда, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар фактлари аширилганда бу борада айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли органларга тақлиф қилинади. Меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиш ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши туфайли етказилган зарарнинг ўрни қоплашиши учун ҳамда ходимларнинг талабларига мувофиқлигини баҳолаш, зарарли ёки хавфли ишлаб чиқариш омилини аниқлаш мақсадида ўтказилган тадбирлар мажмуини ташкил қилади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, мазкур қонунда ходимнинг қулай ва хавфсиз иш ўрнига эга бўлиш ҳуқуқи белгиланган. Меҳнат шариоити тўғрисида, шу жумладан, касб касаллиқлари ва бошқа касаллиқларга чалиниш эҳтимоли мавжудлиги, шу муносабат билан ўзига берилиши лозим бўлган имтиёзлар ва компенсациялар, шахсий ҳимоя воситалари ва жамоавий ҳимоя воситалари ҳақидаги ахборотларни иш бевуричдан олиши кўрсатиб ўтилган. Ходимлар ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллиқларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат томонидан мажбурий ихтиомий сугурта қилинади. Тиббий тавсияларга мувофиқ навабдан ташқари тиббий қўриқдан ўтиш вақтида унинг иш жойи (лавозини) ва иш ҳақи сақланади.

Ўз навбатида, ходим ҳам соҳага оид ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиши лозим. Шахсий ҳимоя воситаларини тўғри қўллаш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар олиши, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан ва малака оширишдан ўтиши керак. Одамларнинг ҳаёти ва соғлигига бевосита хавф туғдирувчи ҳар қандай вазият тўғрисида, иш жараёнида ёки у билан боғлиқ ҳолда содир бўлган ҳар қандай бахтсиз ҳодиса ҳақида иш бевуричга ахборот бериш шарт.

рувчини дарҳол хабардор қилиш шарт.

Иш бевурич ходимлардан меҳнатни муҳофаза қилишга ҳамда ишларни хавфсиз олиб боришга доир нормалар, қонунлар ва йўриқномаларга риоя этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Ходимларнинг алкоғолли ичимликдан, гиёҳвандлик моддаси ёки токсик модда таъсиридан маст ҳолатда эканлигини аниқлаш учун уларни текширувдан ўтказиши мумкин. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувчи амалга оширувчи органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бевосита судга ёки буйсунув тартибда юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилиш, меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этганлик учун ходимларни тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини кўради. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларни бузганликда айбдор ходимларни интизомий жавобгарликка тортади.

Иш бевурич ҳар бир иш ўрнида меҳнат шариоитларининг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқ бўлишини таъминлайди. Дастлабки тарзда (ишга қираётганда) ва даврий (меҳнат фаолиятини давомид) мажбурий тиббий қўриқлар белгиланган тартибда ўтказилиши ташкил этади. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касаллиқларидан давлат томонидан мажбурий ихтиомий сугурта қилиниши, иш бевуричнинг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий сугурта қилиниши таъминлайди. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва касб касаллиқларини белгиланган тартибда текширувдан ўтказди, уларнинг ҳисобини юритади.

Эндиликда ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари ташкил этилади. Ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони эллик киши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этилади ёки меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилади. Эллик ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳам ташкил этилади ёки йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича мутахассис лавозими жорий этилади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мазкур қонуннинг қабул қилиниши энг аввало меҳнат муносабатларига киришган ҳар бир ходимнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавфсиз меҳнат шариоитларини яратишга, ходимнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини тўлақонли таъминлашга ва меҳнат унумдорлигининг ошишига хизмат қилади.

Фуқароларнинг эркинликлари кафолати



Маълумки, Ўзбекистон инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шунинг учун ҳам Асосий Қонунида инсон, унинг ҳаёти, эркиниги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши қайд этилган.

Шу маънода жорий йил 21 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони суд-ҳуқуқ соҳасидаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, асосий устувор йўналишлари ва уларни амалга ошириш бўйича суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг ҳимоя вази­фаларини белгилаб берди.

Фармон билан суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Мазкур ҳужжатга кўра, ушбу соҳадаги дастлабки асосий устувор йўналиш бу — суд ҳокимиятини чинакам мустақиллигини таъминлашдир. Мустақиллик бу ташқи таъсирдан эркин бўлишни аниқлаб, суд органларининг ҳар қандай таъсирдан холи эканини аниқлабди. Мазкур талаб ҳокимиятлар бўлишини демократик принципнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Конституциямизга асосан Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юри­тади. Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар.

Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашига йўл қўйилмайди ва бундай аралаш иш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Халқаро ҳужжатларда суд мустақиллигининг асосан тўртта элементи ажратиб кўрсатилди: ваколат муддат, ташқи таъсирга қарши кафолатларнинг мавжудлиги (хусусан бюджет масалаларида), суд органларининг мустақил ва холис орган сифатида қабул қилиниши.

Фармонда бу йўналишда судьялар ваколат муддатининг биринчи мартаба беш йил мuddатга ва кейин ўн йил мuddатга, шундан сўнг мuddатсиз даврга тайинлаш (сайлаш)га оид тақлиф ҳам муҳим бўлиб, малакали, юксак ахлоқий-иро­давий ва касбий фаилатларга эга судьялар сараланиб, ваколат мuddати ошиб бори­шини таъминлайди ҳамда охир-оқибатда мuddатсиз бўлиши — уларнинг мустақиллигини янада оширишга хиз­мат қилади. Кўпгина халқаро ҳужжатларда ҳам бундай таъ­риба ижобий ҳолат сифатида

эътироф этилади.

Судьялар мустақиллигини таъминлашга оид халқаро стандартларда бошқа органларнинг, хусусан, ижро ҳокимияти органларининг суд органларига таъсирини чеклаш бўйича нормалар назарда тутилган. Бунда, жумладан, судлар фаолиятининг муҳим жиҳати бўлган — молиявий, моддий-техника мустақилликка катта эътибор берилди.

Шу маънода, ижро ҳокимияти органи бўлган — адлия органларининг умумий юрис­дикция судлари фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш бўйича вази­фа ва ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Олий судига ўтказилишига оид нор­малар аниқ мuddа бўлди. Бу суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органларининг бил­восита таъсирдан чиқариши имконини беришини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу чора­лар судларнинг мустақиллиги, холислиги, объективлиги ва уларнинг фаолиятига аралаш­маслигининг қўшимча кафолат­ларини яратди.

Бундан ташқари, фармонда суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги консти­туциявий нормаларга ва одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликнинг муқаррарли­ги принципига оғишмай амал қилинишини таъминлаш суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг муҳим вази­фалари сифатида белги­ланди.

Мазкур ҳужжатда бежизга суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш давлат сиёсатининг асосий усту­вор йўналишлари ичида би­ринчи этиб белги­ланмаган. Чунки фармон муқаддимаси­да кўрсатилган жа­миятда қонун устуворлигини таъмин­лаш ва қонунийли­гини мустах­камлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунингдек одил судловга эри­шиш даражасини ошириши мустақил суд ҳокимиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Ўз-ўзидан маълумки, бундай юксак мақомга эга бўлган органда ишлаш ўзига хос маъсулиятни тақозо қилади. Шунинг учун ҳам фармонда юксак ахлоқий-иро­давий ва касбий фаилатларга эга, юк­латилган вази­фалар ва амалга оширилаётган ислохотларнинг самарали бажарили­шини таъминлашга қодир бўлган кадрларни шаффоф танлов асосида ишга қабул қилиш, суд-прокурор ҳодимлари ма­лакисини ошириш ва раҳбар кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бел­ги­ланди.

Фармонда бел­ги­ланган асосий устувор йўналишлардан иккинчиси — бу фуқаро­ларнинг ҳуқуқ ва эркинлик­ларини ишончли ҳимоя қилиш

кафолатларини кучайтириш ҳисобланади. Маълумки, ҳар қандай ҳуқуқни белгилаш, агарки, уларни амалга оши­ришининг реал кафолатлари таъминланмаса, қуруқ гап бўлиб қолиши мумкин. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркин­лик­ларини ишончли ҳимоя қи­ли­шининг турли кафолатлари мавжуд. Ҳуқуқий кафолатларнинг энг муҳими бу — шахс­нинг суд орқали ҳимоя қили­ниш ҳуқуқини таъминлашдир. Бу борада муҳим қадам фар­монга кўра, фуқаролик, жино­ят ишлари бўйича судлар ва ҳўжалик судларининг ваколат­ларини қайта кўриб чиқиш йўли билан маъмурий суд­ларни ташкил этиш ҳисоб­ланади. Маъмурий судлар бутун дунёда давлат бошқаруви органлари ва уларнинг ман­сабдор шахслари хатти-ҳара­катлари ва қарорларининг қонунийлиги устидан суд на­зоратини таъминлашининг энг демократик механизми ҳи­سابланади. Давлат органлари, мансабдор шахсларнинг гай­риқонуний хатти-ҳаракат­лари устидан берилган ши­коятларнинг маъмурий суд то­монидан ҳал этилишининг бир қатор ижобий жиҳатлари мав­жуд бўлиб, шикоятлар холис, бетараф орган, қатъий бел­ги­ланган процессуал тартиб­қоидалар асосида ошқора, тортишув тамойиллари асо­сида қўрилиши, судда муро­жаат этувчига ўз манфаатини ҳимоя қилиш учун далиллар тақдим қилишга қулай шаро­ит яратиб берилиши, маъму­рий судда қабул қилинган қарор устидан шикоят бериш ва уни кўриб чиқиш механиз­ларининг қатъий бел­ги­ланган­лиги, суд томонидан қабул қилинган қарор ижросини таъминлашининг қатъий тар­тиб-таомиллари мавжудлиги шулар жумласидандир.

Ушбу ҳужжатда мустаҳкам­лаш судланганлик ҳолатини тугатиш ва судланганликни олиб ташлаш мuddатлари ва асосларини қайта кўриб чи­қиш, қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чо­расини қўллаш рад этилган­да муқобил эҳтиёт чоралари­ни қўллаш ҳуқуқини судларга бериш вази­фалари ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркин­лик­ларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга хиз­мат қилади.

Фармонда жиноят ва жи­ноят-процессуал қонунчи­лигини янада либераллаш­тириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқ­лаштиришга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, улардан бири бу — озодликдан маҳ­рум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо тур­ларини қўллашни кенгайти­риш орқали қамоқ тариқаси­даги жиноий жазонини туга­тишдир. Амалдаги Жиноят кодексининг 48-моддасига асосан қамоқ — шахсини ба-

тамом ажратган шароит ости­да сақлашдан иборат бўлиб, бир ойдан олти ойгача мuddатга белги­ланади. Қамоқ жа­зосида бошқа жазо турлари­га нисбатан режим қаттиқ бўлиб, маҳкумларга учрашув­лар, телефон орқали сўзла­шувлар, посылкалар олиш, озиқ-овқат маҳсулотлари со­тиб олишга рухсат этилмайди. Мазкур жазонини тугатиш ҳам инсонпарварликнинг яққол ифодаси ҳисобланади. Ушбу жазонини тугатиш маҳкумини ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттириши­га тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олишга тўсқинлик қилмайди.

Мамлакатимизда ўтган давр мобайнида дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, мазкур соҳада суд фаолиятини либерал­лаштириш бўйича ҳам кенг қўламли чора-тадбирлар кў­рилди. Бу борада фармон би­лан "Хабеас корпус" институ­тининг кенгайтирилишига оид норма, яъни почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эхсгумация қилиш учун санкция бериш ҳуқуқини суд­ларга ўтказишга оид вази­фа инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлидаги принципиал қадам бўлди. Чунки, Конститу­циямизга кўра, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳкум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Шу маънода фармондаги нор­маларнинг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конститу­циявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлиб, дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш, энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умум­эътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ норма­ларининг амалга оширили­шини таъминлашга хизмат қилади.

Жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш мuddатини 72 соатдан 48 соатга қисқарти­риш, қамоққа олиш ва уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чо­раларини қўллашининг, шунинг­дек, дастлабки тергов­нинг энг кўп мuddатини 1 йил­дан 7 ойга қисқартириш, иж­тимоий хавфи катта бўлмаган айрим жиноят таркибларини жиноят тоифасидан чиқариш, жиноят ишини кўзгайтириш фақат жабранувчининг ариза­сига кўра амалга ошириладиган жиноят таркиблари рўйхатини кенгайтириш мамлакатимизда жиноий-ҳуқуқий соҳани ли­бераллаштиришнинг ман­тиқий давомидир. Бошига иш тушган фуқаро учун, айниқса, унинг яқин қариндошлари учун маз­кур фармонда қисқартирили­ши назарда тутилган ҳар бир соат, кун, ой қадрлидир. Шу маънода мазкур ҳужжат ке-

Мирвазвал МИРАКУЛОВ,
юридик фанлар номзоди

лажақда минглаб фуқаролар­нинг гам-қайгуларини энгил­латишга хизмат қилади.

Фармондаги томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтини кен­гайтиришга оид вази­фа мазкур институтининг самара­дорлиги ҳамда Ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечирим­лик каби кўп асрлик анъана­ларига ҳамоҳангдир. Қола­верса, жиноят қонунчили­гига ушбу институтининг киритил­гани жиноят қонунчилигини эр­кинлаштиришда самарали восита бўлганини ўтган вақт ҳам кўрсатмоқда. У жорий этилгандан буён ўтган давр ичида 184 мингга яқин фуқаро жиноий жавобгарликдан озод этилгани ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир. Айни чоғда биз мазкур фуқароларнинг фарзандлари, ота-оналари ва бошқа қариндошларини бу институтини қўллаш орқали оғир му­сибатдан энгил торгитларини тасавури­мизга келтирсак, унинг таъ­сирини яққол ҳис қилишимиз мумкин. Айни чоғда 60 та жи­ноят таркиби бўйича бу ин­ститути қўлланиётгани унинг қўлами ва аҳамиятидан яққол дарак бериб турибди.

Мазкур институти жабран­увчининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, суд­ланганлик ҳолатини камай­тириш, жиноий жавобгарлик­дан озод қилиш институти­нинг кенгроқ қўлланишига имкон яратди. Ушбу институти орқали унинг фарзандлари тақдирига ҳам таъсир ўткази­дан оқибатларини бар­тарф қилиш имконияти яратилди. Ярашув институти айбаг қорол бўлишни рағбатлан­тириб, ортиқча суд-тергов ҳара­катларининг олдини олади. Тарафларга ҳам қулайлик яра­тиб, тергов органлари ва суд­ларга узок мuddат давомида қатнашларнинг олди олина­ди.

Фармонда шунинг­дек, одил судловнинг мазмун-моҳия­тига му­лақо турри келмайдиган судлар томонидан жиноят иш­ларини қўшимча терговга қайтариш амалиётидан воз кечишга оид норма бел­ги­ланди. Бунинг ўрнига терговнинг тўлиқ эмаслигини суд муҳо­каması жараёнида тўлдир­иш механизми­лари жорий этила­ди. Қўшимча терговга қай­тариш институтининг бекор бўлиши ишларнинг судларда янада холисроқ кўриб чиқили­шига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, Фармонда кўрсатилган вази­фалар инсон, унинг ҳаёти, эр­кинлиги, шаъни, қадр-қим­мати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқ­лари олий қадрият эканини яна бир бор исботлаб, жамиятда қонун устуворлигини таъмин­лаш ва қонунийли­гини мустах­камлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, шунинг­дек, одил судловга эри­шиш даражасини оширишга хизмат қилади.

Тинч-осойишта юртада умргузаронлик қилиш, фарзандлар камolini кўриш инсон учун чинакам бахт. Шукри, биз бугун ана шундай хотиржамлик ҳукмрон, пок ниятларимиз рўёбга чиқаётган дийрда яшаймиз.

Тили бошқа-ю, дили бошқа...

Биобарин, истиклол йилларида мамлакатимизда эътиқод эркинлигини таъминлаш, миллий ва диний қадриятларни тиклаш ҳамда ривожлантириш, буюк аждодларимизнинг бой илмий ва маданий меросини ўрганиш, муқаддас қадамжоларни таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди ва бу борадаги саъй-ҳаракатлар изчил давом этмоқда.

Халқимизнинг минг йиллар давомида шакланган инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик ҳамда мурувват сингари фазилатлари диний қадриятлар билан чамбарчас болган. Дийрими азалдан инсоният тамаддуни, жумладан, ислом дини маданияти бешикларидан бири сифатида эътироф этилган. Бу заминдан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурхониддин Марғиноний, Имом Мотуриддин ва яна кўплаб буюк алломалар ёққан илм маънаси аждодларимизнинг юксак салоҳиятидан далолатдир.

Ислом моҳиятин инсонпарварлик ҳамда бағрикенгликка, одамларни эзгуликка, тинчлик ва тувтуликка чорловчи диндир. Унга кўра, инсон ази зу мукаррам зот сифатида эъзозлангани ҳамда унинг маънавий камолоти энг юксак даражага қўйилишининг ўзиёқ бу фикрнинг яққол далилидир.

Бирок пок динимизни топтаб, ундан ўз манфаати йўлида фойдаланишга уриниб, яна ўзини "исломий" қиёфада кўрсатишга уринаётган, тили бошқа-ю, дили бошқа ватанфоруш кимсалар ортидан эргашаётган, шу йўлни ўзлари учун тўғри, деб бўлаётган калтабин кимсаларнинг тақдирини кўрганда: "ҳайф сизга умр", деб юборасан беихтиёр.

Наманган вилоятида туғилган Аброн Дадамурзаев, Даврон Дўсматов, Исманходжа Қасимов, Маъмур Исмоилов ва Содик Расулов ана шу тариха умрларининг айна навқирон давларини хазонга айлантиришди.

Улар 2006 йилдан буён Россия Федерациясининг Одинов тумани, Гусарская баллада қишлоғига бориб, ёлланма ишчи сифатида ишлаб келишарди. Бошида ҳаммаси кўнглидагидек эди. Бу орада Киргизистон Республикасининг Шамолдисой қишлоғида яшовчи Нусратилла, ака-ука Икром ва Аҳмад Ҳожиевлар, "Ҳамза", Шокир (Салоҳиддин), тожикистонлик "Ҳожи ака", Қўқон шаҳрида яшовчи Музаффар исмли шахслар сафларига келиб қўшилди-ю, уларнинг даъватлари билан табиатларида турли одатлар пайдо бўлди. Улар диний экстремистик оқимнинг яширин ташкил этилган жамоаси аъзоларига айландилар.

Улар бора-бора ўша қишлоқчадаги хонадонлардан

Элёр ТАЛАБОЕВ,
Наманган вилоят прокуратураси
бўлим катта прокурори

бирида ҳафтада икки-уч мартаба йиғилиб, диний экстремистик оқим гоёларини тарғиб қилувчи турли китоблардан сабоқ ола бошлашди. Бу гуруҳнинг бош мақсади Ўзбекистондаги мавжуд конституциявий тузумни ағдариб, юртни ўз чиркин гоёлари билан бошқаришга қаратилган, шу йўлга қирганларнинг жамики жирканч ва разил ишлардан ҳам тап тортмасликка, оила, бола-чақаларидан, ҳатто ўз жонларидан ҳам, воз кечишга тайёрлаш эди. Кейинроқ эса бу борадаги даъватлар ёзилган дискларни тинглаб, уларни муҳокама қилиш, сафларини кенгайтириш ҳақида режалар тузиш улар учун одатий ҳолга айланди.

С.Расулов яширин ташкилот аъзолари билан бирга самарқандлик шериги Икромнинг ноутбуки ёрдамида интернетдан диний экстремистик ва сепаратистик ташкилот гоёлари билан йўғрилган материалларни олиб, уларни ўз телефонидаги электрон хотира мосламасига кўчираб, бундан гуруҳ йиғинларида фойдаланар, мабодо, гуруҳга янги аъзо келиб қўшилаётган бўлса, уларга ҳам пинҳона шу тасвир ва материалларни кўрсатиб, ўз даъватларини шу тарзда давом эттирарди. Албатта, ҳар бир аъзо гуруҳга қўшилгач, қасамёд қабул қилар, шундагина у ишонча қирган ҳисобланарди. Гуруҳ аъзолари ўз яшаш манзилларига вақтинча кетган пайтларда интернетдаги турли тармоқлар орқали ёзишиб, алоқа қилишарди.

Албатта, бу каби тинчлик ва осойиштагимизга раҳна солишга интилаётган ёвуз кучларнинг кирдикорлари фож этилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан уларга нисбатан тегишли тартибда жиноий жавобгарлик масаласи ҳал этилиши тайин.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Ушбу гуруҳ аъзолари суд ҳукми билан турли муддатларга озодликдан маҳрум этилди. Шу ўринда дилларни бир савол ўртади: Ҳўш, бу йигитлар илм олиш, ўз оилалари фаровонлигини яширлаш ўрнига бу каби "қора куч"ларга яқинлашиб, нима топишди? Ҳаётини ўшалар каби қоронғулик билан тўлдирмадимми?!

Аслида инсонга тинч, осойишта ҳаёт, бир бурда нонини хотиржам ейишдан бошқа нарса керак эмас. Афсуски, айрим ҳаюмларимиз ана шу хотиржамликнинг қадрига етмай, барчанинг нафратига гиррифтор бўлмоқдалар. Уларнинг қилмишларидан оғох бўлиш, тинчлигимизни асраш ва қадрлаш эса шу муқаддас Ватанда яшаётган ҳар бир фуқаронинг шарафли бурчидир.

Эгри йўлнинг қоронғу манзиллари



Жиноят кўчасига кимдир билиб, кимдир эса билмай қиради. Бироқ бу кўча ўз вақтида ҳулоса чиқара олмаган кишини домга тортиб кетаверади.

Урганчлик Наримон Эшимов (исм-фамилиялар ўзгартрилган) муқаддам уч мартаба суднинг қора курсисига ўтирган. Уч фарзанднинг отаси. Ёши ҳам қирққа яқинлашиб қолган. Ундай бўлса, ақлини йиғиштириб олгандир, қилмишларига пушаймон бўлиб, ўз ҳаётини изга солишга уринаётгандир, деб ўйласангиз, янглишасиз.

"Бекор юрса, яна жиноятга қўл уриши мумкин, унга иш топиб берсам, зора, оиласида фойдаси тегса, болаларини ҳалол едириб, ичирса", деган ўй билан қайнотаси уни ёнига ишга тақлиф қилди. Бу пайтда қайнота Урганч туманидаги "Чолиш" шахарчаси ҳудудида намунавий уй-жой қурилиши билан шуғулланаётган МЧЖда ишларди. Ҳамият раҳбарининг ҳам йигитга ичи ачиди.

— Қурилиш ишларига қарашли юрсанг, ҳақингни оласан, — дея ишга қабул қилди.

Н.Эшимов келишган иш ҳақини олиб, иш бошлади. Бу орада МЧЖ раҳбарининг ишончига кирди.

— Уйсизликдан қийналяпман. Шу ақин ўртадан ўй топиб берсангиз, ижарада яшардим.

— Ердам бераман. Бу ҳудудда бўш уйлар топилади. 11-уйнинг эгаси бошқа жойда яшайди. Ҳар замонда келиб ҳабар олиб туради. Уша билан гаплашиб кўраман, — деди раҳбар. Кўп ўтмай, ваздасидан чиқди. Уй эгасини топиб, ишчиси билан таништирди. Наримоннинг ҳаётда қийналгани, уч нафар фарзандни едириб-ичириши осон бўлмаётгани ҳақидаги гапларидан унинг кўнгли эриб кетди.

— Ўғлим, сен сиқилма. Ана, уйимиз бўш турибди. Болаларингни олиб, кўчиб ўтавер. Менга ижара пулинг ҳам керакмас. Уйимга қараб ўтирсанг, бўлди.

Ҳа, олижаноб, олиҳиммат халқимиз бор. Ҳеч кимнинг кўзи ёшига тоқат қилолмаймиз. Ердам берсам, нафим тегса, деймиз.

Барча қулайликларга эга

бўлган уйда яшай бошлаган Н.Эшимов кулларнинг бирида шаҳардаги қаҳвахонага қириб, спиртли ичимлик истеъмол қилди. Аммо хумори босилмади. Уйга қайтгач, кўнгли яна ичкилик истади. Чўнтагидаги пулнинг камлиги панд берди. Шунда ҳаёлига янги режа келди. Бу атрофдаги уйларнинг барчаси янги. Деярли кўпчилигида ҳеч ким яшамайди. Уйларга янги маиший жиҳозлар ўрнатилган. Уларни ўғирлаб сотса борми...

Рўпарасидаги уйнинг дарвозасидан ошаб тушди. "Рақовиналар", "смесител" лар, газ плитасини олиб ўзи яшайдиган уйга келтириб қўйди. Кейин навбатдаги, ундан кейин яна ва яна... қўшни уйдагидеги маиший жиҳозлар ва идиш-товоқлар, нимани сотишга яроқли, деб ҳисобласа, ўғирлаб уйига келтирди. Шу тариха бешта хонадонга ўғирликка тушди. Уларни бирин-кетин бозорга олиб чиқиб, "Пулга зарҳонимдан уйимдагини сотаяпман. Иш ҳақимга беришиди. Танишим сотиб беришимни илтимос қилди", деган баҳоналар билан ўз нархидан арзон баҳоларга сота бошлади.

Бузқоннинг югургани сомонхонагача, дейди халқимиз. Ўзгалар хурматини суиистемол қилган, яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтарган Н.Эшимовнинг қилмишлари қонун ҳимоячилари томонидан фож этилди, у суд олдида жавоб берди. Энди Н.Эшимов унинг маълум қисмини яна панжара орқасида ўтказишга мажбур.

Урганч туманилик Ўринбой Очилов ҳам ўғирлик жиноятини содир қилиб, суднинг қора курсисига ўтирди. 21 ёшли, тоғни урса талқон қиладиган йигит ўйламай "тиконни" босди ва энди жабрини тортмоқда. Ўринбой вояга етмаган ўсмирини ҳам жиноятга бошлади. Оғайниси Феруз ва қариндоши, 17 ёшли Баҳромга қўшни қишлоқда яшовчи бир одамнинг оғилхонасида яши қорамол кўрганлигини айтиб,

Шухрат ИБРАГИМОВ,
Урганч туман прокурори вазифини
вақтинча бажарувчи

биргалликда ўғирлашни тақлиф қилди. "Сотсак, сандан олган қарзимни ҳам тўлайман", деди Ферузга. Баҳром эса ёшлиги оқибатида унинг бир-кечада мўмай даромад қилиш ҳақидаги чўпчагига ишониб, рози бўлди. Учаласи биргалликда белгиланган манзилга етиб келишди. Қорамолни ўғирлаб, ортага қайтишди.

— Сизлар тўғри бозорга бориңлар. Тез сотиб, йўқотамиз, — деди Ўринбой. Узи эса уйга қайтди. Феруз биринчи харидоргаёқ қорамолни сотиш пайига тушди.

— Ишқилиб, ўғирланмаганми? — харидор ёш йигитларга шубҳаланиброк қаради.

— Нималар деясиз?! Истасангиз, отам билан гаплаштирмаман; — дея Феруз аслида Ўринбойга кўнғироқ қилди. Сохта ота сизгиз жуда ошоғили, муҳтожлик оқибатида уни сотишга мажбур бўлишгандиғани айтиди. Харидор келишилган пулни бериб, сигирни олиб кетди. Ўринбой шерикаларининг хар бирига 500 минг сўмдан бериб, қолган пулни ўзига олди. Орадан кўп ўтмай, уларнинг қилмиши фож бўлди.

Ўринбойнинг ота-онаси "ўғлим жувонмаг бўлмасин", дея даъвогарга сизгиз пулни тўлаб беришиди. Бироқ, энди Ўринбойнинг ҳарбий хизматга бориш орзуси чиппака чиқди. Эл-юрт олдида ҳам ота-онасининг, ҳам ўзининг юзи шувут бўлди. Севган қизининг ишончини, меҳрини йўқотди. Ўйла-моли босилган биргина қадам оқибатида энг гуллаган ёшлик чоғида таржимаи ҳолига "судланган" деган тамга босилди. Уни жазога тортишда биринчи марта жиноят содир қилганлиги, фуқаровий даъвогарга келтирилган зарар қопланганлиги инобатга олинди. У.Очиловга ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда уч йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланди. Унинг шерикалари ҳам тегишли тартибда жазога тортилди.

Ҳа, қилмиш — кидирмиш. Шу боис, қинғирлик қандай оқибатга олиб келиши ҳақида уни содир қилишдан олдин, ўзгалар тақдирини таҳлил қилган ҳолда, ёмон ишлардан тийилганимиз маъқул.

«Меҳмон»дан пул олган «мезбон»

Бир эмас бир неча бор жиноий жавобгарликка тортилган Фотих Манзуоров (исм-фамилиялар ўзгартрилган) озодликка чиққан-дан сўнг "бекор" ўтиришни ўзига эп кўрмади. У пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги ўзи яшайдиган уйда яна бир қонунга хилоф бўлган "фаолияти"ни бошлади.

Шу йилнинг июль ойларида унга Шерзод исмли нотаниш шахс кўнғироқ қилади. Саломликдан сўнг у мақсадга кўчади.

— Ака, уйингиз бўшми?

Фотих учун нотаниш кишининг бу каби саволлари одатий ҳолат бўлганлиги боис у дарров "савдолашиб" кетади.

— Келсангиз соати ва пулини гаплашиб олардик. Истасангиз, олдинроқ «закалат» бериб қўйинг, сиздан бошқасини қўймай тураман, — деб "қулай хизмат" турларини тақлиф этиб, уй манзилини ҳам тушунтириб беради.

Шерзод таҳминан уч соатлардан сўнг унинг

олдида келишини айтади. Белгиланган вақтда мезбоннинг кутган "меҳмон"лари қириб келишади. Ф.Манзуоров "меҳмонлар" ўзларининг "иши"ни битиргунча уйнинг ошхонасида чикмай ўтиришини ва хизмат ҳақи эса 20 минг сўм бўлишини айтади. "Меҳмон"лар рози бўлишади.

Орадан кўп вақт ўтмай, эшик тақиллаб қолади. Ф.Манзуоров эшикни очади ва ўзини галати тутади. Боиси унинг хонадонига ИИБ ходимлари келган эди. Ичкарига қирган ИИБ ходимлари Ф.Манзуоровнинг хонадонидан нималар содир бўлаётганини тушуниб, дарҳол ҳолислар ишгирокда мазкур ҳолатни расмийлаштиришади.

Мазкур ҳолат бўйича жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди Фотих Манзуоровга нисбатан тегишли ҳақи тайинлади.

Сандкарим МУХТАРОВ,
Олмазор туман прокурори

«Рашким менинг балодир...» ёхуд жоҳил эрнинг манфур қилмиши

Агар эр кишининг кўнглида беҳуда рашк, шубҳа, ишонсизлик пайдо бўлса-ю, ундан ўз вақтида кутулмас, ақл билан иш тутмас, кун сайин йўлдан озиб, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам кўп жабр етказиши мумкин. Бадгумонлик туфайли кишининг онг ва тафаккури ўтмаслашиб, оқибатда хунук ишларга қўл уради.

Бунга мисоллар кўп. Шубҳа ортидан қувиб жиноятга қўл урганлар оз эмас.

Зебохон (жабрланувчиларнинг исм-фамилиялари ўзгартирилган) тушлика чикиш олдидан ишончасидаги нарсаларни тартибга келтириш билан овора эди. Шу сабабли ташқарида бўлаётган "ғунғир-ғунғирга" аҳамият бермади.

Кутилмаганда хонасининг эшиги очилди. Лаҳза ўтмай, эшик олдига пайдо бўлган эрига кўзи тушди-ю, танасига илон ўрмалагандек бўлди. Эрининг газабноқ юзини, қонталаш кўзларини кўриб, кўнгли бир ёмонликни туйди. Шундай бўлса-да, ўзини қўлга олиб, эридан нима гапигини сўради. Бунга жавобан эри кўйиндан пичоқ чиқарди. Зебохон унинг важохатини кўриб, қўрқувдан нима қиларини билмай, хонадан қочишга чора излади. Бунинг илоҳи йўқ эди. Пичоқ унга йўналди. Зебохон чап беришга ҳаракат қилди. Аммо ўткир тиг қўлини кесиб юборди. У оғриқнинг зўридан инграганича, бу сафар юраига берилаятган зарбадан қочишга уринди. Бироқ аёлнинг кучи эркакка етармиди?... Инсонийликни, раҳм-шафқатни унутган эр аёвсиз тиг санча бошлади. Хотини овозининг борича ёрдам сўраб бақирди. Шунда кимдир эрининг қўлига тегиб, пичокни тортиб олди.

Аёл жон ҳолатда эшик томон талпинди. Уст-боши қонга бўялган, тобора ҳолсизланиб бораётган Зебохонни шифохо-

нага етказишди. У йўл-йўлакай ўтган умрини, алам-изтиробли кунларини кўз олдига келтириб, унсиз кўз ёш тўкди...

Зебохон яккабоғлик Спартак Ибрагимовга турмушга чиқаётганида, барча қизлар каби бахтли ҳаётни оруз қилганди. Эрининг меҳридан, муҳаббатидан орзуманд бўлганди. Шу сабабли астойдил меҳнат қилди. Спартак эса аёлидаги итоатни ожизлик дея тушуниб, уни тинимсиз калтаклаб, шаънини топташдан тўхтамасди. Янги келинчакнинг юз-кўзлари тез-тез момалатқ бўлиб турса-да, бечора оиласини сақлаб қолиш учун бировга индамасди.

Зебохон фарзанди бўлгач, эрининг қуюлишидан, инсофга келишидан умидвор бўлди. Бироқ жоҳил эр учун фарзанднинг ҳам қадри йўқ эди. Аёлини камситиб, арзиманган бахона билан дўппослаш одатини ташламади. Зебохон эса боласини тирик етим қилмаслик учунгина эрининг ситамларига чидаб яшарди.

Йиллар ўтиб, оилада учинчи фарзанд дунёга келди. Бироқ Спартак оила масъулиятини, оталик бурчини ҳис этмади, ўсиб келаётган болаларнинг кўз ўнгида жоҳиллигини намоён қилишдан заррача ор қилмади. Бу орада аптоҳлоқатга учраб, бир оёғидан ажралди.

Зебохон эрининг омон қолганига суюниб, унинг кўнглини олишга уринди. Аммо эри сира ўзгармади, "тарки одат — амри махол" деганларидек, унга баттар зулм ўтказса бошлади. Хотинининг меҳрибончи-

лигидан шубҳага тушиб, асоссиз рашк қиладиган одат чиқарди. "Хотиним Бахтиёр билан дон олишиб юради", деган ўй миёсига ўрнашиб қолди. Шу сабаб хотинига "Бир кун барибир сени ўлдираман", дея таҳдид қиладиган бўлди.

"Сабрнинг ҳам чегараси бор", дейишди. Зебохон ортиқ бу аҳволда яшай олмаслигини тушуниб, ажрашиш мақсадида судга муурожаат қилди. Шундай қилса, ўзи учун ҳам, болалари учун ҳам фойдала бўлишига ишонди. Суд уларга ярашиш учун муддат белгиледи. Зебохоннинг бу "ташаббуси" Спартак учун кутилмаган зарба бўлди. Бу вазият кўнглидаги гумонларнинг исботидек туюлди.

"Ҳа, унинг жазмани бор! Шунинг учун ажрашмоқчи. Бунга қайнота-қойнама сабаби. Шулар хотинимни йўлдан оздирган!". У шурида кечаётган ана шундай ўйлар исканжасида қолди. Бадгумонлик оқибатида кўз олдига хотинининг хиёнатига гавдаланавериб, юрагидан қасос ўти тобора алангаларди.

Шу йилнинг май ойи бошлари эди. Спартак "шиша"ни бўшаганда қоқ қорая бошлаганди. Гандираклар уйига келди. Хувиллаган ховлига киргач, хотини ва болалари кетиб қолганлиги ёдига тушди. Мест эмаси, яна қалбини шубҳа-гумонлар эмира бошлади. Ҳозир боради-ю, аёлини хиёнат устида ушлаб олади. Ана шу ўй билан ошхонага кириб пичокни олди. Уни кўйнига ашириб, қайнотасининг ўйи томон йўлга тушди. Уйда қайнотасининг хотинидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Спартак унда хотини ва уйдагилар меҳмонга кетишганини билгач, уларнинг қайтишини кутишга қарор қилди.

Бироз вақт ўтиб қайнона-қайнотаси келишди. — Хотиним қани? — Спартак гудраниб, қайнотасига газабноқ тикилди.

Кўёвининг аҳволини кўриб, аввалига Қосим аканинг жажли чиқди. Қизига етказган ситамлари учун аламини олмоқчи бўлди-ю, шайтонга ҳай берди. — Ҳозир маст экансиз, эртага хушёр холда келинг, бафур-жа гаплашамиз, — деди мулоимлик билан.

Спартак кетмоқчи бўлиб дарвоза томон юрди. Бироқ юрагиданги гумонлар, қолаверса, қайнотасининг гапи унга ҳақоратдек туюлиб, илкис ортига бурилди. Кўйиндан пичоқни олиб, унга ташланди. Қосим ака жон ҳолатда дарвозани ёлди. Спартак озига келганини қайтармай бақириб, сўкина бошлади. Дарвоза тирқишига яқин келиб, "Эртага барибир қизингни ўлдираман, ўлдира олмасам отимни бошқа қўяман", деганича қайнотасининг уйдан узоклашди.

Зебохон бўлиб ўтган воқеалардан эртаси кун хабардор бўлди. У опасининг уйда ётиб қолганини эрининг феълини билгани учун хавотирга тушса-да, қизини етаклаб кўчага чиқди. Йўлда эрини кўрди. Унинг важохатидан қўрқиб, қадамини тезлатди. Спартак бир оёқда хотинини қувиб ета олмасди. Шу боис йўловчилардан биридан уни тўхтатишни сўради. Зебохон яқинлашиб қолган эрига алам билан тикилди. Шу лаҳзада кўнглидаги қўрқув тарқаб, ўзини бироз дадил ҳис этди.

— Уйга қачон борасан? — сўради эри ҳукмман оҳангда. — Уйингиз бўлмас қаерга бораман?

Спартак хотинидан бунақа оҳангдаги гапни ҳеч қачон

Аслиддин АТОВЕВ,
Қашқадарё вилоят
прокуратураси бўлим прокурори

эшитмаганди. Доимо итоатгўй бўлиб келган, калтаклаганида ҳам миқ этмаган аёлининг бу дадиллиги унинг қонини қайнатди. Кўйиндан пичоқни олиб, хотинига олди. Орадаги масофа узоқ бўлгани туфайли пичоқ мўлжалга тегмади. Зебохон индамасди, эрига ачиниш билан бир тикилиб, йўлда давом этди. Қизини мактабда қолдирди, кейин ишончасига ўтди.

Бу ҳолатдан сўн Спартак ўзини ожиз ҳис этиб, нима қилишни билмай турди. Сўнгра бозор томонга юриб, тамаддиҳоналардан бирига кирди. У ердан чиққач, хотинининг ишончасига боришга қарор қилди. Йўлда маҳалладоши Абдулла ақани учратиб, унга ўзини жабрлангандек кўрсатди ва дардини тўкиб солди. Абдулла ака эса Зебохон билан гаплашиб, эр-хотинини яраштириб қўйишга ваъда берди. Бироқ Спартак ортга қайтмади. Зебохон ишлайдиган корхонага борди. Кутилмаганда жоҳил ва бадгумон эр қўйиндан пичоқ чиқариб, хотинига ташланди. Корхона ходимлари вақтида ёрдамга етиб келишмаганида аёлнинг қисмати аянчилик яқун толган бўларди. Олиб борилган тезкор муолажалар туфайли Зебохоннинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Жинойт ишлари бўйича вилоят суди асоссиз рашк, шубҳа-гумонлар ва жоҳиллик туфайли хотинининг жонига қасд қилишга уринган Спартак Ибрагимовга 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Онасига қўл кўтариб, сўнг уни ваҳшийларча ўлдирган Шаҳбоз Бахриддинов суд замида ўш қилмишидан пушаймон бўлди. Мазкур сулда иштирок этганлар унинг содир этган жиноятини эшитиб, ёқа ушлашди.

Ичкилик касри

Сарвар АХМЕДОВ,

Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим катта терговчиси

Воқеа аслида Шаҳбознинг спиртли ичимлик ичиб, маст ҳолатда уйига қариб келишидан бошланди. Она ўглининг оғзидан келаётган спиртли ичимлик хидини сезиб, унга дакки берди.

— Жонимга тегиб кетди, шу гапларингиз! Тинч қўйинг мени! — дея Шаҳбоз онасини жеркиб, ошхонага кириб кетди.

Маст ўғилга онасининг насихатлари ёқмади. Спиртли ичимлик таъсиридан миёяси айниган Шаҳбознинг нияти бузилди. Оғу ўз кучини кўрсатиб, уни жиноятга етаклади. Мастлик она меҳридан устунлик қилди. Орадан кўп вақт ўтмай, у қўлида пичоқ билан онасининг ётоқхонасига бостириб кирди. Ўглининг важохатини кўриб, онанинг капалаги учди. Шу ҳолатда ҳам фарзандидан ёмонлик кутмади.

— Ўғлим, пичоқ билан нима қилмоқчисан? — деб хавотирланиб сўради, холос.

Ш.Бахриддинов эса онасининг дуч келган жойига пичокни санчаверди. Қонга беланган онаизор ҳушидан кетди.

Орадан бироз вақт ўтиб, Шаҳбознинг отаси ишдан келди. Ҳеч ким кутиб олмаганидан хавотир олиб, тўғри ётоқхонага шошилди. Аёли қонга беланганча ётарди. Кўп ўтмай "тез тиббий ёрдам" ходимлари етиб келишди, аммо аёл аллақачон вафот этган эди.

Жинойт ишлар бўйича Тошкент шаҳар судининг ҳукми билан Шаҳбоз Бахриддинов узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Кўрнамак фарзанд

Тўнғич ўғил Фарҳоднинг муқим бир эрининг бошини тутмагани, кексайган Носир ота билан унинг кампирини ташвишга қўя бошлади.

Улғубек УРИНОВ,

Бухоро вилоят прокуратураси катта терговчиси

2003 йилда Россия Федерациясига ишлаш мақсадида кетган ўғил 11 йил давомида бирор марта ота-онасини телефон орқали бўлса-да, йўқламади. Шундай бўлса-да, Носир ота билан Шабон ая хоридан уйига қўла-қўруқ кириб келган фарзандларини кеңиб, яна бағриларига олишди. Бир эмас, беш марта уйланиб ҳам ҳаёт, оила қадрини англашга маънан ожиз Фарҳод Эгамов аввалги хотинидан тугилган ўғли учун алимент тўлаши ҳақидаги суд ижро варақасини кўрди-ю, унда яна Россияга кетиш илжини пайдо бўлди.

— Менга пул топиб беринглар, Россияга кетаман.

— Ўша жойда пул экиб қўйилмагандир?! Биноийдек қурилишда ишлай оласан. Шу ерда хотин, бола-чақанг олдида бўлганинг маъқул, — деди Носир ота жажли чиқиб.

— Отанг тўғри айтадилар, болам. Мана, қизалогинг Ситорабонуну қара, "дада"лайдиган бўлиб қолди. Комилхонинг ҳам катта бўп қолди.

— Бир умр шундай бўлган. Ҳеч қачон менинг гапим тўғри чиқмаган. Ўз билганларингдан қолмайсизлар. Кетаман дедимми, кетаман! Пул бермасаларинг, оғил-хонадаги сизирни сотиб бўлса ҳам кетаман!

Фарҳод қариб қолган ота-онасига сўянч бўлиш, уларни боқиш, кўнгилларига қараш ўрнига яна Россияга отланди. Аммо кексаларнинг розилигини олманган ўғил фуқаролик паспортига тақиқ қўйилгани боис, Астрахандан ортга қайтди. Чўнтагида ҳамери йўқ, ярим тунда уйига кириб келган ўғилга ота-онаси пул топиб бера олишмади. У хотинининг тилла зирагини такси ҳайдовчасига кира ҳақи ўрнига бериб юборди.

Ота ноқобил фарзандидан безиб бўлган эди. Келини Хуршида қайнотасининг олдида ўғилга насихат қилишларини сўраб келганида, чол-кампир ўйга толишди. Қандай йўл тутушни билишмасди. Уйлай-ўйлай, бир қарорга келган ота ўғлини ҳузурига чақирди.

— Яқшанбагача сенга муҳлат. Рўзгорининг алоҳида қилиб бераман. Инсон яшаш учун ҳаракат қилиши керак. Қачонгача онанг билан менинг пенсиямга яшайсан, ахир! Выход борми, сенда?!

Бу каби танбеҳу жанжаллар кунора давом этар, ота-она ва ўғил ўртасидаги муносабатга аллақачон дарз кетиб бўлган, меҳр-оқибат ришталари узилай-узилай, деб турган эди.

2016 йил 25 январь кеч соат 18:00ларда божасининг тўйига отланган Фарҳоднинг кўзига қариб қолган ота-онаси энг хавфли душмандек кўриниб кетди. "Бу масалани ўйлаб кўришим керак", деган ўй этиб миёясидан ўтди. Тўйда спиртли ичимлик истеъмол қилган Фарҳод уйга қайтди.

Ётган хоналарига қўққисдан кириб келган ўғлини кўриб, қўрқиб кетган она бир чўчиб тушди.

— Қайси биринг мени кўришни истамайсан?! — оғзидан тупуқ сачратиб хезланди Фарҳод.

— Отанг ухляптитилар. Уйғотиб юборасан, — деди кампир.

Ўғлининг жажл ва қаҳрини кўриб, юраги тубида оғриқ сезди. Бир зумда Фарҳодни дунёга келтиргани, бедор ўтган тунлари, у оғриб қолганида жонинида беришга тайёр бўлган лаҳзалар кўз ўнгидан ўтар экан, ўзини ўта бахтсиз ҳис этди.

— Мени ҳайдаганларнинг учун бу уйни ёқиб юбораман! — деб бақирди Фарҳод.

Аслида ота-онасини тириклигани ёқиб юборишни режалаштирган ўғил қўшни қишлоқлик танишидан 2 та елим идишда бензин ҳам келтириб қўйган эди.

Хона ички бензин севиб, ўт қўйган кўрнамак фарзанд эшикни орқадан танбалаб қўйди. Дод-фарёни эшитиб, ёрдамга келган келин қайнона-қайнотасини кўтқариб қолди.

Суд ҳукмига қўра, Фарҳод Эгамов 16 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Кўза синган кун

Яширин цехлар иқтисодиёт ривожига тўсиқ бўлиши билан бирга улар томонидан ишлаб чиқарилаётган "маҳсулотлар" нафақат истеъмолчининг "чўнтаги"га, балки соғлиғига, қолаверса, ҳаётига хавф туғирса, бу кечириб бўлмас ҳолатлар.

СВОЖДЛҚК департаментининг Шўрчи туман бўлими ходимлари томонидан олиб борилган тезкор тадбир натижасида Шўрчи туманида яшовчи фуқаро Иномжон Давуров (исм-фамилияси ўзгартирилган) ўзининг ўйидаги ёрдамчи хўжалиқда ташкил этилган мойжувоз ускунасида чегитни қайта ишлаш билан шуғулланиб келаётганлиги

аниқланди. Кўлбола жувоз мосламаси, ёғ, кунжара маҳсулотлари ва бошқа жами 912 минг сўмликдан кўпроқ товар-моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб кўйилди.

Мутахассисларнинг хулосасига кўра, ашёвий далил тариқасида олинган ёғ маҳсулотлари хавфсизлик талабларига жавоб бермаслиги ва

истеъмолга яроқсиз эканлиги кўрсатилган.

Суд томонидан қонунбузар Иномжон Давуровга нисбатан қонуний жазо тайинланди.

Халқимизда "Кўза кунда эмас, кунда синади" деган ажойиб нақл бор. Ноқонуний иши билан истеъмолчига ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига панд бермоқчи бўлган бу қонунбузарнинг "кўзаси сингани" шу бўлса керак.

Ўткир ҚОБИЛОВ,

Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти катта инспектори



Чироқчи туманида яшовчи фуқаро А.Асадов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) машинасида Шаҳрисабз туманидан қайтаркан, "Танхоз" постига ИИБ ходими унга тўхташ ишорасини кўрсатди. А.Асадов йўл ҳаракати қодаларини бузмаганига сабабли кўнгли хотиржам бўлиб, машинасини четта олди.

Гаровдаги телефон

Шавкат РАҲМОНОВ,

СВОЖДЛҚК департаментининг Касби туман бўлими инспектори

Туман ИИБ хузуридаги "Қуриқлаш" бўлими милиция ходими З.Шодмонов унинг ёнига келиб, назорат-текширув тадбири ўтказилаётгани учун ҳужжатларини кўрсатишни сўради. А.Асадов инспекторнинг талабига кўра, машина ҳужжатларини унинг қўлига тутқазди. Инспектор ҳужжатларни синчковлик билан текшираркан, кўнглидаги ниятини ошкор қилишни истамай туради. Машина ҳужжатлари жойида бўлса-да, ҳайдовчининг фуқаролик паспорти йўқлиги унинг учун яхшигина баҳона бўлди.

— Фуқаролик паспортингиз йўқ экан, шу сабабли машинанингиз жарима майдончасига кўйишга мажбурман.

А.Асадов инспектор билан узоқ тортишди. Ҳатто бу камчилик учун уэр ҳам сўради. Бироқ З.Шодмонов қонунга бўйсунганини рўқан қилиб, айтган гапига тўриб олди.

— Наҳотки бир илжо бўлмаса, — деди А.Асадов ИИБ ходими З.Шодмоновга умидвор оҳангда. — Келишиб олмас бўлади-ку?!

З.Шодмонов учун бу айни мудоаа эди. Ҳайдовчининг айни вақтда ҳамма нарсага тайёрлигини англаб, ўндан машинани қайтариб олиши эвазига 300 минг сўм беришини айтди. Ҳайдовчининг ёнида бунча пул йўқ эди, ялинишга тушди. З.Шодмонов "сал юмшаб", 250 минг сўмга рози бўлди. А.Асадов чўнтагини қавлаб, ёнидаги 200 минг сўмини З.Шодмоновга узатди. Қолган 50 минг сўмини кейин келтириб беришни ваъда қилди. Аммо инспектор ҳам анойилардан эмасди. Ҳайдовчи кетса, бошқа қайтиб келмаслигини яхши биларди. Шу боис 50 минг сўм эвазига ҳайдовчининг қўл телефонини гаровга олиб қолди.

А.Асадов эртаси кунийёқ унинг устидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилди. З.Шодмонов телефонни олиб кетиш учун келган А.Асадовдан 50 минг сўмини пора тариқасида олаётган вақтда ашёвий далил билан қўлга олинди.

Маъмур ҳолат юзасидан З.Шодмоновга нисбатан жиноят иши кўзга тилиб, суд ҳукми билан тегишли жазога тортилди.

Қонунлар жамиятнинг ўткир нигоҳи, адолат кўзидир. Улар муайян маънода, чиқиқан чиқиб бораётган кишига тўғри йўл кўрсатиб, жамиятга нисбатан ҳурмати ва интизомини эслатиб туради. Шундай экан, тўғри йўлдан тоймаслик учун ҳар бир киши ҳаёти ва фаолиятида қонунларни ҳурмат қилиш ва уларга итоат этиш устувор вазифа эканлигини унутмаслиги керак.

Юқмайдиган ҳақ

Улғубек АЗИМОВ,

СВОЖДЛҚК департаментининг Бухоро шаҳар бўлими катта суриштирувчиси

Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли поликлиникаларнинг бирида бош ҳисобчи бўлиб ишлаган Гуландон Жамилова (исм-фамилияси ўзгартирилган) мана шу оддий ҳақиқатни унутди ва суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлди. У дастлаб 2012 йилнинг мартдан 2013 йилнинг июнь ойига қадар тиббий муассасада ишлайдиган ходимларнинг номига ортиқча иш ҳақлари ёзиб, бюджетнинг 6 млн. 240 минг сўм маблағини талон-торож қилганлиги ортиқча ҳақ ёзсам ҳеч ким билмас экан, деган ўйга борган Г.Жамилова 2013 йилнинг июнь ойидан октябрь ойига қадар фақат ўзига ортиқча иш ҳақи ёзади. Натижада 3 млн. 650 минг сўм бюджет маблағи ўзлаштирилиб, унинг манфаатлари йўлида сарфлаб юборилди.

Халқимиз қинғир ишнинг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам

Нафс йўлида бирлашганлар

Баҳодир САЛИМОВ,

СВОЖДЛҚК департаментининг Қарши туман бўлими бошлиғи

бириктириб, Д.Алимовага 12 сотих ер майдонини 14 млн. 500 минг сўм эвазига олиб бермоқчи бўлишди. Шу мақсадда тумандаги қишлоқ фуқаролар йиғинларидан бирининг котиби Х.Жумаевдан сохталаштирилган мажлис баёни ва маълумотнома олишга ҳам эришадилар.

Нафс йўлида бирлашган уювлоннинг фирибгарликларини пайқаб қолган Д.Алимова СВОЖДЛҚК департаментининг Қарши тумани бўлимига ариза билан мурожаат қилади.

Департаментнинг вилоят бошқармаси, тумани бўлими ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбирда А.Назиров, Р.Ҳалимов ва Ф.Пўлатов Д.Алимовадан 500 АҚШ долларини олаётган вақтда ушландилар.

Ушбу ҳолат юзасидан суриштирув ва тергов ҳаракатлари олиб борилиб, "уч оғайни"га нисбатан кўзга тилинган жиноят иши судга юборилди. Жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг ҳукми билан фирибгарларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Сохтакорлик оқибати

Улғубек САТТАРОВ,

СВОЖДЛҚК департаментининг Ангор туман бўлими инспектори

Ангор туман почта алоқа тармоғида ўн йиллардан буён ишлаб келиб, раҳбариятнинг ишончига киришга улгурган Нормат Пирматов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Ангор почта алоқа тармоғига қарашли "Карвон" алоқа бўлими бошлиғи лавозимига тайинланди.

Унинг хизмат вазифасига унга бириктирилган худудда яшовчи фуқароларга пенсия пуллари, ногиронлик нафақалари, бир марталик сунъи пуллари ва хат-хабарлар, газета ва журналларни обунга бўлган фуқароларга ўз вақтида етказиб бериш кирарди.

Бироқ Н.Пирматов ўз вазифасига панжа орасидан қараб, "даврнинг келди, сур беғим" қабилида иш тутишни афзал билди. Нафақа пулларини тарқатишда аввалига 2 нафар фуқарони нишонга олди. Давлат бюджети томонидан ажратилган нафақа пулларини бермай, тўлов ведомостларидаги имзоларни сохталаштиришда, пулларни ўзи олиб, шахсий эҳтиёжига ишлатиб юборди.


Кейинги сафар яна бир неча нафақахўрнинг пулини ўзлаштирди. Нафақа пуллари эгаларининг Н.Пирматовга бир неча мартаба учрашиб, пулларини ололмагач, ушбу

ҳолат юзасидан СВОЖДЛҚК департаментининг Ангор туман бўлимига ариза билан мурожаат қилишди. Шундан сўнг Н.Пирматовнинг "пайта-васига қурт тушди".

Фуқаролар А.Қурбоназаров, Т.Жовлиев ва бошқаларнинг аризалари юзасидан ўтказилган текширувда Ангор почта алоқа тармоғига қарашли "Карвон" алоқа бўлими бошлиғи Н.Пирматов мансаб мавзени суиистеъмол қилиб, 2016 йилнинг февраль, март ва апрель ойларида 198 нафар

шахснинг 39 млн. 984 минг сўмлик дафн, боқувчисини йўқотганлик пенсия пуллари, 16 ёшгача бўлган ногиронлик нафақасини ва бошқа турдаги нафақа пулларини эгаларига бермасдан, тўлов ведомостларига уларнинг ўрнига ўзи сохта имзо қўйиб, ҳужжатларни сохталаштириб, пулларни талон-торож қилганлиги фош этилди.

Унга нисбатан жиноят ишлари бўйича Ангор туман суди тегишли жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди.



«Ёшлар ва қонун» — заковат баҳси

Янгиланиш жаддалашган, глобаллашув жараёни тезкор тус олган замонда давр ёшларининг онги, дунёқараши, ҳуқуқий билимдонлиги муҳим аҳамиятга эга.

Мэлс РАҲМОҶОВ,
Бухоро вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, уларнинг ҳуқуқий билимини янада мустаҳкамлаш, иқтидорли ёшларни аниқлаш мақсадида Бухоро вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими, халқ таълими бошқармалари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро вилоят Кенгаши иштирокида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Ёшлар ва қонун" кўрик-танлови 88 та таълим муассасалари ўртасида тўрт босқичда ўтказилди.

Ушбу тadbирга тайёргарлик жараёнлари ва танловнинг биринчи босқичидаёқ ўқувчи-ёшларнинг теран тафаккури ва ҳуқуқий мавзуларга оид билимлари қай даражада эканлиги яққол намойиш бўлди. Таълим муассасаларида бўлиб ўтган 1-босқичдан сўнг туман ва шаҳар босқичлари бўлиб ўтди. 13 та ғолиб жамоа 3-босқич, яъни ҳудудий босқичга йўлланмаларни қўлга киритди.

"Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонун бўйича эгаллаган билимларини намойиш этган Бухоро банк коллежи, Когон қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежи, Гиждувон тиббиёт кол-

лежи ҳамда Қорақўл саноат ва транспорт касб-хунар коллежи ўқувчилари тенгдошлари орасида ҳуқуқий саводхонликлари билан ажралиб туришди.

Яқинда Бухоро муҳандислик технология институтининг "Ёшлар ва қонун" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Вилоятнинг барча туманларидан ташриф буюрган йигит-қизлар учун ушбу заковат баҳси чинакамига байрамона тус олди.

Аҳамиятли томони шундаки, гуруҳлар ўзлари таҳсил олаётган таълим муассасасида яратилган шароитлар, илмий ижод ва малакавий изланишлар учун мавжуд имкониятларни тенгдошларига тушунтириш орқали маълумот алмашишдан ташқари, сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати доирасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб берибгина қолмай, жамиятда ёшларнинг жисмоний ва интеллектуал қобилиятларини юксалтиришга қаратилган тақдирларини ҳам кўргазмалли тарзда намойиш этдилар.

Танловнинг вилоят босқичида Бухоро банк коллежи жамоаси 1-ўринни, Қорақўл саноат ва транспорт касб-хунар коллежи 2-ўринни, Гиждувон тиббиёт коллежи жамоаси 3-ўринни эгалладилар. Ғолиблар ҳамкор ташкилотларнинг сўвага ва дипломлари билан тақдирландилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги "Ҳар йили ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш тўғрисида"ги Қарори-га асосан, жорий йил 10 ноябрдан 2017 йил 10 январгача республикамиз ҳудудида "Ёнғин хавфсизлиги кунлари" ўтказилиши белгиланган. Мазкур тадбирдан мақсад аҳоли турар жойлари, ижтимоий-иқтисодий объектларда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни кучайтириш, халқимизнинг бу борадаги масъулияти ва ҳушёрлигини янада оширишдан иборатдир.

Мамлакатимизда ёнғин хавфсизлиги кунлари давом этмоқда

Халқимиз бежиз "олов — тилсиз ёв", демайди. Унинг оқибатида халқ хўжалигига, мамлакат иқтисодиётига, одамлар ҳаётига жиддий зиён етиши мумкин.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ёнғин келиб чиқишига кўпчилик ҳолларда фуқароларнинг ўзи сабабчи бўлади. Кимнингдир ўз ишига масъулиятсизлиги туфайли содир бўлган ёнғиндан нафақат унинг ўзи, балки ён-атрофдагилар, қолаверса, давлатимиз ҳам катта моддий ва маънавий зарар кўради.

Шу боис ҳам ўтказилаётган тадбир доирасида бундай ҳолатлар юзага келишининг олдини олиш, аҳолининг огоҳлиги ва ҳушёрлигини ошириш, турар жойлар ва халқ хўжалиги иншоотларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар янада кучайтирилмоқда. Хусусан, мазкур тадбир доирасида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Корхонада ёнғиндан муҳофазат қилувчи 2-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди ва унга бўйсунувчи қисм-

лар ходимлари томонидан ижтимоий объектларда ёнғинга қарши тайёргарлик ҳолати бўйича доимий текширувлар ўтказилмоқда. Жумладан, корхона ишчилари ўртасида кенг кўлама ёнғинга қарши тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилиб, мазкур тадбир доирасида фуқароларни огоҳликка чақириш учун вилоят телевидениесида ҳам бир қатор чиқишлар қилинди. Шу билан бирга, ҳар хил турдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб қилувчи плакат, панно ва лозунлар, эслатма ва варақалар тарқатилди. Шунингдек, ёнғин хавфсизлиги кунлари давомида заводнинг ишчи-ҳодимлари ўртасида бир қатор ёнғин хавфсизлиги соҳасига оид номинациялар бўйича кўрик-танловлар ҳам ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, ҳудудимиздаги кўп қаватли уйларида ва аҳоли яшаш хонадонларида ҳам ёнғинга қарши текширувлар ўтказилмоқда.

Соҳиб ОЧИЛОВ,
Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи электр тажриба лабораторияси бошлиғи

Луқма

Эҳ, бу навбатлар...

Ижтимоий ҳаётнинг долзарб масалаларидан бири бу навбатга туриш ҳисобланар экан. Бу масала ижтимоий турмушимизнинг ибтидоий давриданлаёқ бошланган бўлиб, ўша даврдаги аждодаларимизнинг сув олиши, ўчоқ атрофида айланishi, қабила маросимларидаги расм-русумлар, ов қилишлар, кейинчалик эса улоқ ўйинларида ҳам навбат бўлганлиги тарихий манбаларда ҳам ўзифодасини топган.

Исоният ҳар қайси даврда навбатсиз масалалар ҳал бўлиш маслигини аллақачон англаб етган. Оилада катталар ҳурматда, кичиклар иззатда бўлиши ҳам бежиз эмас. Эътибор берсангиз, дастурхон бошида катталарга жой берилиб, улардан сўнг таомга қўл узатилади. Бу каби мисоллар навбатнинг бир кўриниши бўлса-да, ижтимоий турмушимизда унинг бошқа томони ҳам бор.

Турмуш чорраҳаларида навбат масаласига дуч келмай иложимиз йўқ. Масалан, уй тўловлари учун кассада, шиофокорлар, ташкилот ёки муассаса раҳбарининг қабулида, шунингдек, дўконлардаги тўлов кассаларида, бозорларда ҳам навбатимиз келишини кутамиз. Дарҳақиқат, навбат олиш ёки навбатга туриш каби ҳолатлар инсон ҳаётининг ажралмас бир қисмига айланган десак, муболага бўлмайди. Жумладан, ташкилот, идора, муассаса ёки шиофокорларда навбат олиб турганларга кўзингиз тушади. Сўзлашувда баъзан "Очередга турдингизми?", "очеред олдингизми?", "очерединг келдими?",

дейишлари кулоғимизга қалинб қолади.

Баъзи бир идораларда эса бу жараён тартибли бўлиб, навбат олиб кутишингизга арзийди. Бундай жойларда мушкулнинг осон, муаммоларингиз ҳам ўз ечимини топишига кўзингиз етади. Аксинча, навбатлари тартибсиз бўлган жойларда эса асабингиз бузилиб, ишингиз ҳал бўлмай сарсон бўлганингиз қолади.

Республика эндокринология марказига умумий текширув учун борганим. Маслаҳат поликлиникасига кириш учун эрталаб соат 8:00да 97-бўлиб навбатда турдим. Шиофокор кўриқдан сўнг "УЗИ" апаратида тушиб келишимни айтди. Иккинчи қаватга кўтарилидим. "УЗИ"дан ўтиш учун 6-хонага навбат олдим. Аммо беморларнинг тартибсиз олаётган навбатларидан "боши ҳам, охири ҳам" кўринмай қолди. Бирининг кетидан иккинчиси келиб, ундан олдин турганлар эса бошқа жойларга кетиб қолган ҳолатга дуч келдим. "Ким охири?" деган саволга ҳеч ким дадил оҳангда "мен" деб жавоб бера олмасди.

"УЗИ" кабинетига эса нав-

Гули ҲОЖИБОЕВА,
«Huroq»

батда турганлардан ташқари ора-чорада шиофокорлар ўзларининг танишларини ҳам киритиб чиқишар экан. Хуллас, ўша куни соат 15:00 гача "УЗИ" хонасига чалқашиб кетган навбатда туриб, киролмай қолиб кетдим. Эртаси куни соат тахминан эрталабки 7:00 ларда иккинчи қаватга кўтарилиб, кечаги 6-хонага 27-чи бўлиб навбатга турдим. Тушликка яқин ўша чалқаш навбатда "УЗИ" хонасига киришга эришдим.

"Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб эса шукр", деган гап бор. Дарҳақиқат, бу ердаги навбатга туришлардан фикр қилиб, ўз мулоҳазамизга эга бўламиз. Балки бу сизларда ҳам бўлиб ўтган шу каби ҳолатларни ёдга солар. Аммо шукр қилувчи ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Масалан, пойтахтимизнинг Чилонзор туманида жойлашган Республика Кўз микрохирургияси марказидаги шарт-шароитларга қойил қолмай иложингиз йўқ. У ерга келган беморлар учун тартибли рақамлар асосида навбат берилишига ҳавас қилсан, киши. Ҳеч бир бемор норози бўлиб қайтганини кўрмайсиз. Бу мактовлар билан кўз клиникасини реклама қилмоқчи эмасмиз. Аксинча, бу билан икки тиббиёт муассасасидаги беморларга қай даражада ҳизмат кўрсатилишини таққосламоқчимиз, ҳолос.

Реклама (эълон)

Диккат! Диккат! Диккат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диккатига!

Кичик саноат зоналарида тадбиркорлик субъектларини танлаш ва жойлаштириш бўйича Тошкент вилояти танлов комиссияси юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари тақдим этган тақлифлар асосида ўтказиладиган очик танловга тақлиф этади!

Танловга қўйилган давлат объектлари ҳисобланган "CHIRCHIQ KICHIK SANOAT ZONASINI BOSHQARISH YAGONA DIREKSIYASI" давлат унитар корхонаси бино ва иншоотлари ҳамда ер майдони қўйилди:

1. Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ҳокимлигига қарашли Чирчиқ шаҳри, Тикланиш кўчаси 1-А уй манзилда жойлашган бино-иншоотлар ва ер майдони.

Танловга қўйилган бино-иншоотлар ва ер майдони тавсифи ва шартлари:

умумий ер майдони — 9,8 га;

қурилиш ости майдони — 18,4 минг кв.м.;

Коммуникация: Газ ва электр энергиясига улашиш имконияти мавжуд, ичимлик суви мавжуд.

Фаолияти ихтисоси: Ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш.

— энг юқори ишчи ўринларни ва инвестиция киритишни тақлиф этиш;

— инвестицион мажбуриятларни қисқа муддатларда амалга ошириш.

Танловга аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати: Танлов тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган санадан ва конвертларни очиб вақтидан икки иш куни олдин тўхтатилади.

Балансда сакловчи: "CHIRCHIQ KICHIK SANOAT ZONASINI BOSHQARISH YAGONA DIREKSIYASI" давлат унитар корхонаси

Кичик саноат зоналарида тадбиркорлик субъектларини танлаш ва жойлаштириш бўйича Тошкент вилояти танлов комиссиясининг танлови 2016 йил 21 декабрь куни соат 11:00да Тошкент вилояти ҳокимлиги биносида ўтказилади.

Танлов шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, тақрорий танлов ҳар ҳафтанинг chorshanba кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади.

Танловда қатнашиш учун "CHIRCHIQ KICHIK SANOAT ZONASINI BOSHQARISH YAGONA DIREKSIYASI" давлат унитар корхонасига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 378-сонли қароридан белгиланган ҳужжатлар тақдим этилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Тикланиш кўчаси 1-А.

Маълумотлар учун тел/факс: (0-371) 268-23-21.

Электрон почта: Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.toshvil.uz www.gki.uz www.gkitorg.uz

Танловга марҳамат қилин!

Хизматлар лицензияланган

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Сурхондарё вилоят прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси

Эшбой АЗАМОВнинг вафот этганини муносабати билан унинг онла аъзоларига қўқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Бағрикенглик тамойили

Маълумки, қонун фақат жазолашни эмас, балки кечиримликни ҳам тақозо этади. Кечиримлик эса халқимизга хос хислатдир. Адашиб ҳуқуқбузарлик содир этган ёки жиноят кўчасига кириб, сўнгра бундан пушаймон бўлган инсонни имкон қадар кечиради. Айниқса, мамлакатимиз истиқолга эришгач, инсон омиаи энг юқори даражага кўтарилди, уни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг асосий мезони га айланди.

Дарҳақиқат, бир неча йиллардан буён юртимизда қабул қилиб келинаётган амнистия тўғрисидаги қарордан кўзланган мақсад замирида билиб-билмай жиноятга қўл урган шахсларни кечириб, уларни фойдали меҳнат ҳамда соғлом турмушга қайтариш каби эзгу гоё ётади. Шунингдек, қайд этиш лозимки, мазкур қарор фақат янглишиб жиноят содир этган шахсларни жазодан озод этишни назарда тутмайди. Бундан ташқари, унда жазодан озод этилганлар ҳаётда ўз ўрниларини топиб олишлари

учун шарт-шароитлар яратиб бериш ҳам белгилаб кўйилгандир.

Масалан, 2001 йилда туғилган пойтахтдаги коллежлардан бирининг талабаси Ҳафиза Холмирзаева (исм-фамилиялар ўзгартирилган) кечки пайт арзиман сабаб туфайли келиб чиққан жанжал натижасида фуқаро Салима Фарходовани калтаклаб, унга тан жароҳати етказди.

Дастлабки тергов органи томонидан Х.Холмирзаевага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан айб ёллон қилиниб, жиноят иши айблов хулосаси билан суд-

Азамат АЗИМОВ,
Яшнобод туман прокурори

га юборилади.

Суд мажлисида ҳимоячи томонидан Х.Холмирзаевага нисбатан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори татбиқ қилиниб, айблик ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб, унга нисбатан жиноят ишини тугатиш ва уни жиний жаъобгарликдан озод қилиш ҳақида илтимоснома киритилди. Суд Х.Холмирзаеванинг қилмишидан пушаймонлиги, шунингдек, воёга етмаганини эътиборга олиб, уни жазодан озод қилиш ҳақида ажрим чиқарди.

Умид қиламизки, энди у бу имкониятдан тегишли хулоса чиқариб олади.



Тошкент шаҳрида оила муносабатлари муаммоларини ўрганиш бўйича Ишчи гуруҳининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда оила муносабатларини мустаҳкамлаш, эрта никоҳ ва оилавий ажралишларнинг олдини олиш масалалари танқидий кўриб чиқилди. Ишчи гуруҳнинг ҳисоботи тингланди.

Соғлом оила, бахтли авлод, мустаҳкам жамият

Тошкент шаҳар прокуратураси, ички ишлар, адлия, соғлиқни сақлаш бош бошқармалари вакиллари, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар ва туманларо судлари раислари, туман ҳокимликлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати мутахассислари иштирок этган тадбирда оилавий ажралиш юзасидан мутасадди ташкилотлар томонидан амалга оширилаётган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар, мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари таҳлил этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Обидов, шаҳар ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдурахимов, Тошкент шаҳар бош имом хатиби ўринбосари Р.Раҳмонов, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи А.Ғуломов ва бошқалар ёш оилаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оиланинг ижтимоий негизини мустаҳкамлаш, унинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, маънан етуқ, жисмонан соғлом фарзандларни воёга етказишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

— Оила — жамият бутунлиги ва аҳиллигини кафолатловчи кўрғон, инсон ҳаётига тўқислик бағишловчи маскан, авлодлар давомилигини таъминловчи муқаддас даргоҳ, — дейди Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди катта мутахассиси Насиба Нажмидинова. — Пойтахтимизда 700 мингдан зиёд оила мавжуд. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2016 йил 11 ойида пойтахтимизда 1 минг 12 оила ажралишдан сақлаб қолинди. Оилалар ажралиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Йиғилишда оилавий ажралишларнинг олдини олиш, оилаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, эрта турмуш қуриш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ, оилавий низошларни бартараф этиш масалалари муҳокама этилди.

Тадбирда ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза этиш, миллий кадрларнинг асраб-авайлаш, оила мустаҳкамлигини таъминлаш лозимлиги қайд этилди.

ЎЗА

Конституциямизнинг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки ҳақ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги, аризалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шартлиги белгилаб қўйилган.

Бевосита кўмакдош

Даулетбай ЕЛМУРАТОВ,
Чимбой туман прокурори

Мурожаатлар фуқароларнинг хоҳиш-истакларини, уларнинг жамиятда бўлаётган ислохотларга муносабатини кўрсатишга қўлмай, ҳаётда учраб турадиган камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишда бевосита кўмак бўлади. Шу боисдан ҳам юртимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли кўриб чиқилишига, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун мурожаатларни кўриб чиқишга масъул давлат органларининг масъулиятини янада оширди.

Туман прокуратураси томонидан ҳам мазкур қонун талабларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши, мурожаатларнинг ўз вақтида қонуний, тўлиқ кўриб чиқилиши устидан доимий назорат ўрнатилиб, қонун талабларини бузган шахсларга тегишли чоралар кўришмоқда.

Жумладан, "Микрокредитбанк" Чимбой туман филиали ходими Н.Абдирасулиев яқка тартибдаги тадбиркор Г.Айбосинованинг кредит олиш учун қилган мурожаатини ўз вақтида кўриб чиқмасдан қонун талабларини бузган.

Мазкур ҳолат юзасидан банк ходимига нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш кўзга тилди ва яқка тартибдаги тадбиркор Г.Айбосинованинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, 20 млн. сўм кредит пуллари ажратилиши таъминланди.

Шунингдек, фуқаро Г.Аимуратованинг "Кокши кала" маҳалла фуқаролари йиғини томонидан фарзанди учун икки ёшга тулгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатлари қабул қилинмагани тўғрисида ишонч телефонига қилган мурожаати белгиланган тартибда кўриб чиқилиб, нафақа тайинлаши таъминланди. Худди шунингдек, туман прокуратураси томонидан "Чимбой дон" масъулияти чекланган жамияти ходимларининг аризасига асосан уларнинг 382 млн. сўмлик иш ҳақларини ундириш бўйича фуқаролик ишлари бўйича Чимбой тумани судига аризалар киритилиб, иш ҳақлари ундириб берилмоқда.

Албатта, бу каби қонун бузилишларининг олдини олиш мақсадида туман прокуратураси ходимлари томонидан ҳудудларда аҳоли ҳамда кенг жамоатчилик ўртасида қонун ва соҳага доир бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш юзасидан тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, мурожаатлар юзасида қонун талабларини бузганлик, хусусан, тўхмат ва ҳақоратдан иборат мурожаатлар ҳам белгиланган тартибда маъмурий ҳамда жиний жаъобгарликка сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақида тушунтирилмоқда.

Прокуратуранинг янги биноси

Улугбек ХАМДАМОВ,
Ургут туман прокурори

Конституциямиз қабул қилинганнинг 24 йиллиги муносабати билан Самарқанд вилоятида бир қатор маданий-маиший иншоотлар, янги объектлар фойдаланишга топширилди. Ургут туман прокуратурасининг янги биноси ҳам соҳа ходимларига ана шундай байрам тўҳфаси бўлди.

2 миллиард 711 миллион сўмдан ортик маблағ сарфланиб, бунёд этилган бинода туман прокуратураси ҳамда солиқ ва валютага оид жиноятларга, жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти туман бўлими ходимлари учун барча қўлайликлар яратилган. Барча хизмат хоналари замонавий, тежамкор иситиш ва ёритиш воситалари, мебель, компьютер ва бошқа керакли жиҳозлар билан таъминланган. Ходимларга қўлайлик яратиш мақсадида ошхона ва ётоқхона ҳам ташкил этилган.

Туман прокуратурасининг янги биноси жиноят ишлари бўйича туман суди ва суд ижрочилар бўлими ёнида жойлашган. Айни пайтда туман ички ишлар бўлими учун ҳам ҳар томонлама қўлай ва замонавий бино қурилишига киришилган. Бу тумандаги ҳуқуқ-тартибот идораларининг жинийлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ҳамда фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, туман прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг профилактика бўйича илчил фаолият олиб бормоқда. Бунинг натижасида туманда умумий жиноятчилик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,4 фоизга камайган.

Қинғир иш...

Олимжон КАМИЛОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Томди туман бўлими бошлиғи

Томди туманида туғилган Фотима Казакова (исм-фамилияси ўзгартирилган) мактабни тугатгач, мураббий бўлишни орзу қилди. Орзуга айб йўқ, албатта, бироқ у ўз орзусига билим юртига ўқишга кириб эмас, балки қабалки диплом сотиб олиб эришмоқчи бўлди. Бу мақсадига эриши ҳам.

УТошкент педагогика билим юртининг "Бошланғич таълим методикаси" мутахассислигини тамомлагани тўғрисида қабалки диплом сотиб олди ва нақд ўн саккиз йил Томди туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарали 2-сонли мактабга таълим муассасаси мудираси бўлиб ишлади.

"Қинғир ишнинг қийми қирқ йилдан кейин ҳам ошқор бўлади" деган нақл Фотима Казаковага ўхшаган калта ўйлайдиганларга қарата айтилган бўлса керак.

Департаментнинг Томди туман бўлими томонидан олиб борилган тадбир давомида соҳта диплом сохибининг қилмиши фош этилди. Суд ҳукмига кўра судланувчи Фотима Казакова тегишли жазосини олди.

Мурожаат этувчилар билан учрашув



Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунининг 19-моддасида мурожаатларни кўриб чиқиш мuddатлари белгиланган бўлиб, унга кўра, ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган мuddатда кўриб чиқилди.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган

ҳолларда, уларни кўриб чиқиш мuddатлари тегишли давлат органи раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат

этувчига хабар қилинади.

Дарҳақиқат, қонун талабидан келиб чиққан ҳолда ташкилот ва маъсасаларда мурожаат этувчилар сўровига асосан сиз вахлар ёки етарли асосланганлиги бўлиб бериш ҳолларининг олдини олиш мақсадида прокуратура органлари томонидан тизимли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, Мирзо Улуғбек туман ИИБ биносида "Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатлар, жиноят ишлари бўйича процесс иштирокчилари ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари" мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Тадбир Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи ўринбосари Д.Ташходжаев раислигида, Тошкент шаҳар ИИББ тергов бошқармаси бошлигининг 1-ўринбосари, Мирзо Улуғбек туман прокурорининг ўринбосари,

туман ички ишлар бошқармаси бошлиғи иштирокида олиб борилди.

Учрашувга тергов фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат этиш ва ахборот таҳлил таъминоти бўлими бошлиғи ўринбосарлари, туман ИИБ тергов бўлими шахсий таркиби ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонасига мурожаат этган фуқаролар, Тошкент шаҳар ИИББ тергов бошқармасига шикоят аризаси билан мурожаат этган жисмоний ва юридик шахслар вакиллари ҳамда туман ИИБ тергов бўлими иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича процесс иштирокчилари ва адвокатлар таклиф қилинди.

Тадбирда "Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатлар, жиноят ишлари бўйича процесс иштирокчилари ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг муро-

Улуғбек АБДУРАХМАНОВ,
Мирзо Улуғбек туман
прокурорининг ўринбосари

жаатлари" юзасидан йиғилиш иштирокчиларининг фикрлари атрафлича ўрганилиб, мурожаатларнинг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, иштирокчиларнинг ариза ва шикоятлари, таклиф ва муаммолари эшитилиб, уларни қонуний ҳал этиш масаласи кўриб чиқилди. Тадбирнинг эътиборли жиҳати шунда бўлдики, унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонасига мурожаат этган фуқаролар ва жиноят ишлари бўйича процесс иштирокчилари бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари билан мулоқотда бўлишди. Шу билан бирга, мурожаатлари бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Эътибордаги муҳим масала

Алишер МИНГБОЕВ,
Учтепа туман прокурорининг ўринбосари

Ишлаб чиқаришнинг реал секторини ривожлантириш, иқтисодий тараққиётни янада жаддалаштириш турмуш фаровонлигини ошириш, аҳоли даромадини кўпайтириш, шунингдек, янги иш ўринлари яратишнинг муҳим омилари ҳисобланади. Шу боис Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти раҳнамолигида мамлакатимизда тадбиркорликка кенг йўл очилди, бу соҳани қўллаб-қувватлаш механизмлари шакллантирилиб, йўлга қўйилди. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади, хусусан, кичик корхона ташкили қилиш ҳамда уни рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидалари янада соддалаштирилди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳам йилдан-йилга қисқартирилмоқда. Уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш эса кичик бизнес субъектлари сонининг ортишига хизмат қилмоқда.

Шунинг баробарида, аҳоли бандлиги масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, яқинда Учтепа туман прокуратураси, туман ҳокимлиги ҳамда СВОЖДЛҚ департаментининг туман бўлими томонидан ихтисослаштирилган меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ҳудудида бўлиб ўтган тадбирда туманда фаолият юритаётган 18 та корхона ва ташкилот ўзларидаги 466 та бўш иш ўринлари билан ҳамда 6 та қўшни тумандан таклиф этилган 6 та йирик корхона ҳам қатнашди.

Ихтисослашган ярмарка давомида 62 нафар фуқаро ўзларига керакли маслаҳатлар олган бўлса, 14 нафар фуқарога ўзларига мақбул келадиган корхона ва ташкилотларга йўлланмалар берилиб, улардан 8 нафари иш билан таъминланди.



Фаолиятлари қонунийлаштирилди

Гулчеҳра РАЗЗОҚОВА,
СВОЖДЛҚ департаментининг
Тошкент вилоят бошқармаси
матбуот хизмати катта инспектори

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жинорий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ҳуқуқна иқтисодиётга қарши курашишга қаратилган тадбирлар доирасида қонуний асосда ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган фуқаролар қўллаб-қувватланиб, ноқонуний яширин ишлаб чиқариш билан машғул бўлган шахсларнинг фаолиятига барҳам берилмоқда.

Шунингдек, қонун билан тақиқланмаган фаолият билан яширин шуғулланаётганларга ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш билан чекланиб қолмасдан, уларга соҳага оид қонуларнинг мазмун-моҳиятини тушунириш ҳолда, солиқ тўловчи сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш, стандарт талабларига мос ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, имкон даражасида фаолиятини янада кенгайтириш, қўшимча иш ўринларини яратиш борасида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, СВОЖДЛҚ департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси ходимлари томонидан бу борада олиб борилган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари самарасида жорий йилнинг ўтган даврида 1 119 та тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатилиб, 1 247 та янги иш ўринлари ташкил этилишига эришилди.

Мисол учун, департаментнинг Чирчиқ шаҳар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда, фуқаро О.Усаров нотураф бинода давлат рўйхатидан ўтмасдан, яширин цех ташкил қилиб, гипсдан ҳар хил турдаги ўймакорлик маҳсулотлари тайёрлаб сотиш билан шуғулланиб келганлиги аниқланган. Олиб борилган тушунириш ишлари натижасида фуқаро О.Усаров яқиндаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди ва у қонун асосида иш фаолиятини олиб боришни бошлади. Давлат рўйхатидан ўтмасдан, яширин цех ташкил қилиб, пахта момигини тиштиш ва сотиш фаолияти билан шуғулланиб келган фуқаро Ш.Кўчимовга ҳам тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари тушунирилди ва унинг солиқ тўловчи сифатида давлат рўйхатидан ўткази-

лишига кўмаклашилди. Айни пайтда унинг фаолиятига қонуний тус берилиб, тадбиркор сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Тадбиркорлик аслида соғлом рақобат, мулкка янгича муносабат демакдир. Фуқаро Қ.Ҳасанов бизнес фаолиятидаги қонун-қоидаларни дастлаб тўри тушуниб етмади. Тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш ўрнига, ноқонуний равишда цех ташкил қилиб, меҳнат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келди. СВОЖДЛҚ департаментининг Чиноз туман бўлими ходимларининг у билан олиб борган тушунириш ишлари натижасида, унинг фаолиятига қонуний тус берилди. Давлат рўйхатидан ўтказилиб, оилавий корхона ташкил этилди.

Агар тадбиркор қонунчиликда тақиқланмаган фаолият тури билан ноқонуний шуғулланган бўлса, унга тегишли қонун талаблари тушунирилиб, рўйхатдан ўтказилиб, иш ўринларини яратиш, лозим бўлса, кредит олиб беришга бўлган жараёнга амалий ёрдам берилмоқда. Уларнинг ҳуқуқлари химоя қилиниб, ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, кўрсатилган амалий ёрдам натижасида Бекобод шаҳрида яшовчи фуқаро Ҳ.Мирзамуродова раҳбарлигида "Зулфия Бону Чевар" хусусий корхонаси ташкил этилиб, 20 та иш ўрни яратилди. Шу тариқа маҳаллий бозорга болалар кийим-кечакларини етказиб беришга мўлжалланган корхона ташкил этилди.

Тадбиркорлик субъектларига мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, яратилаётган имконият ва имтиёзлар, уларнинг ҳуқуқий химоясига оид қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунириш юзасидан жорий йилда ҳудудимизда жами 3176 та профилактика-тарғибот тадбирлари ўтказилди. Ўтказилаётган учрашувлар жараёнида тадбиркорликка иштиёқи бўлган фуқароларга ҳуқуқий маслаҳатлар, йўл-йўриқлар кўрсатилмоқда.



Юрт ривожининг асосий омиллари

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Аввало, бу борда Конституциямиз нормалари мамлакатимиз тарихида ilk бор инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ҳамда қадр-қиммати энг олий қадрият эканлигини белгилаб берди.

Бош Қонунимизнинг 2-моддасида "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдига масъулдирлар", деб белгиланган. Ушбу ҳуқуқий асослар фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айтиш жоизки, фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг жойларда қандай амалга оширилаётганлигини баҳоловчи мезонлардан биридир. Шу нуқтага назардан, Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида"ги Қонуни алоҳида ўрин тутди.

Маълумки, муносабат этиш ҳуқуқи ихтиёрий амалга оширилади. Ҳеч ким бирон-бир муносабатни ҳимоя қилишга ёхуд унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Ана шу қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда фуқароларнинг муносабатларини кўриб чиқиш, ушбу соҳадаги қонун бузилишлари учун жавобгарлики белгилаш, шунингдек, фуқароларнинг давлат органларига муносабатлари тартибни кенг тарғибот қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бироқ олиб борилаётган тарғибот тадбирларига қарамасдан, ўтказилган текширишларда мазкур соҳаларда қатор қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги аниқ-

ланмоқда. Бунга мисол қилиб, "Ўздавэнегрогазорат" давлат инспекциясида ўтказилган текширишларда аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини келтириш мумкин.

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 23-моддасида муносабатни кўриб чиққан давлат органи муносабат этувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида муносабат кўриб чиқилгандан сўнг ёзма ёхуд электрон шаклда дарҳол хабар қилиши шартлиги белгиланган. Бироқ инспекция томонидан бу талабга риоя қилинмаган. Хусусан, фуқаро Д.Аллаевнинг 2016 йил 15 февралда келиб тушган "Рус-там Дамирхон Алишер" фермер ҳўжалиги раҳбари томонидан ноқонуний равишда электр муаллиф хабардор қилинмаган. Бундай ҳолатни фуқаро Ш.Раҳматуллаевнинг инспекцияга қилган муносабатидан ҳам кўриш мумкин.

Йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан Бош прокуратура томонидан инспекция бошлиғи ўринбосари У.Эгамбердиевга нисбатан МЖТКнинг 43-моддаси билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди ҳамда жиноят ишлари бўйича Мирзо Улугбек туман судининг қарори билан жарима жазоси қўлланилди. Инспекциянинг бўлим бошлиғи А.Тўра-



евга нисбатан эса интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, инспекция бош-лигининг буйруғи билан "хайфсан" интизомий жазосига тортилди.

Бундай ҳолатларни "Ўздавэнегрогазорат"нинг "Ишонч телефони"га масъул бўлган, инспекциянинг ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш ва ривожлантириш бўлими етакчи мутахассиси Д.Каримов фаолиятида ҳам учратиш мумкин. У фуқаро Р.Хамраевнинг 2016 йил 15 июндаги муносабатига жавоб бермаганлиги аниқланиб, унга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, инспекция бош-лигининг буйруғи билан "хайфсан" эълон қилинди.

Бундан ташқари, баъзи ташкилотлар ходимлари томонидан муносабатни кўриб чиқиш тартиби ёки қонун талабини етарли даражада тушунмаслик сабабли асосий жавоб хатлари берилганлиги ҳам аниқланди.

Мисол учун, "Ўзбекино" Миллий агентлигининг фильмлар ва бошқа киномаҳсулотларни тематик режалаштириш, сценарийлар портфелини шакллантириш ва тахлил хизмати раҳбари Ф.Тўраҳўжаева "Pomidor Entertainment" лойиҳа раҳбари А.Исмомовнинг "Рус-там ва Саид" номли сценарийсини кўриб чиқиш ва тегишли хулоса бериш ҳақидаги муносабати

2016 йил 2 февралда келиб тушади. Бироқ мазкур муносабат бадий кенгаш муҳока-масига киритилмасдан, 43 кун ўтганидан кейингина муаллифга жавоб хати тайёрланади. Бу ҳам етмагандек, мазкур жавоб хати 24 кун ўтганидан сўнг почта хизмати орқали муаллифга юборилди.

Шу сингари ҳолатларни "Tomaris Cinema" хусусий корхонаси раҳбари Б.Абдушариповнинг, "Dono Productions" МЧЖ директори Д.Гапировнинг муносабатлари бўйича эса тушунтиришларсиз берилган жавоб хатлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Суд қарори билан "Ўзбекино" Миллий агентлигининг масъул ходими Феруза Тўраҳўжаевага нисбатан МЖТКнинг 43-моддасига мувофиқ жарима жазоси қўлланилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиёти-мизнинг устувор йўналишига айланаётган бир пайтда, айрим ташкилотларнинг тадбиркорлик субъектларига лицензия беришга оид ва фуқароларнинг бошқа муносабатлари етарли эътибор қаратилмаётганлиги ҳам маълум бўлмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасида ўтказилган текширишда муносабатларга доир қонун ҳужжатлари талаблари бузилганлиги аниқланди. Жумладан, қўмитанинг бош бошқарма бош-лиғи ўринбосари Ш.Алимов

Алишер ҚОРАЕВ,
Бош прокуратура бошқарма
прокурори

ва бош мутахассиси Р.Аметов 2016 йил 1-чораги давомида тадбиркорлик субъектларидан қурилиш соҳасидаги фаолият учун лицензия олиш масаласида келиб тушган 36 та муносабатни кўриб чиқишда қонун талабларини бузганликлари аниқланди.

Фуқаро Э.Герасинанинг кўп қаватли хонадонда реконструкция ишларини олиб бориш тартибни тушунтириб беришни сўраб, 2016 йил 14 февралда ёзган аризасига эса қўмитанинг бош бошқарма бошлиғи ўринбосари Ш.Алимов томонидан деярли 50 кунда жавоб хати юборилган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан Бош прокуратура томонидан уларга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, суднинг қарори билан Р.Аметов ҳамда Ш.Алимовга жарима жазоси қўлланилди.

Бундай ҳолатлар Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги мансабдор шахслари томонидан ҳам содир этилгани аниқланди. Текширишда аниқланган ҳолатлар юзасидан Бош прокуратура томонидан Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиғи мансабдор шахсларига нисбатан лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, қонуний чоралар кўрилди.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоя қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни янада ривожлантириш, амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлаш юрт ривожининг асосий омилларидан бири эканлигини унутмаслик керак.

Иш ўринлари яратилди

Мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш, айниқса, мутахассислик дипломига эга бўлиб, мустақил ҳаётга қалам кўйган ёшларнинг жамиятга ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, умуман, бандлик масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Поп туман прокуратураси томонидан ҳам мазкур йўналишдаги қонунчилик ижросига, фуқароларнинг меҳнат қонунчилиги борасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга жиддий эътибор берилмоқда.

Текширишларда маълум бўлишича, ўтган йил давомида янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ижроси юзасидан Поп туман бандликка кўмаклашиш маркази томонидан тақдим қилинган маълумотларга кўра, белгиланган режа бажарилган. Рақамлар таҳлилига янада батафсилроқ тўхталиб ўтадиган бўлсак, ушбу дастурга кўра туманда санаот йўнали-



шида 133 та, хизмат кўрсатиш соҳасида 48 та, қишлоқ ҳўжалиғи соҳасида 24 та янги иш ўрни яратилган.

Аҳолини иш билан таъминлашда, айниқса, қатор мутасадди ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда ташкил этилаётган меҳнат ярмаркалари катта аҳамият касб этмоқда. Мазкур ярмаркаларни ўз вақтида ҳамда намунали ташкил этиш борасида ҳам туман бандликка кўмаклашиш маркази

қатор хайрли ишларни амалга оширган.

Рақамлар билан далиллайдиган бўлсак, 2015 йил ва 2016 йилнинг ўтган даври мобайнида туманда жами 12 марта меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, уларда 721 та корхона, ташкилот ҳамда қатор ҳўжалик юрт-тувчи субъектлар ўзларида мавжуд 7587 та бўш иш ўрни билан қатнашди.

Бахтиёр АБДУРАХИМОВ,
Поп туман прокурори

Меҳнат ярмаркаси тумандаги санаот ва хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш соҳаларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг истиқболли режалари, иш билан банд бўлмаган фуқаролар ҳамда хоридан қайтган ишсиз фуқароларга иш жойларини топишларига кўмаклашиш мақсадларига қаратилиб, уларга тумандаги тегишли мутасадди ташкилотлар жалб этилган.

Натижада касб-хунар коллежлари битирувчилари, ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ва жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган фуқаролар ҳамда хоридан қайтган ишсизлардан, жами 2696 нафар иштирокчи жалб қилиниб, шундан 1037 нафари билан халқ ҳўжалигининг турли соҳаларига ишга жойлаштириш учун тегишли меҳнат шартномаларини тузилиб, уларга йўлланмалар берилган. Бундан ташқари, иш сўраб муносабат қилган фуқаролардан 637 нафарига ишга жойлаштириш масалаларида маслаҳат ва керакли тушунтиришлар берилган.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг кафолати

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари олий қадрият ҳисобланган демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг энг муҳим таркибий қисми сифатида мутлақо янги суд-ҳуқуқ тизimini чуқур ислоҳ қилиш ва демократлаштириш Концепцияси ишлаб чиқилди ва изчил амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотларни 3 босқичга бўлиш мумкин. Жумладан, биринчи босқичда (1991 — 2000 й.й.) суд-ҳуқуқ тизimini тубдан ислоҳ қилишнинг миллий стратегияси белгиланди ва унинг конституциявий-ҳуқуқий асослари яратилди. Хусусан, Фуқаролик, Жиноят, Фуқаролик процессуал, Жиноят-процессуал, Ҳўжалик процессуал ва Жиноят-ижроия кодекслари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, шунингдек, Конституциявий суд, судлар, прокуратура, адвокатура, адвокатлик фаолиятга доир ва бошқа муҳим қонунлар қабул қилинди.

Маъмурий босқичда суд ҳокимиятини инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, конституциявий тизим, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг қонун билан ҳимояланадиган манфаатларини муҳофаза қилиш борасида ўз ваколатларини амалга оширувчи мустақил ва кучли давлат ҳокимияти бўғини сифатида қарор топтириш борасида таъсирчан чоралар қўрилди.

Иккинчи босқич давомида (2000 — 2010 й.й.) судлар ихтисослашуви, жиний жазони демократлаштириш, одил судлов сифатини ошириш, судда ишни қўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, жиний ва фуқаролик ишларини қўриб чиқишнинг апелляция тартибини киритиш ва касация тартибини ўзгартириш, суд қарорлари ижросини тақомиллаштиришга оид ҳуқуқий механизмлар яратилди.

Ушбу босқичда янги тахрирда "Судлар тўғрисида"ги, "Прокуратура тўғрисида"ги, "Суд органлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунлар қабул қилинди, жиний жазо либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Суд тизими ижро этувчи ҳокимият органлари назорати остида ва таъсиридан олиб чиқилди. Жумладан, Адлия вазирлиги ваколатларидан судьялик лавозимларига номзодларни тақдим этиш, судьялар ваколатларини тўхтатиш ва муддатдан олдин тугатиш, уларга нисбатан интизомий иш қўришни қўзғатишга оид вазифалар чиқарилди. Судлар фаолиятини ташкилий, жумладан, судьялик кадрлари жиҳатдан таъминлаш масалалари билан махсус демократик, коллегиял орган — Ўзбекистон

Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни лавозимга танлаш ва тавсия этиш бўйича Олий малакавий комиссия шугуллана бошлади.

Умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиний ишлар бўйича судлар ташкил этилди, буларнинг жиний, фуқаролик ишларини малакали қўриб чиқиш кафолатларини кучайтирди.

Адвокатура мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлаш, прокурор ва адвокат тенглигини, суд иш юритиш барча босқичларида бахslashуви таъминлаш, одил судловни амалга ошириш сифати ва тезкорлигини ошириш борасида қўнунчиликка киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга қўра, ҳимоя қилувчиларга жиний иш бўйича маъсул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслардан холи равишда жиний жараёнинг ҳар қайси босқичида малакали юридик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқи берилди.

Ҳимоя қилувчини ишда иштирок этиш учун рухсат олиш тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ёзма тасдиқ ҳамда ҳимоя қилувчи билан учрашишга рухсат олиш шарт бўлган меъёрлар қўнунчиликка чиқариб ташланди. Бунинг учун адвокат гувоҳнома ва адвокатлик идораси томонидан бериладиган орденинг ўзи етарли. Қўнунчиликка адвокат профессионал фаолиятга тўқинлик қилиш, унга ҳимоя қилувчига нисбатан ўз ёндашувини ўзгартириш мақсадида бирон-бир шаклда таъсир қилишга уриниш учун жавобгарлик белгиланди.

Жиноят ва жиноят-процессуал қўнунчилигига инсонпарварлик тамойилларини сингдириш ва декриминализациялаш бўйича кенг миқёсда ишлар амалга оширилганлиги катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга. Қарийб 75 фоиз жиноятлар таркиби бўйича оғир, ўта оғир тоифадан катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлмаган ва оғирлиги унча кўп бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Иқтисодий соҳасидаги жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича имконият анча кенгайтирилди — ҳибса олиш ва озоликдан маҳрум этиш ўрнига жараима шаклидаги иқтисодий санкцияларни қўллаш жорий қилинди, жазолар тизимидан мулкни мусодара қилиш тури бекор қилинди, жиноят қўнунчилигига қўра иқтисодий зарар қўнундан тақдирда озоликдан маҳрум этиш шаклидаги жазо қўлланилмайди. Воёга етмаганлар, аёллар ва кекса ёшдагиларга нисбатан жазолар тизими қайта қўриб чиқилди. Ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналари ва бағрикенглик, кеңиримиллик каби жиҳатларига хос бўлган ярашув институти жорий этилди.

Ўзбекистонда 2008 йил январдан эътиборан ўлим жазосининг бекор қилинганлиги ва унинг ўрнига умрбод озоликдан маҳрум этиш ва озоликдан узоқ муддатга маҳрум этиш тарзидаги жазо жорий этилганлиги унча аҳамият касб этди. Бу билан Ўзбекистонда дунёдаги энг демократик жиний жазо тизимидан бири яратилди.

Агар Германия ва Польшада умрбод озоликдан маҳрум этиш 5 турдаги, Бельгия ва Россияда — 6, Данияда — 9, Швецияда — 13, Францияда — 18, Голландияда — 19 та жиний турларига нисбатан тайинланса, Ўзбекистонда эса фақат икки жиний (оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм) учун тайинланади. Бунда ушбу жазо тури аёлларга, жиний содир этиш вақтида ёши 18 етмаган шахсларга, олтимиш ёшдан катта эркакларга нисбатан тайинлангани мумкин эмас.

2008 йил январдан қамоққа олишга рухсат бериш ҳуқуқи прокурордан судларга ўтказилди.

2001 йилда қабул қилинган янги тахрирдаги "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, прокурорлик назорати объекти қаторидан фуқаролик чиқариб ташланди.

2010 йилда бошланган ўзгаришларнинг учинчи босқичи давомида парламент томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қабул қилинганидан сўнг суд-ҳуқуқ тизimini янада ислоҳ қилиш бўйича кенг қамровли ишлар сифат жиҳатдан янги босқичда давом эттирилди. Концепцияга мувофиқ, қонун ижодкорлиги жараёни, қабул қилинаётган қонунлар сифати ва самарадорлигини ошириш борасида тизимий ишлар давом эттирилди. Бунда янги тахрирдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонун дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Ушбу қўнуннинг қабул қилиниши қонун ижодкорлиги фаолиятга ижобий таъсир кўрсатди. Жумладан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш сифати ошди, уларни давлат рўйхатидан ўтказишга талаблар кучайтирилди, қўнунчилик базасини ривожлантиришнинг мажмуавийлиги ва тизимлиги таъминловчи механизм яратилди.

Жиноят-процессуал қўнунчилигига киритилган ўзгаришлар суд ҳокимиятини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди, улар айбланувчини лавозимдан четлатиш ва шахсий тизимий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурият чораларини қўллашнинг демократик суд тартибини ўрнатди. Суд ваколатларидан жиний ишни қўзғатиш ҳуқуқи чиқарилди, прокурор зиммасига судда иш қўрилишида жиний иш бўйича айблов ҳулосасини эълон қилиш вазифаси юклатилди.

"Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қўнуннинг қабул қилиниши эса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жинийликка қарши курашиши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш фаолиятида қўнунчиликни таъминлаш вазифаларини самарали ҳал этишда катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, жараён иштирокчилари ушбу қўнунда мустаҳкамланган ўз ҳуқуқ ва қўнуний манфаатларини таъминловчи меъёрларга қўрқур мувожаат қиладиган бўлди.

Бу борада қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизimini янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини ошириш, жамиятга қонун устуворлигини мустаҳкамлашга кучли туртки бўлди.

Замон талаблари ва мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик устуворликларидан келиб чиқиб, фармонда суд-ҳуқуқ тизimini янада тақомиллаштиришга қаратилган қатор устувор вазифалар белгиланди.

Таъкидлаш лозимки, бирон бир жамият, бирон-бир давлат мустақил ва холисона судсиз ҳуқуқий бўла олмайди. Ушбу соҳа ваколатлари қанчалик ўз касбий ва фуқаролик бурчи ҳамда мажбуриятларини сийқидилдан ва адолатли бажартиш, ҳеч шубҳасиз, ҳокимиятнинг обрў-эътибори, одамларнинг адолатга бўлган ишончи ортади.

Маъмурий йўналишда фармон билан қўйидагилар кўзда тутилган:

- судьялик лавозимида бўлишнинг дастлабки беш йиллик, навбатдаги ўн йиллик муддатини ва кейинги муддатсиз даврини ўрнатиш;

- судларни янада ихтисослаштириш, илгор хорижий тажрибани ўрганиш асосида маъмурий судларни яратиш, ҳўжалик судлари тизимида минтақавий апелляция судларини ташкил этиш;

- Республика Олий судига адлия органларининг умумий юрисдикциядаги судлар фаолиятини моддий-техникавий ва молиявий таъминлаш соҳасидаги вазифа ва ваколатларини ўтказиш;

- Президент ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малакавий комиссиянинг мавқеи ва ролини ошириш;

- судьяларни интизомий жавобгарликка тортиш механизмининг унинг асосларини аниқлаштирган ҳолда тақомиллаштириш ҳамда судьяларга нисбатан интизомий иш юритишни қўзғатиш бўйича суд раислари ваколатларини бекор қилиш ва ҳоказолар.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш, адолатли ва ўз вақтида суд иш юритишга, жазонинг адолатлилиги ва инсонпарварлигига кафолатларни кучайтиришни ҳисобга олган ҳолда одил судловни амалга ошириш самарадорлигини юксалтириш борасида жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал ва бошқа қўнунчиликка қатор ўзгаришлар киритилмоқда. Жумладан:

- озоликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллашнинг кенгайтириш билан қарама-қарши тарзидаги жиний жазо бекор қилинмоқда;

- жиноят содир этилишида гумон қилинаётган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга, қамоққа олиш

Аброр АБДУЛЛАЕВ,
Бош прокуратура бошқарма
бошлиғи ўринбосари

ва уй қамоғида сақлаш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳамда дастлабки терговнинг энг кўп муддати 1 йилдан 7 ойгача қисқартирилмоқда;

- "Хабеас корпус" институтини қўллаш кенгайтириш, прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эхсгумацияни амалга ошириш каби тергов ҳаракатларини санкциялаш бўйича ваколатлари судларга ўтказилмоқда;

- қўшимча тергов ўтказиш учун жиноят ишини суд томонидан қайтариш институти бекор қилинмоқда;

- назорат тартибиде фуқаролик иши бўйича суд қарорини қайта қўриб чиқиш мумкин бўлган муддат 3 йилдан 1 йилгача қисқартирилмоқда;

- вилоят даражасидаги судлар томонидан жиноят ва фуқаролик ишларини назорат тартибиде қўриб чиқиш институти тугатилади. Бунда тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибиде протест киритиш бўйича ваколатлари бекор қилинади.

- билан суд қарорлари қонунчилиги ва асослигини қайта қўриб чиқиш бўйича амалдаги тизим тақомиллаштирилмоқда ҳамда суд жараёни муддатлари ва сифатига салбий таъсир қилувчи ортиқча оралик инстанциялар бекор қилинмоқда;

- ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларнинг алоҳида таркибларини декриминаллаштириш, жиний жараёнда ярашув институтини ўзбек халқининг бағрикенглик, меҳр-оқибат каби асрий анъаналарига мослигини ҳисобга олган ҳолда кенгайтириш бўйича ишлар сифат жиҳатдан янги босқичда давом эттирилади;

- электрон тартибда суд ва ижро иши юритиш, шўжумладан, жараён иштирокчилари билан электрон ўзаро боғлиқлик, процессуал ҳаракатларни видео-аудиофиксациянинг замонановий шакллари ва усуллари, янги турларнинг жорий этилиши судлар фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Умуман олганда, фармон билан суд-ҳуқуқ тизimini ривожлантиришнинг 8 та энг устувор соҳалари бўйича 45 аниқ тадбирларни амалга оширишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар Дастури тасдиқланди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тизimini изчил тақомиллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида умумэтароф этилган халқаро стандартлар асосида махсус қўнунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда.

Шубҳасиз, ушбу дастурий ҳужжатнинг амалга оширилиши мамлакат суд-ҳуқуқ тизimini фаолиятини сифат жиҳатдан янги даражага ошириш, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қўнуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш ҳамда аҳолининг одил судловга нисбатан ишончини янада мустаҳкамлаш имконини беради.

Соҳибқирон Амир Темурнинг: "Қаерда қонун ҳукмонлик қилса, уша ерда эркинлик бўлади", деган ўғити ҳуқуқий давлат қуришининг асосини ташкил этади десак, муболаға бўлмайди. Бу ҳикмат бугун ҳам ўзига хос маъно касб этмоқда. Инсон манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсадига айланди. Конституциямизда Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олиё қадрият ҳисобланиши мустақамлаб кўйилди.

Инсонпарварлик — улўф фазилат

Азиз АЗИМОВ,

Бош прокуратура бошқарма прокурори

Асосий Қонунимизнинг том маънодаги мукамал ҳужжат эканлигини яққол намоеён этадиган жиҳатлари жуда кўп. Унинг ҳар бир бандида асрлар давомида шаклланган миллий тафаккур, муқаддас қадриятларимиз ўз аксини топган. Миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган одамийлик, бағрикенглик, олижаноблик каби улўф фазилатлар, тенглик, биродарлик, халқлараро ва миллатлараро дўстлик каби умуминсоний қадриятлар унинг ҳар бир сатрига сингдириб юборилган.

Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунилигини тан олинган ҳолда инсонпарварлик принциплари шартлари, қоидаларига, шунингдек, ўзбек миллий давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таянган ҳолда изчил сиёсат амалга оширилмоқда.

Инсонпарварлик гоёлари мазмуни ва тамойиллари ўзбек миллий менталитетининг таркибий қисмидир. Мустақиллик йилларида инсонпарварлик тамойилларини тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида изчил ислохотлар олиб борилаётганига ҳар биримиз гувоҳимиз. Таъкидлаш жоизки, инсонпарварлик тамойили моҳият эътибори билан чуқур маънога эга. Мамлакатимизда Конституция асосида қабул қилинаётган қонунлар, умуман олганда, барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти жиҳатидан инсонпарварлик намунаси ҳисобланади.

Албатта, эркин ва адолатли жамият қуриш учун қонунга таянилиши ва қонун устуворлигига эришиш лозим. Чунки ҳар қандай давлатнинг қудратли ва мустақкам бўлиши, халқининг тинч ва фаровон ҳаёти амалдаги қонунларнинг устуворлигига боғлиқдир. Мамлакатимизда ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар қонун йўли билан тартибга солинаётгани, қабул қилинаётган қонунлар замирида инсонпарварлик ва оидиллик гоёси ётганлиги мустақил диёримизда адолат тантанасидан нишондир.

Яна бир жиҳатни эътибордан четда қолдирмаслик лозим, авваламбор, одамларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантиришда фуқаролар ҳуқуқ ва бурчлари кафолатлаб кўйилган асосий Қонун, яъни Конституция нормаларини яхши билишлари керак.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги конституциявий кафолатлар тизимини ҳаётга таъбиқ этишга қаратилган ислохотлар жамиятнинг шу мақсад йўлидаги вазифаларига тўлиқ мос келмоқда, инсон ҳуқуқларини кафолатловчи миллий механизм яратилмоқда. Ислохотларнинг негизига, энг аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари устуворлиги қўйилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганнинг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови" номи маърузасида бугун ҳаётимизнинг ўзи Конституциямизда ифодасини топган энг асосий мақсад — инсон манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш масаласини долзарб вазифа қилиб қўйётганини, инсон манфаатларини таъминлаш учун эса аввало одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш кераклиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, мазкур маърузада Ўзбекистон Республикасининг Президенти халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши кераклиги ва бу ҳақиқатни аввало барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарурлигини, шу нукта назардан қараганда, халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари тушунчалари ўзро шунчалик боғлини кетганлигини, уларни бери-бирдан асло ажратиб бўлмастлигини, ана шу заруратдан келиб чиққан ҳолда, барча қонун ҳужжатларида халқ билан мулоқот тизими ҳақидаги нормаларни аниқ белгиллаб қўйиш лозимлигини таъкидлаб, кириб келаётган 2017 йилни юртимизда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилишни таъкид этди. Бу нимадан далолат беради? Албатта, мамлакатимиз ўзи танлаган йўлдан, яъни ислохотлар ислохот учун эмас, аввало инсон манфаатлари учун деган тамойилнинг амалда янада тўла рўёбга чиқишини аниқлатади.



Имкониятлар янада кенгаймоқда



Хайрулла БЎРИЕВ,
Бош прокуратура
бўлим прокурори

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Ўтган йиллар давомида тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Ушбу қонун ҳужжатлари билан тадбиркорларга бир қатор ҳуқуқ ва имтиёзлар берилди. Жумладан, 2015 йил 5 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги Фармонининг қабул қилиниши юртимизда тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун янада кенг имкониятлар эшигини очди.

Ушбу фармонда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустақкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш асосий мақсад сифатида қўйилди. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериши, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашуви тубдан қисқартириш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишни таъминлаш ва уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик давлат сиёсатининг тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш соҳасидаги муҳим устувор йўналиши, шунингдек, давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланди.

Шу билан бирга, давлат органлари, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалар зиммасига тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги тамойилини сўзсиз амалга оширишни таъминлаш, ўз вазифалари ва ваколатларининг танқидий таҳлили асосида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика қилиш ҳамда уларга йўл қўймаслик борасидаги чора-тадбирларни такомиллаштиришга, уларнинг самарадорлигини оширишга доир асосланган таъкидларни киритиш, тадбир-

корлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўсиқлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асосиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари талаблари катъий бажарилишини, тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарнинг бевосита айбдорлардан ундирилишини таъминлаш вазифалари юклатилди.

Бундан ташқари, ушбу фармонда ноконуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни биринчи марта содир этган шахслар ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан эътиборан бир ой муддатда етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ва рухсат этилган зарур ҳужжатларни расмийлаштирган тақдирда маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этилиши белгиланди. Бу эса қонун бундоқлиги йўл қўйган тадбиркорларга етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган ёки тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ва рухсат этилган зарур ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини давом эттириши учун яна бир имконият беради.

Фаолият давомида шундай вазиятлар юзага келадики, натижада тадбиркорлик субъектлари масалага ойдинлик киритиш, ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши сўраб, судга мурожаат этишга мажбур бўлади. Жумладан, бу жараён хозирги кунга қадар тадбиркорлик субъектлари ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ариза берганда давлат божи тўлаб келган. Юқорида келтирилган фармонда эндиликда тадбиркорлик субъектлари ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида ариза берган тақдирда давлат божи тўлашдан озод этилиши белгиланди.

Юртимизда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларининг тўлақонли ҳимоясини таъминлаш мақсадида қонун

чиқарувчи ҳокимиятга Олий Мажлис ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш таклифи илгари сурилган. Унга тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширилаётганида уларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилаётганини таъминлаш, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига таъсири самарадорлигини баҳолаш, давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш ва коллатларини бериш тавсия этилган.

Барчага маълумки, ҳўжалик суди томонидан тадбиркорлик субъектларига мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни ахборот тизими орқали электрон шаклда юбориш ҳамда ҳўжалик низоларида видеоконференцалоқа режими орқали иштирок этиш имкониятлари яратилган. Юқоридаги фармон билан Олий ҳўжалик судига тадбиркорлар ҳуқуқларининг суд орқали ишончли ҳимоя қилинишини, шаффоқлик ва холисликни таъминлаш мақсадида суд мажлисларига аудио ва видео қайд этиш механизмларининг босқичма-босқич жорий этилишини, шунингдек, қабул қилинган суд қарорларининг веб-сайтларда joyлаштирилишини назарда тутуви дастурлар ишлаб чиқишини таъминлаш вазифаси топширилди.

Ҳўжалик судида ишларнинг ошқора қўрилишини инобатга олиб, ишнинг қўрилишида судья, суд қотиби, ишда иштирок этувчи бошқа шахслар ҳамда ҳўжалик судлов ишларини юртишининг бошқа иштирокчилари холислигини таъминлаш учун суд мажлисларида аудио ва видео қайд этиш механизмларининг фойдаланиш мумкин аҳамиятга эга. Шунингдек, суд қарорларининг веб-сайтларда joyлаштирилиши биринчи навбатда ишда тараф ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари учун суд қарорларини қисқа муддатда ва электрон шаклда олиш имкониятини яратади.

Қонунни четлаб қоқилишди

Яхши даромад топиб, тўкин-сочинликда яшашни истамайдиган одамни топиш қийин. Бунинг йўллари кўп. Асосийси, даромад ҳалол ҳамда қонуний йўл билан топилад бўлса ҳеч қандай ташвиш келтирмайди. Киши ортқича даҳмазалардан холи бўлади.

Аммо яна шундайлар ҳам борки, улар қандай йўл билан бўлмасин, тез бойиб кетишни исташади. Бу йўлда охирини ўйламай, ҳатто қонунбузарликка қўл уришдан ҳам тоиймайди. "Кўза кунда эмас, кунда сиёҳи", дейилганидек, қингир қилмишлари ошқор бўлиб, ўзлари суднинг қора курсисидан жой олишгандан кейингина афсус-надомат чекишади.

Андижон туманилик Насрулло Иноғомов билан Сўрхондарё вилоятида туғилган Амир Тўлаганов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ана шу йўлни танлашди-ю, охир-оқибат ноқонуний қилмишлари учун жавоб беришди. Аввалига "ORBAY-MAIL DELIVERY" масъулияти чекланган жамиятини тасвир этган икковлон раҳбарликка танишларини тайинлашади. Амалда эса МЧЖни ўзлари норасмий равишда бошқаришди ҳамда нафс кутқусига учиб, даромад топиш пайига тушибди. Жумладан, ўтган йил декабрь ойи охирида МЧЖ билан Туркия давлатининг "GOLDEN KARGO" корхонаси ўртасида экспорт контрактни имзоланади.

Контракта кўра МЧЖ почта жўнатмаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ташиш вазифини бажариш лозим бўлади. Аммо икковлон тегишли Қонун ҳужжатларида белгиланган муайян имтиёздан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишни кўзлашди.

Бўхтон оғусига шўнғиган кимса

"Nexia"да кетаётган Эргаш Панжиев йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан тўхтатилади. Ҳужжатлари текширилганида, мажбурий суғурта полиси мuddати ўтганлиги аниқланди. Табиийки, тегишли тартибда маъмурий баённома тузилиб, машина жарима майдончасига қўйилди.

Бир мuddат ўтиб, йўл посбонлари маскани олдига оқ рангли "Captiva" тўхтади. Машинадан тушиб келган йигит хизмат вазифини бажариб турган ҳолатда кўпчиликка қарата ўдағайлаб кетди.

— Сенлар меҳнатқаш инсонларни тинч қўясанларми, йўқми? Отам — меҳнатқаш фермер! Сенларга суғурта керакми, мен эшлик миллионли суғурта қилиб бераман. Отамни мошинасини нега олиб қўйдиларинг?

Бу "меҳнатқаш инсон" — дехқонobodлик Аҳдам Панжиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) айни пайтда ўттиз саккиз ёшда. Икки фарзанднинг отаси. Фермер ҳўжалигида ишчи бўлиб ишлайди.

Аҳдам ўн тўққиз ёшдаёқ жиноятга қўл уриб, беш йил мuddатга озодликдан маҳрум этилган эди. Амнистия шарофати билан жазодан озод этилди. Қўрсатилган бағрикенглик катта имконият эканлигини тўғри англаб, ҳаётини тўғри изга солишни хаёлига ҳам келтирмаган Аҳдам орадан уч йил ўтмасдан яна жиноят содир этди. Бу сафар узи суд саккиз йил мuddатга озодликдан маҳрум қилиш бўйича ҳукм чиқарди. Шу йилнинг ўзида навбатдаги суд ҳукмига асосан унга тайинланган олти йил мuddатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси аввалги жазо-

га қисман қўшилиб, умумий жазо мuddати тўққиз йилга етди.

2004 йилда суд ажримига кўра у жазодан мuddатидан олдин шартли озод қилинди. Орадан олти ой ҳам ўтмади — яна суд, бу сафар 5 йилга 6 ой... Кейинроқ бу жазо ахлоқ тузатиш иши жазосига алмаштирилди. Аҳдам мазкур жазонини тўлиқ ўтади. Аммо судланганлик ҳолати тугатилмаган ҳолда кўп ўтмасдан навбатдаги жиноятни содир қилди.

...Атрофдагиларнинг "хай-хай" лашига парво қилмай, йўл посбонларига дағдаға қилаётган "зўравон"га ходимлар бошиқ билан вазиятни тушуниришига уринишди, аммо ҳаракатлари бесамар кетди. Аҳдам энди тилга олиб бўлмайдиган кўпол сўзлар билан бўралаб сўкина бошлади. Айни йигитнинг мавсуми бўлганлиги учун ИПХ масканида пахта шабаби жойлашган, атрофда одам гавҳум эди. Туман ички ишлар бўлими бошлиғи жамоат тартибини бузаётган бу фуқаронини ички ишлар бўлимига олиб бориб, тегишли тартибда чора қўриш ҳақида кўрсатма берди. Аммо Аҳдам ўз айбини тушуниб етмасди.

— Сенлар билан қаерга бўлса ҳам бораман, — дея бақирарди у тартиб посбонларининг машинасига ўтирар экан. — Қўлларингдан ҳеч нарса келмайди...

Азиз МУСАШАЙХОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи

Хусусан, "GOLDEN KARGO" корхонасининг мансабдор шахслари билан ўзаро тил бириктириб, Туркия давлатидан почта жўнатмаларини жўнатиш вақтида почта жўнатмалари аслида 24 нафар шахсга тегишли бўлгани ҳолда, аслида мавжуд бўлмаган 205 нафар кишининг исм-фамилияси ва манзиллари ёзилган шунча миқдордаги сохта божхона декларацияларини расмийлаштиришган.

2015 йилнинг май ойида эса Туркиядан "ORBAY-MAIL DELIVERY" масъулияти чекланган жамиятга номига расмийлаштирилган авиа ҳужжатлари ва 205 нафар шахснинг номига расмийлаштирилган 304 млн. 634 минг сўмлик 1655 килограмм юк келгандан сўнг, 205 та божхона декларациясидаги маълумотларга умуман тўғри келмайдиган рўйхатни Туркиядан қабул қилиб олишади. Сўнгра таъкидланган юкларнинг юзаси божхона кўригидан ўтказилишига эришишади. Натияжада 142 млн. 144 минг сўмдан ошдиқор тўлов тўланмай, божхона назоратидан яширилган ҳолда Ўзбекистон Республикасига олиб кетилади.

Бундан ташқари, "ORBAY-MAIL DELIVERY" МЧЖни норасмий равишда бошқарган Насрулло Иноғомов Амир Тўлаганов билан ўзаро келишган тарзда, МЧЖнинг фаолияти бўйича юритилган бухгалтерия ҳисоботлари ва бошқа ҳужжатлари қасддан яшириб, нобуд қилиб юборган.

Мўмай даромад илинжида жиноятга қўл урган ҳар икки кўнунбузарга суд томонидан қилмишларига яраша тегишли жазо тайинланди. Шунингдек, иш бўйича ашёвий далил сифатида рамишланган 304 млн. 634 минг сўмлик кийим-кечак ва бошқа ҳўжалик-маиший товарлар давлат фойдасига ўтказилди.

Тўй базми бошланиб, келин-куёв ёр-ёр садолари остида катта ҳаёт бўлсагина биргалликда илк қадамларини ташлар эканлар, уларнинг қувонч ва шодликлари билан ҳамоҳанг ёшларнинг масъулият ҳамда ташвишлари ҳам энди икки баробарга ортади.

Бурчини унутган ота

Маъруфжон ЭҒАМОВ,
Наманган вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Улар маълум фурсатдан кейин ота-она деган улуг номга эга бўлиб, тугилмакчи фарзандларига то вояга етгунга қадар ҳар томонлама гамхўрлик қилиш, етук шахс сифатида камолга етказиб, жамият сафига қўшиш каби шарафли ва масъулиятли бурчини адо этишга киришади.

Конституциямизнинг 64-моддасида она-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялаш мажбуриятлари ҳақида аниқ ва равшан ёзиб қўйилганлиги бу бурчининг нақадар муҳимлигини исботлаб турибди. Мабодо, айрим ҳолатларда эр-хотин ўртасида ажрим юз берса ҳам томонлардан бири фарзандига ўзининг топадиган жами ойлик даромадининг маълум қисмини алимент сифатида тўла бориши ҳам қонунларимизда белгиланган.

Аммо Чортоқ туманида яшовчи Соҳиб Фозилов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) гарчи хотини билан ажрашганига тўрт йил ўтган бўлса-да, турли бахоналар билан ўзини четга олиб келди. Фуқаролик ишлари бўйича Учкўрғон туманлараро судининг 2012 йил 17 июлдаги ҳар қилув қарорига асосан С.Фозилов турмуш ўртоғи Лайло Фозиловага бир нафар фарзандининг моддий таъминоти учун алимент тўлаб бориши белгиланган эди. Аммо суднинг ушбу қарорига панжа орасидан қараган, қонуний бурчини бажаришдан очикчасига бош тортган "ота" ҳал қилув қарори чиққанидан бошлаб жорий йилнинг 1 июлига қадар жами 11 млн. сўмдан ошдиқор миқдордаги алимент пулини тўламай келди.

Суд ижрочилари туман бўлими суд ижросини томонидан бир неча марта ба алимент пулини ўз вақтида тўлаб бориши ҳақида оғохлантирилиши ҳам унга қор қилмади. Тўғри, орада хотини биринчи ва сўнгги марта Соҳибдан 750 минг сўм пул ундиришга муваффақ бўлди. Ниҳоят, етишмовчиликлардан зада бўлган, фарзандини бир ўзи боқишга қийналиб қолган Л.Фозилова ноқобил эри устидан ариза берди...

С.Фозилов вояга етмаган фарзандини таъминлашдан бош тортиб келганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддасига мувофиқ, унга нисбатан тегишли жазо тайинланди. Унинг собиқ турмуш ўртоғи, жабранувчи Лайло Фозилованинг фойдасига 10 млн. 994 минг 89 сўм ундириб берилиши белгиланди.

Орамизда ўн йиллар фарзанд кўрмай, тирноққа зор ўтаётган бўлишига қарамай, сабр қилиб ажрашишга шошилмай, умид қилишда давом этаётган ҳамюртларимиз ҳақида эшитиб қоламиз. Юқоридagi каби турмушнинг арзимас майда иқир-чиқирлари боис ажрашиб кетаётган оилалар ҳам учраб туради. Эрак киши ўз хотини, оиласи, фарзандларини ҳимоя қилар экан, уларга гамхўрлик кўрсатар экан, у бевосита Ватанини ҳимоя қилган бўлади.

Буни ҳар бир киши унутмаслиғи керак.



Даврон ТУРСУНОВ,
Қарши туман прокурорининг ўринбосари

лиши ишларига жойлаштирилган. Паспортларини олиб қўйган. Дастлаб оз-моз пул бериб турган. Совақ об-ҳаводаги машаққатли меҳнатлари учун иш ҳақларини талаб қилганларида эса ҳақиқий башарасини кўрсатган — уларни уриб, ҳақоратлаб ишлашга мажбур қилган. Б.Беккулов ва Б.Норбоев Аҳдамнинг яшаш жойидан паспортларини яширин тарзда олиб, чипта учун пул ишлаб топиб, сарсон-саргардон бўлиб, уларига қайтишган. Б.Беккулов сингисининг турмуши бузилмасин деган ниётда узок вақт бу хусусда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилмасдан келган. Аммо бўлмади, ноқобил куёв барибир турмуш ўртоғи билан ажрашди. Суд жараёнида Б.Беккулов ва Б.Норбоев Аҳдам Панжиевдан иш ҳақларини ундириб бериши ва унга нисбатан қонуний чора кўришни сўрашди.

Суд одам савдоси, гараз, гўйлик ва бошқа паст ниётларда тўхмат қилиш, жабранувчини ўз хизмат бурчини бажариши муносабати билан боғлиқ ҳолда ҳақорат қилиш ва гувоҳчи пул эвазига огдириб, ёлгон қўрсатув беришга мажбур қилиш сингари қатор жиноятларни содир этган Аҳдам Панжиевни ўта хавфли рецидивист деб топиб, унга Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Аммо ўзининг гаразли ниётига ета олмади. Жиноят ишлари бўйича Қарши туман судида бўлиб ўтган суд мажлисида касалнинг иситмаси ошқор қилади деганларидек, ҳаммаси ойдинлашди. Ҳамон ўз қилмишларига иқдор бўлмасдан оёқ тираб олган судланувчи гувоҳларнинг ва жабранувчиларнинг кўрсатувлари ва тўплаган бир қатор далиллар олдида ожиз қолди. Хусусан, экспертиза хулосаларида унинг танасида шикоятда ёзилган жароҳатлар топилмаганлиги қайд этилган бўлса, холис гувоҳлар унинг ИПХ масканидаги ҳақоратларини, хизмат вазиफलари адо этаётган йўл посбонларининг қонуний хатти-ҳаракатлари хусусида кўрсатув беришди. Унинг бошқа важдари ҳам асоссиз эканлиги маълум бўлди.

Дарвоқе, тергов жараёнида Аҳдамнинг бошқа жирканч жинояти ҳам очилиб қолди. Аниқланишича, Аҳдам ўз қайиниси Б.Беккулов ва унинг жияни Б.Норбоевни Россия Федерациясининг Наро-Фоминск шаҳарчасига алдов йўли билан қақриб олган. Ойига минг-икки минг "кўк" идан маош ваъда қилиб, шаҳарчадаги бир дала ҳовли қури-

Қўқонлик ака-ука Рашид ва Аслиддин (исм-фамилиялар ўзгартирилган) отнинг қашқаси бўлиб улгуришган. Бири муқаддам безорилик қилиб ҳироғва қасалдан тан жароҳати етказгани, тартибга қақирган ҳокимият, жамоатчилик вақилига қаршилик кўрсатгани, талончилик қилгани, бири гиёҳвандлик моддаларини етиштириб сақлагани, ўғирлик, фирибгарлик жиноятларини содир этгани учун судланган. Иккови ҳам хавфли рещидивист деб топилган. Аслиддиннинг ҳамтовоғи Абдулҳапиз ҳам амнистия актига биноан жазодан озод этилганига шукур қилмай, тақроран жиноятга қўл урган, талончилик қилиб судланган, 3 йил озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб келган.

Зиёфатдаги фोजиа

Шамсиддин ТУРДАЛИЕВ,
Фарғона вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Судланувчилар расман ҳеч қаерда ишлашмаган. Аслиддин ўзини савдо-сотикча урган, кўпқаватли тураржой биноларидан бирининг биринчи қаватидаги, турмуш ўртоғининг номидан бўлган хондонини "офис" қилиб олган. Озиқ-овқат махсулотлари улгуржи савдосини йўлга қўйган таниши Бахриддин билан олди-сотди, ўзининг тили билан айтганда, "муомала" қилиб турган. Маънавий қашқоқ, иззатталаб, конунларни менсимасан ака-ука, оғайнлар айшушуратта берилишган. Ичкиликка ружу қўйишган. Охир-оқибат...

Шу йил баҳорда, аникроғи, 13 март кун эрталаб Аслиддин "офис"га келди. Соат ўн иккиларда қўл телефонида андижонлик қадрдони Абдулҳапиз билан гаплашди, кўришадиган жойни тайинлади. "Беназир" кафесида "томоқни хўллаб" тамадд қилишди. Кафега акаси Рашид, жиянлари Алижон ва Комилжонларни, поччаси Аҳаджонни чақирди. Меҳмондорчилик авжига чиққанда қўл телефонида "муомала" қилиб турадиган ўртоғи Бахриддин телефон қилди. Машинами ювдириятман, келаверинглар гаплашиб оламиз", деди. Рашид ва жияни Алижон "офис"га кетишди. Аслиддин ўзининг машинасида андижонлик меҳмон, поччаси ва жияни Комилжонни "мойка"га олиб борди. Абдулҳапиз, поччаси ва жияни "нард" ўйинига шўнғишди. Аслиддин ва Бахриддин ўзаро ишларини муҳокама қилиб олишди.

"Офис"да кўнгилхушлик давом этди. Соат кундузги иккиларда Бахриддин машинасида улфати Солижон билан келиб, даврага қўшилди. Верандада ўтирган меҳмонларга оёғи қўлида хизмат қилаётган Алижон яна бозор қилиб келди. Спиртли ичимлик ва газакларни дастурхонга қўйди. Меҳмонхонага чиқиб, Аслиддиннинг поччаси Аҳаджон ва жияни Комилжонларнинг "нард" ўйинини томоша қилиб ўтирди.

Ширакайфларнинг вақти чоғ верандада бот-бот қаҳ-қаҳа янгарди. "Тост"лар бири-бирига уланиб, қадаҳлар жаранларди. Икки соатча яйраб ўтиришди. Соат кундузги тўртларда Бахриддин верандадан меҳмонхонага чиқди. Сигарет сўради.

— Ана, олаверинг, — деди "нард"дан бош кўтармаган Комилжон.

Каифи тароқ Бахриддин унга ўкрайди. Унинг гап оҳанги иззат-нафисга теғди.

— Олиб бер дедим сенга.
Ичларида хушёр Алижон тўшақдаги кўтидан сигарет олиб узатди. Бахриддин сигаретни мижиглади. Комилжонни ёқасидан тортиб тургазди.

— Юр бўёққа, биласанми, мен кимман? Базиб оласан ҳозир, — дея шалапоқ уриб, дахлизга тортилади. Оғзидан боди кириб шоди чиқди. Ҳақоратларини эшитган Аслиддин верандадан чиқиб келди.

— Хов Бахри, бу жияним, каиф қилиб ўтирибмиз, нима қиласан даврани бузиб, — деди.

— Хе ўша сендақа... — Бахриддин ҳамтовоғи Аслиддинни ҳам курақда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилди. — Бра-тишқаларимни қақираман, багажга солиб кетишади буни.

Аслиддин дахлизда турган Бахриддинга ташланми, унга пичоқ санчиб олди. Верандадан югуриб чиққан акаси Рашид дахлиздаги таёқни олиб, Бахриддиннинг ортидан елкаси, бошига зарб билан урди. Чўқкалаб қолган, чап ва ўнг қўлини мўлжаллаб тагин икки-уч марта урди. Бахриддин ерга узала йиқилди. Рашид унинг икки оёғини кўтарди. Жиянига оёғига ур, деб бақирди. Комил таёк билан болдирига яна урди. Поччаси Аҳаджон "бўлди бас", дея бақирди. Комил таёқни ташлади. Андижонлик Абдулҳапиз "Нафас оляпти, дўхтирға олиб бориш керак", деди. Бахриддин билан бирга келган Солижон ҳамон сўқинаётган Аслиддинни билагидан тортиб кўчага олиб чиқиб кетди. Машинасида уйига элтиб қўйди. Рашид, Комил ва Абдулҳапиз Бахриддинни кўтариб чиқиб ўзининг машинасига ётқизишди. Абдулҳапиз рулга ўтириб, Комил билан касалхонага йўл олди. Қўқон шаҳар тез тиббий ёрдам марказига бориб, ичкарида икки нафар ҳамширага ховлидаги қора рангли машинада бир одам оғир аҳволда ётибди, унга қаранглар, дея ташқарига чиқди. Орадан бир неча соат ўтгандан сўнг, Комил Аслиддинга кўнгирок қилиб, Бахриддин касалхонада вафот этганини айтди.

Маост аҳволда бўлган ўз ҳамтовоғини шафқатсизлик билан калтаклаб, пичоқлаб ўлдирган ака-ука Рашид ва Аслиддин Қорабевлар, уларнинг жияни Комил Сувонов, жиноятни яширган Абдулҳапиз Солибов ва Алижон Ҳомидовларнинг айби далиллар билан тасдиқланди.

Ака-ука қотиллар узок муддатларга озодликдан маҳрум этилди. Кўз ўнгиларида содир этилган жиноятни кўриб-кўрмаганга, билиб-билмаганга олган А.Солибов ва А.Ҳомидовга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Гоҳида айримларнинг хатти-ҳаракатини тушуниб бўлмайди. Бундайлар қилғиакни қилиб қўйиб, кейин турли баҳоналар билан ўзларини оқлашади, кўпинча айбларини тан олишмайди. Ваҳоланки, бирован зўрлик билан олиб қўйилган пул ёки бирор буюм ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайган умрнинг бир кунига ҳам тенглашолмайди.

Боши ҳам бўлган суднинг қора курсисидан ўтирган уч йигитнинг хаёлидан айни пайтда нималар ўтаётганини билиш қийин. Аммо нима бўлганда ҳам афсус-надомат чекишаётгани аниқ, Афсуски, энди вақтни ортга қайтариб бўлмайди.

Аслида ҳаммаси қиракашлик қилиб юрган Маъмурнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) машинасига Гуландомнинг йўловчи сифатида ўтириши билан бошланди. Машина эндигина қўзғалганда 20-22 ёшлардаги йигит тўхтатиб, уларга ҳамроҳ бўлди. Бироз юришгач, яна бир йўловчи қўл кўтарди. У машинадаги йигит билан таниш чиқди, устига-устак борар манзиллари бир экан, Маъмур уни ҳам ўтказиб олди. Йўл-йўлақай қизга гап отиб, ҳазил-хузул қилиб кетишди.

Кўп ўтмай биринчи ўтирган йигит — Ҳошим ҳайдовчига Чирчак дарёси бўйидаги дала ховлилардан бирида қолишни айтиб, машина рулини ўша томонга буришни илтимос қилди. Маъмур унинг айтганини бақарди. Аммо машина дарё ёқасига келиши билан Ҳошим тўхташни буюрди-да, ёнида ўтирган шеригига юзланди:

— Жалил, шу ер бўладими? Ундай бўлса, туш...

Икковлон шоша-пиша машинадан тушишди ва ҳайдовчининг ёнидаги олд эшикни очиб, Гуландомни куч билан ташқарига судрай бошлашди. Кутилмаган ҳолатдан кўриб кетган қизнинг овози ҳам чикмай қолди. Уларнинг йўловчи қизга қўпол муносабатини кўрган ҳайдовчи нима са-

Қимордан чиққан бало

Инсон — қадрли улғу, умри эзиз, ақлу заковати юксак этиб яратилган зот. Ана шу имкониятлар ўлароқ, бугун ўқан ишларга қўл уриб, бунёдкорлик фаолияти билан эътибор-эъзоз топаётган замонашларимиз жуада кўп. Уларга ҳавас қилган шоғирлар, тарбиясини олган фарзандлар борки, асло кам бўлишмайди.

Аммо гарчи кучи, ақли бўлса-да, гайрату шижоати, ирода ва саботи, уқуви бўлмаган кимсалар ҳам борки, ёши бир жойга борганда ҳам ҳаёти изга тушмайди. Фарзандлари эса кўнгли синик, шароити оғир ҳолда улгайиб бораётган, охир-оқибат тарбияси ноқис бўлиб кетиши ҳам ҳаётий тажрибалардан яхши маълум.

1994 йилда Жаҳонгир турманда туғилган Яхшиқўрғир Саримсоқовнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ота-онаси ҳам бошқалар қатори фарзандига улкан ниятлар боғлашганди. Бебошлигини шўхликка, кайсарлигини болаларча эркаликка йўйишди. Аммо унинг бу "хурмача қилик"лари газак олиб борар, қаерда тўрт одам биларишиб кўнгил хушлашадиган бўлса, у ҳам ўша ерда ҳозир бўларди. Бу иш покми нопокми, тўғрими нотўғрими, охири нима билан тугайди, бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмасди.

Шомурод Тоҳиржонов эса салкам қирқ ёшда. Уч нафар қорақўзининг отаси. Мўқим бир жойда ишламайди.

Уша пайтда у уйига ёндош бўлган жойдаги молхонада қоровул эди. Ўзига ўхшаган "уйинқароқ"ларни йиғиб, кўнгли хушлар, вақтичоғлик қилишга унда фурсат кўп бўлар, молхонани гўё "қиморхона"га айлантириб олганди. Бунинг оқибати ҳақида ташвиш чекиш унинг учун беғона. "Кўзанинг кунда эмас, кунда синиши" эса айни ҳақиқат эканлигини ўйлаб ҳам қўймасди.

Хуллас, жорий йил бошида, қишинг айни совуқ кунларида содир бўлган ҳодисага ҳам ана шундай бемақсад ўтиришлардан бири сабаб бўлди.

Дастлаб 500 сўмдан ташлаб қарта ўйини билан даврани қизитган йигитларнинг кўнгли-

лари ичкилик тусаб қолди. Ўртада спиртли ичимлик ҳозир бўлди. Учинчи шиша бўшаганда вазият кескинлаша бошлади. Йигитлар ўзаро гап талашиб, тортишиб кетишар, бир-бирининг ҳамиятига тегишдан зерикишмас, аксинча, ўзларини гўё "шер" деб билишарди.

Айни шундай бир пайтда йигитларнинг бирини оила аъзолари қақириб қолди, бири эса "ҳолванинг ҳам ози ширин" маъносига "бўлди қилларинг, етар", деди ва чиқиб кетди.

Давранинг "кенжатоий" Жаҳонгир билан Шомурод эса талашиб-тортишиб ўйини давом эттиришарди. Айниқса, Жаҳонгир "тоғни талқон қилиб юборгудек", ўзидан қарийб йигирма ёш катта бўлган Шомуроднинг "ғирром"лигидан қунониб, жиғиб-йирирон бўларди. "Сенинг ақлингни киритиб қўяман", дерди ўзича гударини.

— Нима дединг, кимнинг ақлини киритиб қўясан? Сен шунча ақлимисан ҳали?

— Э-э, бўлди, бу ерда жанжаллашаверманлар! Тур, Жаҳонгир, ташқарига чик, тинчлик борми-йўқми ўзи сенинг дастиндан?!

Яна бир шеригининг унга қарши гапиргани Ж.Саримсоқовнинг бошига гурзи билан ургандан баттар бўлди. У аламини ичига ютиб, секин юриб ташқарига чиқиб кетди. Шу тобда ўз-ўзи билан овора бўлган ҳамроҳлар боланинг пичоқ олиб чиқиб кетганини кунда сезишмади ҳам.

Ж.Саримсоқов кўп кутмади. Унинг ортиданок қўзғалган шерикларининг бири у томон, бири бу томонга юрди. Ҳар қанча пана бўлмасин, йўл торлиги бонис Олим Турғунов Жаҳонгирни кўриб қолди.

— Ие, ҳали ҳам шу ердамансан, нега кетмадинг? — деди шошиб унга қараркан.

Талончилар

Собир ТЕМИРОВ,

Тошкент вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

бадан бундай қилишаётганини сўраган эди, Жалил "бу танишим, ҳозир келамиз", деб жавоб берди. Ўзи эса шеригига қўшилиб, қизнинг қўлларидан торганча йўл четига судраб кетишди. Маъмур чўчигани учун аралашмасликни маъқул кўрди ва жойида ўтираверди.

Орадан 5 дақиқа вақт ўтиб, йигитлар қайтиб келиб машинага ўтиришди. Бирок қиз кўринмади. Бироз ўтиргач, Жалил тушиб, қизни топиб келгандан кейин машина йўлга тушди. Манзилга етиб келишгандан сўнг улар йўл ҳақини тўлаб тушиб қолишди.

Гуландом шу ерда тўғри ИИБга йўл олди. У ерда эса бўлиб ўтган воқеани баён қилиб, ариза берди. Маълум бўлишича, икки оғайни Гуландомни четга олиб ўтиб, сувга ташлаб юбориш билан кўрқитишган ва сумкасидаги 200 минг сўм пули билан 300 минг сўмлик уяли телефонини олиб қўйишган экан.

Кўп ўтмай талончилар қўлга олинди. Суд томонидан Ҳошим Бўриев ҳамда Жалил Қурбонова 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Ҳайдовчи Маъмур Турсунова эса гарчи унинг жиноят содир этилишига алоқаси йўқлиги ўз ибтосини топан бўлса-да, содир этилган жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бермаганлиги учун унга ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Азизбек НАБИЖОНОВ,

Наманган вилоят прокуратураси бўлим АМИБ катта терговчиси

— Шомурод акамдан кечирим сўрамоқчиман, шунга қайтиб келдим...

— У кетди. Кеч бўлди, эртага кечирим сўрасан, юр, кетдик...

— Сиз бораверинг, мен ҳозир...

Тез-тез одимлаб кетган Жаҳонгирнинг ортидан бироз қараб турган Олим йўлида давом этди.

Ҳали уйига етиб улгурмаган Шомурод ораксидан биров келалаётганини ё англади, ё англамади, бирдан кураги тағида нимадир жизиллагандек бўлди. Бехос оғриқдан юзи буришиб кетди. Шошиб ортига ўтирилди-ю, қўлида пичоқ билан турган Жаҳонгирни кўрди.

— Эй, жинни бўлганмисан? Нима қилганинги бу?!

Унинг гапи тугамай яна бир жойига, кейин яна ва яна... пичоқ санчилаверди. Ўзини ўнглашга ҳаракат қилган Шомуроднинг кўз олди қоронғулашди. Жаҳонгирнинг эса энди кўзи очилгандай, қилиб қўйган ишининг нечоғли дахшатли эканини энди англагандай оқла-пичоқ тушиб кетди ва қўра-олдига қарамай қочди.

Дарвозаси олдига етиб келиб қолгани, аёлининг ухламай ўтиргани ва шовқинни сезиб югуриб чиқгани Ш.Тоҳиржоновнинг жонига оро кирди. Ўз вақтида шифохонага етказиб келингани ва зудлик билан керакли муолажалар қилингани туфайли унинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Айни шу ўринда халқимиз орасидаги "Саёқ юрсанг, таёқ ейсан", деган гапнинг аққол далилини кўрамиз. Минг афсуски, ёши қатта ёки кичик бўлмасин, ўзини нопок йўллардан асрашга куч топа олмаган бу каби кимсаларни ҳам учратиш турамиз.

Жаҳонгир Саримсоқов суд томонидан етти йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Ўз навбатида Шомурод Тоҳиржонов ҳам қилмишига яраша жазо тортиди.

Ҳаётимизни электр энергиясиз тасаввур этиш мумкин эмас. Бу истеъмол воситасига талаб ва эҳтиёж йил сайин ошиб бормоқда. Демак, бу соҳада фаолият юритувчи шахслар ўта масъулиятни ва албатта ҳаёлот бўлиши даркор.

Амалга ошмаган режа

Зокир Мўминов ҳамда Нурилла Носировнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) асл касби электромонтёр. Бири Мирзо Улугбек туман электр тармоқлари корхонасида, иккинчиси пойтахтимиздаги хусусий корхоналарнинг бирида ишлайди. Хизмат тақозоси бўйича қаралганда, уларнинг фаолиятида ўзаро боғлиқлик бор. Иккиси ҳам электр энергиясидан фойдаланиш конун ва қоидаларини яхши тушунишади. Ўзаро суҳбатларининг бирида З.Мўминов шериғига қонунийликка тўғри келмаса-да, унча-мунча даромад ишлаш мумкинлигини айтган эди, Н.Носиров ўйлаб ҳам ўтирмай, рози бўлди.

Икковлон Мирзо Улугбек туманида жойлашган "Ягона" овқатланиш мажмуасига кириб келиши.

— Биз "туман электр корхонаси"данмиз. Электрдан бўлган қарздорлигиниз ҳақида билдириб қўяйлик, деб келдик, — деди улардан бири.

— Ие, шунақами? Келинглари, электрдан қарзимиз бор эканми? — сўради мажмуа иш юритувчиси Ботир Исломов.

— Бор экан ҳам гапми, ака, нақд 5 млн. 200 минг сўм-а! Тез тўламасангиз, ошхонани тармоқдан узамиз.

Бу гап Б.Исломовнинг "капалагини учирди". Аранг "йў-е!", дея олди.

Аслида ошхонанинг электрдан қарзи 856 минг сўм эди. Улар тўғрисида айтишганда, тўлов тезда амалга оширилиб, муаммо ҳал этиларди. Бироқ жараён бундай кетса, ўзлари қуруқ қолишларини ҳам яхши билишарди.

— Буни ечими бор, ака. Фақат... иси чиқмаслиги керак.

Ноқонуний икки савдо

Элбек МУҲАММАДИЕВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Муборак туман бўлими инспектори

Маълумки, ноқонуний валюта айирбошлаш республикаимизнинг иқтисодий салоҳиятига салбий таъсир кўрсатиб, миллий валютамизнинг қадрсизланишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам юртимизда ноқонуний валюта савдосига қарши жиддий курашилмоқда.

Фўқаро А.Алимовнинг СВОЖЖДЛҚК департаментининг Қашқадар вилоят бошқармасига ёзган мурожаати бўйича ўтказилган тезкор тадбир жараёнида Чори Ҳамроев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ва Рустам Ихтиёровларнинг қилмишлари фош этилди. Бу шахслар валюта қимматликлари олди-сотдисини йўлга қўйиш учун жиноий тил бириктириб, бир гуруҳга бирлашадилар. Улар Қарши шаҳридаги "Орзу" бозори ёнида 12 минг 900 АҚШ долларини 79 млн. 980 минг сўмга сотаётган вақтда ушландилар.

Бундан ташқари, валютафурӯшларга тегишли бўлган "Спарк" автомашинаси кўздан кечирилганда, унинг юкхонасида чет элдан ишлаб чиқарилган ва ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган 7 турдаги 291 қути, умумий нархи 3 млн. 330 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари борлиги маълум бўлди. Аниқланишича, бу кимсалар ушбу маҳсулотларни қонунга хилоф равишда сотишни мақсад қилган эканлар.

Мазкур ҳолат юзасидан ҳуқуқбузарларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди ва суд ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Баҳодир ХАЙТОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Тошкент шаҳар бошқармаси бўлими
катта инспектори

— Мени ким деб ўйлаяпсизлар?! Менга ёрдам бера-сизлар-у, сизларни фош қиламанми? — деди иш юритувчи.

— Унда эшитинг, 2 млн. сўм эвазига ишингиз ҳал бўлади. Фақат пулни тезроқ етказасиз...

Иш юритувчи аввалига уларнинг талабига кўнмади. Электр тармоқлари корхонасига бориб, қарзининг қанчаллигини билди ва пулни тўлаб, фаолиятини давом эттирарди. Мўмай пул илжинди бўлган икки тамағир эса ишни шундоқ қолдиришмади. Орадан бир ҳафта ўтгач, яна келиб, дўқ-пўпсига қилдилар. Б.Исломов уларнинг талабини бажаришдан бош тортди. Режалари амалга ошмаган товламачилар ошхонани электр тармоғидан узиб қўйишди. Ноилож қолган иш юритувчи улар сўраган пулни кечгача топиб беришни ваъда қилди.

Шундан сўнг Б.Исломов уларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисида СВОЖЖДЛҚК департаментининг Мирзо Улугбек туман бўлимига ариза билан мурожаат қилди. Нафсининг гапига кириб, жиноятга қўл урган З.Мўминов ҳамда Н.Носиров товламачилик йўли билан тадбиркордан 2 млн. сўм пулни олаётган вақтда қўлга олинди.

Улар суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди, ахлоқ зулатиш ишлари жазосига тортилди.

Талабаларнинг пуллари буюрмади

Термиз Давлат университетига шартнома асосида ўқийдиган талабаларнинг аксариятига тўлови амалга ошмагани ҳақида айтишди. Ҳатто ўқини битириб кетиб, ташкилотларда ишлаётганларнинг ортдан ҳам шартнома пули тўланмагани ҳақидаги қоғоз борди. Ҳамма ҳайратда. Бир қўлида шартнома пулини тўлаганиги ҳақида берилган маълумотнома, яна бир қўлида эса тўловни амалга оширмагани учун зудлик билан тўлаши ҳақидаги талабнома.

Азамат ТОҒАЕВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Термиз шаҳар бўлими бошлиғи

Бу иш ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ўрганиб чиқилди. Воқеа куйидагидек бўлган экан. Термиз Давлат университетига тўлов-контракт ҳисобчиси бўлиб ишлаган Мухтор Хурсанов укалари Музаффар ва Мансур Хурсановлар, университетнинг бош ҳисобчиси Салоҳиддин Болтаев ва талаба Мансур Мусаевлар билан ўзаро тил бириктирган ҳолда текин пул топишни мақсад қилиб, режа ўйлаб топди. Узоққа бориб юришнинг ҳождати йўқ. Бунинг учун шартнома асосида таҳсил олувчиларнинг соддаларини қармоққа туширишнинг ўзи кифоя.

Шундай қилиб, мавсум келгач, "ов"ни ҳам бошлаб юборишди. Мухтор Хурсановнинг укалари Музаффар ва Мансур ҳамда 4-босқич талабаси Мансур Мусаев нақд пул тўловчи талабаларни топиб, уларга "хўрак" ташлашди. Нақд пулни 15-20 фоиз чегирма эвазига пул кўчириш йўли билан университет ҳисобига тўлиқ ўтказиб беришни ваъда қилдишди. Бу содда тўловчиларга ёқиб тушади. Яхши-да, овор

бўлиб юришмайди. Кимсан, бу ишни тўловни назорат қилувчи ҳисобчиларнинг ўзи бажарар экан.

Фурсатни қўлдан бермаган жиноий гуруҳнинг "ов"и бароридан келди. Улар 2014 йил сентябрь ойидан 2015 йилнинг майига қадар бўлган вақт ораллигида 333 нафар содда тўловчини тузоққа туширишди. Натижада 780 млн. 776 минг сўм миқдорига шартнома тўловларини тўланди, деб сохталаштиришга эришди. Университет бош ҳисобчиси Салоҳиддин Болтаевнинг хизмат компьютеридан фойдаланган ҳолда шартнома тўловларини тўлаган талабаларнинг электрон рўйхати ўзлари томонидан пуллари ўзлаштирилган талабаларнинг номлари ҳам тиркаб қўйилди. Шу тариқа уларнинг тўловни амалга оширмаганлари хусусида сохта ордерлар тузилиб, университет маркетинг бўлимига тақдим этилди. Талабаларнинг қўлига ҳам тўловдан кўнглини тўқ қиларди маълумотнома теги.

Энди "овчи"лар қўлга киритган маблағларини нималарга сарф қилганига қизиқиш

кўрсак. Аслида-ку, бу жуда ҳам қизиқ эмас, аммо уларга нисбатан нафратимизни зиёда қилади.

Пулнинг 100 млн. сўмига 106 бош майда ва катта чорва моллари сотиб олинди, бироз фурсатдан сўнг улар 150 млн. сўмга сотилди ва 50 млн. сўм даромад қилинади. Қолган пуллар ҳам шу каби сарф-харajatлар учун ишлатилади. Шу тариқа улар уй, машина каби оддий одамлар заҳматли меҳнати ортдан топадиган моддий бойликларга ҳеч қандай машаққатсиз эга бўлишади.

Ҳеч замонда қинғир ишнинг қийми кўринмай қолмаган. Ўзи хон, кўланкиси майдон бўлган "азамат"ларнинг ҳам ёлғони юзга чиқди. Вилоят назорат тафтиш бошқармасининг текширувлари асосида юқорида келтирилганидек 780 млн. 776 минг сўм миқдоридagi шартнома тўловларини камомади мавжудлиги аниқланди.

Судда мазкур жиноий гуруҳнинг қилмишлари қўриб чиқилди. Уларга қонунларимизда белгиланган тартибда жазо тайинланди.

Ишончни оқламаган раис

Бирон-бир масъулиятли ишни ёки вазифани қабул қилиб олаётганларга доимо ишонч билдирилади.

Рустамжон РАҲИМЖОНОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг Норин туман бўлими бошлиғи

Афсуски, Каримжон Бобоев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) маҳалладошлари билдирган ишончни оқлай олмади. Негаки, унинг аввалиги фаолияти ён-атрофдагилар наздида фидойиликнинг бир кўриниши бўлган экан. Хуллас, бир неча йил аввал маҳаллага раис сайланаётганда унга ишонч билдиришди, оқсоқол сифатида маҳалла ахлининг "иссиқ-сувуғи"да бирга бўлади, деб ўйлашди.

Каримжон-чи?.. Бир муддат ана шу ишончни оқлаш кўйида елиб-югургандек бўлди. Кейинроқ эса қабулига нафақа пули тайинлаб беришни илтимос қилиб келувчилар кўпайди-у, ўзгарди-қолди. Қандай бўлмасин, ана шу пулларга эга чиқиб, қўлга киритиш ҳақида бош қотира бошлади. Ишончни унутди.

Ниҳоят, йўлини топгандек бўлди. У 2014

йилнинг январь ойидан декабрь ойига қадар маҳаллага ижтимоий нафақа сўраб ариза берган фуқароларга нафақа тайинлангач, уларнинг пулларини ўзлаштириш ҳаракатига тушди. Бунга эришди ҳам. Яъни у ана шу муддат ичидега етти нафар фуқарога қайдномаларни қалбакилаштирган ҳолда 7 млн. 649 минг сўмлик ижтимоий нафақа тайинлаб, ушбу пуллари қўлга киритди.

Афтидан, К.Бобоев бу қилмиши бир куни албатта фош бўлишидан беҳабар эди, чоғи. Маҳаллада ўтказилган текширишда унинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ошкор бўлиб қолгач, типирчилаб қолди. Ўзини оқлаш мақсадида турли баҳоналар излашга тушди. Бироқ ҳеч бири наф бермади. У қонун доирасида жиноий жавобгарликка тортилди.

Ёши улугнинг қилмиши

Салкам олтиш ёшга кирган Мамадали Адхамов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) шу йил апрель ойида Фарғона шаҳри бозорини айланиб юриб, нотаниш икки йигитнинг қўлобола пахта ёғи ишлаб чиқариш дастгоҳи хусусидаги суҳбатларига қўшилди.

Уни ишлатиш йўли-ўйрақларини суриштирди. Суҳбат орасида йигитлар қўлобола мойхувозни унинг уйига элтиб, ўрнатиб беришни зиммаларига олишди. Орадан икки-уч кун ўтиб, қўлобола асалган дастгоҳ, электр двигателни М.Адхамовнинг оғилхонасига ўрнатиб, келишилган 1 млн. 250 минг сўми олиб кетишди.

Ноқонуний ишга қўл урган М.Адхамов билиб турса-да, ниятидан қайтмади. У чигитдан пахта мой ва кунжара тайёр-

лаб, пуллашга киришди. Жарақ-жарақ фойда келиб турганда, қўлобола махсулоти истеъмол талабларига жавоб бермаслиги хусусида бош қотиришга не ҳожаат?! Бироқ унинг хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Бировларнинг соғлимига зиён етказиб бўлса-да, мўмай даромад топишга бел боғлаган "ишиблармон"нинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди.

СВОЖЖДЛҚК департаментининг Олтиариқ туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда М.Адха-

Лазижон ХУДОЙҚУЛОВ,
СВОЖЖДЛҚК департаментининг
Олтиариқ туман бўлими бошлиғи

мовнинг хонадонидан қўлобола дастгоҳ, сотишга улгурмадан 18 литр жувоз ёғи, 120 килограмм кунжара ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг хулосасига кўра, ашёвий далил сифатида олинган пахта ёғи санитария меъёри, истеъмолчиларнинг ҳаёти ва соғлиги талабларига жавоб бермаслиги аниқланди.

Суд М.Адхамовга тегишли жазо тайинлади.

Тадбирли элнинг тадбиркорлари




AGROBANK

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, бугун тадбиркор деганда кенг мулоҳаза, узоқни кўзлаб иш кўрувчи ишбилармонлар кўз олдимизда гавдаланади. Бундай ижобий самараларга эришишда соҳани ривожлантириш мақсадида ҳаётга татбиқ этилаётган ҳуқуқий ҳужжатлар, шу асосда яратилаётган кенг қўламли шарт-шароитлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шундай қамровли ислохотлар натижасида тадбиркорлар юсак мақсадларни кўзлаб фаровонлик сари интиломоқдалар.

Тадбиркорларнинг истиқболли бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида тижорат банклари ҳам яқиндан кўмак бериб, соҳа тараққиётга сезиларли улуш қўшаптилар.

Бу борада "Агробанк" акциядорлик тижорат банкнинг Самарқанд вилояти бошқармаси ва филиллари томонидан олиб борилаётган кенг қўламли савий-ҳаракатлар ҳам фикримиз далилидир. Мазкур банкнинг Самарқанд вилояти бошқармаси томонидан мижозларга тезкор ва сифатли хизматлар кўрсатиши, ишбилармон-тадбиркорлар ва деҳқон-фермерларнинг иш самарадорлигини янада ошириши, уларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш бораси-



да тизимли ишлар йўлга қўйилган. Шу мақсадларни амалга ошириш учун жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига "Агробанк" АТБ Самарқанд вилоят бошқармаси томонидан жами турли тадбиркорлик йўналишларига 260 млрд. сўм, шу жумладан, қишлоқ хўжалигига 30 млрд. сўм, жисмоний шахсларга 33 млрд. сўмга яқин кредитлар ажратилди. Натижада худудлар янада обод ва фаровон манзилларга айланиб, аҳолининг турмуш даражаси ошиб бормоқда, бандликни таъминлаш мақсадида минглаб янги иш ўринлари яратилди.

— Тадбиркор бўлиб бир ишнинг этагидан тутдингизми, масъулият янада ошаркан. Уз бизнесингиз орқали даромадга эришиб, халққа муносиб хизмат кўрсатиш ва албатта, фаолиятингизни кенгайтиришни ўйларкансиз. Бунинг учун ишни тўғри ташкиллаштириш билан бирга самарали меҳнат қилиш ҳам катта аҳамиятга эга, — дейди Иштихон туманидаги "Ishtixon berg star" МЧЖ раҳбари Клара Шокирова. — Бунинг учун мамлакатимизда тад-

биркорликни жадал ривожлантириш ва соҳа вакилларига зарур шарт-шароитлар яратиш бериш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу эса ишбилармонларнинг бизнес лойиҳаларини ҳаётга самарали татбиқ этишда улкан имкониятлар яратиш бермоқда. Айниқса, тадбиркорларнинг дастлаб иш бошлашида бошлангич сармож муҳим аҳамият эга. Бу борада тижорат банклари ишбилармонларнинг яқин кўмакчиси, ишончли ҳамкорига айланган.

Мен ҳам ана шу имкониятдан фойдаланиб, "Агробанк"нинг Иштихон филиалига бизнес лойиҳам билан мурожаат этдим. Сунъий қопламали стадион ва болалар дам олиш масканини бунёд этиш мақсадидаги бизнес режам банк мутасаддилари томонидан ижобий баҳоланиб, 40 миллион сўм кредит ажратилди. Натижада аҳолига мазмунли дам олиш ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун шариоит яратилиши билан бирга аҳоли бандлиги учун 5 та янги иш ўрни яратилди.

— Ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг бизнес ишланмаларини молиялаштириш ва яқиндан кўмак бериш мақсадида давлатимиз томонидан барча қулайликлар яратилмоқда. Тижорат банклари томонидан кредит маблағлари ажратилмоқда. Бундан руҳланган тенгдошларим тадбиркорлик этагидан тутиб кам бўлмаптилар, — дейди Тойлоқ туманидаги ёш тадбиркор "Jonibek damirjon servis" МЧЖ раҳбари Самижон Собиров. — Коллежни битирганимга кўп бўлгани йўқ. Ана шу қисқа фурсатда ҳаётда ўз йўлимни топиб, тадбиркор деган шарафли номга эга бўлдим. Бунда албатта, ота-онамнинг, устозларимизнинг ҳиссаси катта. Уларнинг кўмаги, маслаҳати менга доимо асқотмоқда.

"Агробанк"нинг Тойлоқ филиали эса мени молиявий қўллаб-қувватлаб, ишимнинг изга тушишига сабабчи бўлди. Темир металлдан дарвоза, дераза, эшикларга тўсиқлар ясаш ва турли қаттиқ металлларга ишлов бериш мақсадидаги бизнес режам мазкур банк томонидан молиялаштирилиб, 24 миллион сўм кредит маблағи ажратилди. Қувонарлиси, тенгдошларимдан беш нафари менга қўшилиб ишли бўлди. Бугунги кунда аҳоли талабига қараб буюртмаларни ўз вақтида бажариб келаямиз.

Юқорида келтирилган рақам ва мулоҳазалар "Агробанк" АТБ томонидан олиб борилаётган бу каби савий-ҳаракатлар мижозлар талаб ва эҳтиёжларини қондириши, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, ишбилармон тадбиркорлар, деҳқон ва фермерларнинг бизнес лойиҳаларини кредит маблағлари билан қўллаб-қувватлаш ва шу орқали аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда юртимиз иқтисодиёти янада тараққий этишига муносиб улуш қўшишга қаратилганиги билан муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. □

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ,
Банк матбуот хизмати ходими
Хизматлар лицензияланган



«Реал» — Жаҳон чемпиони

Ўтган ҳафтанинг яқшанбасида Япония давлатида клублар ўртасидаги жаҳон чемпионати якунига етди. Финалда Мадриднинг "Реал" ва Япониянинг "Кашима Антлерс" клублари ўзаро куч синашишди. Мазкур ўйинда мадридликлар қийинчилик билан бўлса-да, ғалабага эришдилар.

Биринчи бўлимнинг 9-дақиқасида "Реал" клуби ҳужумчиси Бензема ҳисобни очган, Европа вакиллари осонлик билан ғалаба қозонадигандек туюлган эди. Аммо кейинчилик Шибасак иккита гол киритди ва японларни ҳисобда олдинга олиб чиқди.

Ўйиннинг 60-дақиқасида Роналду пенальтидан ҳисобни тенглаштиргач, асосий вақтда бошқа гол урилмади. Қўшиб берилган бўлимда Роналду яна иккита гол урди ва жамоасининг ғалабасини таъминлаб берди.

Мусобақа якунида ташкилотчилар томонидан "Реал" клуби ҳужумчиси Криштиану Роналду клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг энг яхши футболчиси бўлди. Роналду икки ўйинда 4 та гол урди ва "Олтин тўп" совринини қўлга киритди. "Қумуш тўп"нинг жамоадоши Лука Модричга насиб қилди. "Бронза тўп"ни "Кашима Антлерс" клуби ярим ҳимоячиси Гаку Шибасак олди.

«Тоттенҳэм» Аллининг нархини эълон қилди

Мадриднинг "Реал" ва Парижнинг "ПСЖ" клублари қизиқиш билдираётган Лондоннинг "Тоттенҳэм" жамоаси ярим ҳимоячиси Деле Али 100 миллион фунт стерлинг эвазига клубини ўзгартириши мумкин.

Клуб президенти Дэнисл Леви Англия терма жамоасининг 20 ёшли футболчиси-ни айнан шу суммага баҳоламоқда, дея хабар бермоқда The Times нашри.

Аммо "Тоттенҳэм" клуби 2018 йилда жамоанинг янги стадиони ишга тушмагунча футболчиласидан ажралмоқчи эмас.

Эслатиб ўтамиз, Али Англия чемпионатининг 16 та учрашувида майдонга тушиб, 4 та гол урган ва 3 та голли узатгани амалга оширган.

Маълумот учун, "Тоттенҳэм" клуби 2013 йилда Гарет Бэйлини "Реал" клуби трансфер қилиш орқали 85,3 млн. фунт ишлаб олган эди.



Ана холос, дақиқасига 61 евро

Аргентинанинг "Бока Хуниорс" клуби ҳужумчиси Карлос Тевес Хитойнинг "Шанхай Шэньхуа" жамоасига кўчиб ўтса, дунёнинг энг кўп оладиган футболчисига айланади.

Аргентина клуби раҳбарияти футболчи яқин вақт ичида "Шанхай Шэньхуа" жамоаси билан шартнома тузишини эълон қилди. 32 ёшли ҳужумчи клуб мухлислари билан хайрлашишга улгурди. Тевес Хитойда ҳафтасига 615 минг фунт (бир кунда 88 минг евро, бир соатда 3,6 минг евро ва бир дақиқада 61 евро) маош олади.

Эслатиб ўтамиз, айни пайтда дунёдаги энг кўп пул оладиган футболчи "Реал" ҳужумчиси Криштиану Роналду бўлиб турибди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Тошкент вилоят прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси **Мирзаанвар МИРЗАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Нафосат ва гўзаллик куйчиси

“...Менинг шеърятга ошно бўлишимда шоир Файратий тўрагаги, устоз Миртемир семинари, дорилфундулда ижодий муҳит катта таъсир қилган. Ёшлигимда мени қуршаган одамлар классик адабиёт муҳиблари эдилар. Агар мен ёзган шеърларда, сиз айтгандек, “дилбар оҳанглар” бўлса, бу ўша дилбар одамларнинг сўхбатлари меваси бўлади”.

Бу иқтибос Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидовнинг ўз ижоди ҳақида айтган фикрлари. У шундай дилбар оҳанглар билан ватанпарварлик, тинчлик, хурлик, адолат, саховат, гўзаллик, эзгулик, софлик каби эзгу фазилатларни улуглаган ижодкор. Унинг “Тонг нафаси”, “Кўшиқларим сизга”, “Юрак ва

акл”, “Менинг юлдузим”, “Лирика”, “Ёшлик девони”, “Достонлар”, “Ҳозирги ёшлар”, “Муҳаббат”, “Тирик сайёралар”, “Бедорлик” каби тўпламларида бу янада ёрқин ифодасини топган.

Тошкентда ўтқазилган “Эркин Воҳидов — ўзбек адабиётининг ёрқин намояндаси” мавзудаги маънавий-маърифий тадбирда ардоқли шоиримиз Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз юритилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон халқ

шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида Республика Маънавият тарғибот маркази, Тошкент Давлат стоматология институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, талабалар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.


Тадбирда сўзга чиққанлар Эркин Воҳидов ижодий мероси ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва

умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлашди.

Тадбирда “Эркин Воҳидов — ўзбек адабиётининг ёрқин намояндаси”, “Адибнинг ўзбек шеърятдаги ўрни”, “Эркин Воҳидов ва нафосат куйчиси” каби мавзуларда маърузалар тингланди. Шоир шеърларидан ўқилган намуналар кўнгилларга шуқуҳ ва завқ бағишлади.

ЎЗА

Реклама (эълон)



ИПОТЕКА BANK

«Ипотека-банк» АТИБ жамоаси номидан барчангизни кириб келаётган янги 2017 йил билан самимий муборакбод этамиз! Сизга ва оила аъзоларингизга сихат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, барака тилаб қоламиз. 2017 йил давомида Сизга янги ютуқлар, улкан зафарлар, фақат хушхабарлар ва хурсандчиликлар ҳамроҳ бўлсин. Юртимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин.

Хизматлар лицензияланган

Биласизми?

«Samsung» сабабини топди

“Samsung” корпорацияси “Galaxy Note 7” смартфонларининг портлаб кетиши сабабини қидриш мақсадида ўтказган тадқиқотини якунлади. Хулосалар натижаларига кўра, гаджетнинг портлашига унинг ичидаги деталларнинг жуда зич қилиб жойлаштирилгани сабаб бўлган экан.

Маълум қилишларича, “Samsung” эндиликда ўзининг янги модели “Galaxy S8” билан дунё бозорига қайтмоқчи. “Galaxy Note 7”нинг портлаб кетиши билан боғлиқ бир қатор воқеалардан кейин компаниянинг обрўсига путур етди ва энди у бекаму кўст ишлайдиган моделни намойиш қилиши лозим эди.

Тахмин қилинишича, “Samsung” нинг янги смартфонини 2017 апрелидан бозорга чиқариш белгиланган.

«Volkswagen»нинг электр автобуси

Германиянинг “Volkswagen” концерни шартли равишда “MPV” деб номланган электр микроавтобуслар ишлаб чиқариш жараёнига киришди. Етти кишилик янги автомобиль тижорий ва халқ учун мўлжалланган намуналар каби бир неча кўринишда бўлади.

Микроавтобуснинг куч агрегати суюқлик билан совутилувчи литий-ионли аккумулятордан қувватланади. Шу сабабли, “MPV” бир марта қувватланганча, 500 км.гача масофани ортада қолдира олади.

Болалар учун «ақлли» тўп

“Play Impossible” лойиҳаси болаларнинг кўча ўйинларига мўлжалланган “ақлли” тўплар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. “Play Impossible” акселерометр, микроконтроллер ва бошқа датчиклар ўрнатилган тўпларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Булар мобил илова орқали тўпнинг ўйиндаги ҳолатини назорат қилиш, тўп ҳаракатининг ўртача тезлигини ўлчаш ва ўйиннинг бошқа кўрсаткичларини кузатишга имкон беради.

Шунингдек, мазкур тўп видеокамера билан таъминланган бўлиб, у ўйин давомидаги энг ёрқин лаҳзаларни муҳрлайди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV
Gulnoza RAHIMOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85

E-mail:

huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrig qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallari ko'chirib bostilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

□ — tijorat materiallari.

Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi

231

Buyurtma s-7792. 37 877 nusxada bosildi.

Oog'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahilalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: O' DEHQONOV
Sahifalovchi: S.BABAJANOV
Navbatchi: O' DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonada manzil: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan no'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004